

**ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ
СОЛИҚҚА ТОРТИШ:
НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ**



RS Global

**Ph.D.
АГЗАМОВ
АВАЗХОН ТАЛГАТОВИЧ**

Warsaw 2021

TASHKENT STATE UNIVERSITY OF ECONOMICS

Ph.D. Docent Agzamov Avazkhon

**TAXATION OF INDIVIDUALS:
THEORY AND PRACTICE**

MONOGRAPH

**RS Global
Warsaw, Poland
2021**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ph.D. Docent АГЗАМОВ АВАЗХОН ТАЛГАТОВИЧ

**ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ
СОЛИҚҚА ТОРТИШ:
НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ**

МОНОГРАФИЯ

**RS Global
Warsaw, Poland
2021**

**Жисмоний шахсларни солиққа тортиш:
назария ва амалиёт**

DOI: 10.31435/rsglobal/044

УЎК: 330.115 (575.1)

*Монография Тошкент давлат иқтисодийёт университети Кенгашининг
2021 йил 1 июндаги II-сонли қарорига асосан нашрга тавсия этилган.*

Масъул муҳаррир:

А. Ш. Бекмуродов, иқтисодийёт фанлари доктори, профессор.

Тақризчилар:

М. И. Алмардонов, иқтисодийёт фанлари доктори, профессор.

С. К. Худойкулов, иқтисодийёт фанлари доктори, профессор.

Агзамов А. Т.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт. Монография.
– RS Global Sp. Z O.O., 2021. – 128 бет.

Монографияда жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётини такомиллаштириш хусусидаги илмий-назарий қарашлар, жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш манбалари тадқиқ қилинган. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётида мавжуд бўлган муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари келтирилган.

Монография солиқлар ва солиққа тортиш, жумладан жисмоний шахсларни солиққа тортиш муаммолари тадқиқотида қизиқувчи профессор-ўқитувчилар, мутахассис ва илмий ходимлар, катта илмий ходим-изланувчилар, иқтисодий йўналишдаги малака ошириш тингловчилари, магистратура тингловчилари ва талабаларига мўлжалланган.

ISBN 978-83-962343-6-0 (eBook)

© Агзамов А. Т., 2021.

© RS Global Sp.z, 2021

**Жисмоний шахсларни солиққа тортиш:
назария ва амалиёт**

МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
1-БОБ. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТИЗИМИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ	7
1.1. Жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг ижтимоий- иқтисодий мазмуни, мақсади ва вазифалари	7
1.2. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимининг макроиқтисодий барқарорликка таъсири	25
1.3. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётининг хориж тажрибалари ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятлари	36
1-боб бўйича хулосалар	50
2-БОБ. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ ТАҲЛИЛИ	51
2.1. Жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг фискал самарадорлиги таҳлили	51
2.2. Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар бўйича белгиланган ставкалар ва солиқ тушумларига таъсир этувчи омиллар таҳлили.....	71
2.3. Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар бўйича белгиланган имтиёзлар ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги таҳлили	84
2-боб бўйича хулосалар	95
3-БОБ. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ	96
3.1. Аҳоли даромадларини солиққа тортиш тизими билан боғлиқ муаммолар ва уларни бартараф қилиш имкониятлари	96
3.2. Солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг замонавий шароитида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини такомиллаштириш йўллари	107
3-боб бўйича хулосалар	116
ХУЛОСА	118
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	121

КИРИШ

Жаҳон солиқ амалиётидаги жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизими миллий хўжалик алоқаларидаги турбулентлик ҳолатларига боғлиқ бўлмоқда. Хусусан, «ривожланган мамлакатларда кузатилаётган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг юқори прогрессив ставкалари пасайтириш (масалан, АҚШда 2019 йилдан 39,6 фоиздан 35 фоизга тушириш) контекстида даромад турлари бўйича солиқ ставкаларини тебраниш амплитудасини текислаштириш сиёсати амалга оширилмоқда»¹. Ушбу сиёсат натижасида хорижга чиқиб кетган капитални репатриация қилиш, аҳолининг юқори даромад олувчи тадбиркор қатлами зиммасидаги солиқ юқини пасайтириш орқали миллий иқтисодиётда инвестицион фаолликни оширишга фискал рағбатлар тизимини яратиш кўзда тутилмоқда. «Ривожланаётган мамлакатларда эса (масалан, Хитой, Ҳиндистон) ҳамон аҳолининг ижтимоий қатламлари ўртасида даромадлар тақсимланишидаги тенгсизлик ва минимал яшаш стандартидан паст даражада яшовчи аҳоли қатламининг юқори салмоғи, жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш тизимининг прогрессив механизмини янада такомиллаштиришни талаб этмоқда»².

Жаҳонда жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимига хос муаммолар контекстида: аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашнинг фискал механизми, даромадларнинг чегаравий нафлилиги асосидаги солиқ юқини аҳолининг ижтимоий қатламлари ўртасида оптимал тақсимлаш муаммолари, виртуал маконга асосланган бизнестан олинадиган даромадларни солиққа тортиш тизимининг ташкилий асослари иқтисодчи-олимлар томонидан ўрганилмоқда. Ялпи истеъмол талабини солиқ механизми орқали рағбатлантириш, жамғармалар ва уларни инвестицияларга трансформациялашга солиқ тизимининг таъсирини такомиллаштириш, капиталларнинг трансмиллий ҳаракатланишини индивидуал даромад солиғи механизми орқали тартибга солиш сингари масалалар борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимида олиб борилаётган ислохотларда солиқларнинг барқарор тушумини таъминлаш, солиқ юқини изчил камайтириш негизида аҳоли реал даромадларини ошириш орқали иқтисодий ўсишга позитив таъсир этувчи ўзаро уйғунлашган солиқ тизимини шакллантиришга эътибор қаратилмоқда. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор

¹ Қаранг: <http://www.worldwide-tax.com>.

² Global Economic Prospects Weak Investment in Uncertain Times. A World Bank Group Flagship Report. International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank 1818 H Street NW, Washington, DC 20433. – January 2017. – 17 pp.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»³ да асосий устувор йўналиш сифатида «солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш» ва «Аҳолининг реал пул даромадларини ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилалар сонини ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиш даражасини янада камайтириш» белгиланган. Бу масалаларни ҳал қилиш учун республикада солиқ юкини аҳолининг ижтимоий қатламлари ўртасида текис тақсимлаш, мавжуд имтиёзларнинг самарадорлигини баҳолаш ва оптималлаштириш, аҳолининг реал даромадларини оширишда солиқ тизимининг муҳим элементи ҳисобланган жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётини такомиллаштиришни тақозо этади.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишнинг зарурлиги ҳамда ушбу мавзу республикамиз иқтисодчи олимлар томонидан мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаганлиги мазкур монографик тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони. // Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль.

**1-БОБ. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ
ТИЗИМИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ХОРИЖ
ТАЖРИБАСИ.**

**1.1. Жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг ижтимоий-иқтисодий
мазмуни, мақсади ва вазифалари.**

Иқтисодиётни либераллаштириш ва ривожлантириш билан боғлиқ кенг қўламли ислоҳотлар шароитида давлат бюджети даромадларини барқарор шакллантириш давлатни жамиятнинг сиёсий институти сифатида фаолиятини самарали ташкил этишнинг молиявий асосини ташкил қилади. Маълумки, ҳар қандай мамлакатда миллий иқтисодиётида кузатиладиган макроиқтисодий барқарорлик ва мутаносиб иқтисодий ўсиш суръатлари мавжуд иқтисодий агентлар, яъни давлат, корпоратив сектор ва уй хўжаликлари ихтиёрида молиявий ресурсларни изчил ва шакллантириш тизимини талаб қилади. Уларнинг ихтиёридаги молиявий ресурсларни шаклланиш манбаига кўра миллий иқтисодиётдаги яратилган қўшилган қийматнинг бир қисми ҳисобига шаклланидиган ва хорижий манбалардан жалб қилинадиган молиявий ресурсларга ажратиш мумкин. Миллий иқтисодиётнинг тараққиёти ва макроиқтисодий барқарорлик натижасида яратиладиган қўшилган қиймат ички молиявий ресурсларнинг манбаи сифатида турли иқтисодий агентлар ўртасида тақсимланади. Бундай тақсимлаш тизимли тавсифга эга бўлиб, солиқлар корпоратив сектор ва уй хўжаликларида яратилган қийматни давлат ҳисобига тақсимлаш инструменти ҳисобланади. Солиқлар воситасида яратилган қийматни тақсимлаш орқали мамлакатдаги иқтисодий тараққиёт нисбатларига сифат ва миқдор жиҳатдан таъсир кўрсатилади. Қолаверса, яратилган қўшилган қийматни давлат бюджетига тақсимлашнинг махсус молиявий инструментиدير. Умуман, мамлакат миқёсида яратилган ялпи ички маҳсулотни тақсимлаш жараёнида молиявий инструментларнинг кенг арсенали иштирок этиб, солиқлар давлат ихтиёрида шакллантириладиган марказлаштирилган фондлар молиявий ресурсларини шакллантириш инструменти ҳисобланади. Иқтисодчи И.А. Майбууровнинг таъкидлашича, солиқлар миллий даромадни асосий тақсимловчи категориялардан бири сифатида ижтимоий манфаатларнинг молиявий асосини ўзида ифодаловчи давлат бюджети даромадларини шакллантириш инструменти ҳисобланади⁴. Демак, давлат бюджети даромадларининг асосий манбаи ялпи ички маҳсулот ҳисобланиб, солиқлар давлат бюджетига яратилган қийматни тақсимлашнинг инструменти ҳисобланади.

⁴ Майбууров И. А. Теория и история налогообложения: учеб. пособие для студентов вузов, обучающихся по специальности «Финансы и кредит», «Налоги и налогообложение». – М. 2010. С. 9.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

Ҳар қандай давлатнинг иқтисодий-сиёсий қудрати унинг ихтиёридаги молиявий ресурсларнинг ҳажми билангина эмас, балки ўзаро молиявий манфаатлар уйғунлиги контекстида ялпи ички маҳсулотни тақсимланиши тизимидаги давлат даромадларини шаклланишининг муқобил механизмига ҳам боғлиқдир.

Бу борада, иқтисодчилар П. Самуэльсон ва В. Нордхауслар, давлатнинг иқтисодий ролига тўхталиб таъкидлайдиларки, давлат аҳолининг маълум қатламлари ўртасида даромадларни қайта тақсимлаш воситасида солиқлардан адолатли фойдаланишни таъминлайди⁵. Бу ерда асосий урғу солиқлар воситасида даромадларни қайта тақсимлаш орқали пировард натижа сифатида аҳолининг ижтимоий қатламлари ўртасида даромадларни қайта тақсимлаш тизимида қаратилган.

Замонавий шароитларда солиқларнинг сифат ва миқдор жиҳатдан оптимал нисбатлари бўйича турли илмий қарашлар мавжуддир. Бунда оптималлаштириш мезонлари сифатида ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи хўжалик субъектларининг молиявий манфаатлари ва давлатнинг жамиятни сиёсий институти сифатидаги фаолияти кесимида ижтимоий манфаатлар муштарақлиги шароитида миллий даромадни тақсимлаш нисбатлари инобатга олинади. Миллий даромадни иқтисодий агентлар ўртасидаги тақсимланиш нисбатлари, мамлакат иқтисодиётининг тараққиётида уларнинг фаоллигига таъсир этади. Англо-Саксон иқтисодий мактаби намोёндаларидан бири бўлган А.С. Пигу солиқлар воситасида даромадларни оптимал қайта тақсимлаш қўшилган қиймат ҳисобига яратилган молиявий ресурсларни ижтимоий секторга трансформациялаш негизида миллий бойликни кўпайишини таъминлаш билан белгиланишини эътироф этиб ўтади⁶.


Бунда мамлакат иқтисодиётида яратилган даромадларни солиқлар воситасида бирламчи тақсимлаш орқали ижтимоий соҳалар молиявий ресурслар манбаларининг шаклланишига урғу берилган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизими моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги аҳоли томонидан яратилган даромаднинг бюджет канали орқали бирламчи тақсимлаб, ижтимоий соҳалар моддий эҳтиёжлари учун қайта тақсимлашнинг молиявий асоси яратилади. Буни том маънода даромадларни аҳолининг ижтимоий қатламлари ўртасида қайта тақсимлаш тизими деб ҳам аташ мумкин. Ушбу солиқлар юридик шахслардан олинadиган солиқларга нисбатан бир қатор хусусиятларга эга бўлиб, мамлакат иқтисодиётининг мутаносиб ривожланишини таъминлаш ва ижтимоий тараққиёт билан боғлиқ зиддиятларни кучайиши билан боғлиқ хатарларни келиб чиқишига мойиллиги юқоридир. Шунинг учун ҳам

⁵ Самуэльсон П., Нордхаус В. Экономика. – М.: Вильямс, 2014. – 1360 с.

⁶ Блауг М. Пигу, Артур С. // 100 великих экономистов до Кейнса = Great Economists before Keynes: An introduction to the lives & works of one hundred great economists of the past. – СПб.: Экономикс, 2008. – С. 240-243. – 352 с.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

жисмоний шахсларни солиққа тортиш масалалари инсоният тарихий тараққиётининг дастлабки давридан то ҳозирги кунгача кенг жамоатчилик томонидан ҳам асосий муаммо сифатида тадқиқ этиб келинмоқда. Хусусан, солиқ муносабатларини илмий-назарий асосларини тадқиқ этувчи махсус “Форосология”⁷ фанида солиқлар тарихий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, фалсафий категория сифатида ўрганилиши эътироф этилсада, бунда асосий урғу аҳоли солиқларининг (жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар) ижтимоий-иқтисодий моҳиятига қаратилган.



1.1-расм. Солиқларнинг тарихий, фалсафий, иқтисодий, молиявий ва сиёсий-ҳуқуқий категория сифатидаги хусусиятлари чизмаси.⁸

Тарихий тараққиёт натижасида давлатларнинг пайдо бўлиши ва унинг жамиятни сиёсий институти сифатида родини ривожланиши, қиймат алмашинувининг пул эквивалентини шаклланиши замонавий солиққа тортишнинг дастлабки принципларини пайдо бўлишига олиб келди.

⁷ Қаранг: “Форосология” (грекча форос-солиқ, логия-ўрганиш) - солиқлар, солиқ тизими ва солиқларга оид ҳуқуқий муносабатларни тарихи ва замонавий ҳолатини ўрганувча фан.

⁸ Расм муаллиф томонидан шакллантирилган.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

Тарихий категория сифатида солиқлар объектив тарихий-тараққиёт қонуниятларига асосланган ҳолда жамиятнинг синфларга бўлиши ва давлатларнинг пайдо бўлиши билан тизимли тавсифда ривожланиб борган. Давлатларнинг пайдо бўлиши, уларнинг ихтиёридаги молиявий ресурсларни шакллантиришни тизимли механизмини вужудга келишининг объектив асоси ҳисобланади. Файласуф Прудон таъкидлаганидек, “Моҳиятан, солиқ ҳақидаги ҳар қандай масалада давлат ҳақидаги масала ётади”. Шунинг учун ҳам давлат ва унинг фаолияти ҳақидаги ҳар қандай назария солиқ назарияси билан параллел равишда ривожланиб борган. Инсоният тараққиётининг дастлабки даврларида мутлақ монархияга асосланган давлатчилик муносабатлари шароитида товар хўжалиги примитив шаклга эга бўлиб, майда хунармандчилик шаклидаги тадбиркорликка асосланган. Бундай шароитда солиқлар аҳоли даромадларини давлат хазинасига марказлаштириш инструменти ҳисобланган⁹.

Демак, таъкидлаш жоизки, тарихий ретроспективада солиқлар ва солиқ назарияси шаклланишининг фундаментини аҳоли солиқлари ташкил қилган. Ушбу солиқлар юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизими замонавий архитектурасининг шаклланишини фундаментини ташкил қилган.

Қадимги дунёдан то ҳозирги давргача жисмоний шахслар тўлайдиган солиқларни ундириш шакллари ва усулларининг тараққиётини шартли равишда 3 даврга ажратиш мумкин. Буни қуйидаги жадвалдан кўришимиз мумкин (1.1-жадвал).

Солиққа тортиш тизими назариясининг шаклланишини дастлабки 1-даврида мавжуд солиқлар факултатив тавсифга эга бўлиб, давлатларнинг табиий офатлар, урушлар натижасидаги вужудга келадиган харажатларини қоплаш учун кенг жорий этилган. Солиқларни ундириш бўйича махсус давлат институционал birlikлари амал қилмаган давр ҳисобланади.

Дастлабки солиқ муносабатларини шаклланишининг тарихий илдизи том маънода ихтиёрий тавсифга эга бўлиб, тўловларининг тизимсиз ва натурал шакли, яъни “Квасисолиқ” кенг ривожланган¹⁰. Бундай тўловлар замонавий солиқ механизмини шаклланишини фундаментал асосини ташкил қилган. Файласуф Фома Аквинский ўз даврига хос солиқларни “талон тарождикнинг мумкин бўлган шаклидир” - деб таърифлайди¹¹. Яна бир файласуф Фрэнсис Бекон эса “Аҳолининг розилиги билан ёки розилигисиз олинадиган ўлпонлар, тўловчининг ҳамёни учун бир хил, лекин халқнинг маънавиятига бир хил таъсир этмайди”¹².

⁹ Адамс Ч. Влияние налогов на становление цивилизации / Чарльз Адамс ; пер. с англ. А. А. Столярова и А. А. Резвова. – Москва; Челябинск: Социум, Мысль, 2018. – с. 20.

¹⁰ Майбуrow И. А. Теория и история налогообложения: учеб. пособие для студентов вузов, обучающихся по специальности «Финансы и кредит», «Налоги и налогообложение». М. 2010. – с. 9.

¹¹ Адамс Ч. Влияние налогов на становление цивилизации / Чарльз Адамс; пер. с англ. А. А. Столярова и А. А. Резвова. – Москва, Челябинск: Социум, Мысль, 2018.

¹² Ўша ерда.

**Жисмоний шахсларни солиққа тортиш:
назария ва амалиёт**

1.1-жадвал. Солиқлар (шу жумладан, жисмоний шахсларни солиққа тортиш) назариясининг ривожланиш давлари¹³

<i>Даврлар</i>	Институционал асослар	Амал қилиш даври	Шаклланган солиқ назариялари	Йирик намоёндалар
<i>1-давр</i>	Солиқларнинг примитив шакли амал қилган ва махсус институтлар мавжуд бўлмаган.	Антик даврдан ўрта асрларгача	Алмашув назарияси	Ж.Б. Сэй, П. Леруа-Болье, Р. Стурм, Бастэбль
			Атомистик назария	С. Вобан, Ш.Монтескьё, Т Гоббс, Волтер, Ж.Сисмонди
			Солиқларнинг “Суғурта тўлови” назарияси	Ж.Маккулох, А. Тьер
<i>2-давр</i>	Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар ва солиққа тортиш тамойиллари ҳамда махсус институтларни шаклланиши	XVIII - XX аср бошлари	Классик назария	А. Смит, Д.Рикардо
			Курбонлик назарияси	Н.Канар, Б. Мильгаузен, Ж. Милл
<i>3-давр</i>	Жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизими замонавий механизми ва солиқлар кенг арсеналининг шаклланиши	XX аср бошларидан то ҳозирги кунгача	Кейнсчилик назарияси	Ж. Кейнс
			Монетаристик назария	М. Фридман
			Иктисодий таклиф назарияси	М. Берне, А. Лаффер, Лоренц
			Неокейнсчилик назарияси	И. Фишер, Н. Калдор

Алмашув назариясига оид илк ушбу қарашлар, давлат хизматларига эквивалент бўлгандагина маълум даражада ушбу тўловлардан розилик аломатлари кузатилиши мумкинлигини эътироф этиб ўтилади.

Ушбу тўловларнинг ихтиёрий тавсифга эгаллиги индивидларнинг ташқи таъсирлар натижасидаги хатарлардан ҳимоялаш ҳақидаги мифологик тасавурларга ҳам асосланган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ислом мамлакатларида шариат қоидаларига асосланган “Ислом молияси” фундаментал принципларига мувофиқ замонавий солиққа тортиш механизмнинг ривожланишини¹⁴ айнан “квасисолиқ”нинг ридументи деб ҳам аташимиз мумкиндир. Ҳозирги шароитда кенг иктисодчилар томонидан ислом

¹³ Жадвал муаллиф томонидан шакллантирилган.

¹⁴ Saleem. Sh.. Islamic Concept of Taxation Renaissance, 1992, vol. 2, iss. 10.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

молиясининг фундаментал принципларига асосланган ҳолда жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш масаласининг илгари сурилиши бир қатор объектив шарт-шароитларга боғлиқ бўлмоқда. Ушбу масала аввало кейинги йилларда жаҳон аҳолисининг ижтимоий қатламлари ўртасида ижтимоий тенгсизликни кучайиб бораётганлиги билан боғлиқ зиддият туфайли кенг муҳокама қилинмоқда. Хусусан, статистикага мурожаат қиладиган бўлсак, кейинги 100 йил мобайнида 15 энг йирик бойлар қатламининг улуши 60% дан юқори ўсган. Ривожланган G7 мамлакатларида Жини коэффиценти 0,71ни ташкил қилган бўлса, ривожланаётган мамлакатларда 0,8 ни ташкил қилмоқда.

Россиялик профессор О.С. Сухарев¹⁵ ушбу муаммони ҳал қилишда кам таъминланган аҳоли қатлами молиявий манфаатлари учун махсус ижтимоий институт ташкил қилиш лозимлигини эътироф этади.

Ислом иқтисодий доктринасини тарафдори бўлган аксарият иқтисодчилар бундай механизмнинг самарали йўли ислом динининг муҳим институтларидан бири бўлган закот тизимини жорий этишни эътироф этиб ўтадилар. Исломда солиқлар шариат қонунлари тамойилларига мувофиқ жорий этилиб, Закот замонавий солиқ тизимининг тарихий шаклларида биридир. Закот турли солиқ тўловчилар, турли солиқ солинмайдиган минимумлар негизидаги объектлар, турли ставкаларни ўзида мужассамлаштирган мажбурий тўловдир. Айрим иқтисодчилар Закотни исломдаги барча солиқларни мужассамлаштирувчи мажбурий тўлов сифатида эътироф этадилар.¹⁶

Ислом солиқлари нафақат Куръони Карим нуқтаи-назардан, балки замонавий солиқ категорияси сифатида ҳам қабул қилишда айрим жиҳатлар нуқтаи-назардан мунозаралидир.

Биринчидан, шариат қонунлари бўйича ислом солиқларнинг сарф йўналишлари аниқ белгиланган манзилли тўловлардир¹⁷.

Иккинчидан, солиқларнинг мажбурийлиги тамойили, асосан ҳукумат томонидан амалга оширилади ва солиқ қонунчилиги бузилган ҳолда жарима (санкция)лар белгилаш унинг ваколатига киради. Масалан, Ўзбекистон Республикасида солиқ солишнинг бирламчи ҳуқуқий асоси бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасида: “фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурлар”¹⁸ – деб белгилаб қўйилган. Шунингдек, Солиқ кодексининг

¹⁵ Сухарев О.С. Методологические основы институционального анализа: старая, новая школы и мейнстрим // Финансовая аналитика: проблемы и решения. 2013. № 41. С. 7–24.

¹⁶ Awad M.H. Adjusting Tax Structure to Accommodate of Zakah. Management of Zakah in Modern Muslim Society. Islamic Development Bank, Jeddah, 2000, pp. 77–100.

¹⁷ Куръони Каримда Закот: камбағал, қаровсизларга, закот йиғувчиларга, кулларга, қарздорларга ва бошқа йўналишларга сарфланиши белгиланган. (Сура Ат-Тауба 9:60)

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

6-моддасида: “ҳар бир шахс ушбу Кодексида белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаши шарт”лиги таъкидланган.¹⁹

Ислом солиқларида солиқ тўлаш ҳар бир мусулмоннинг диний мажбурияти, мусулмончиликнинг 5 устунларидан бири сифатида эътироф этилади. Закоат тўлаш учун ташқи назорат институтларига эҳтиёж мавжуд бўлмасдан, ҳар бир мусулмоннинг шахсий мажбурияти ҳисобланади. Эътиқод закоти ижро этишнинг фундаментини ташкил қилади.

Учинчидан, замонавий солиқларнинг қонунийлигини уларни ваколатли давлат ҳокимияти органлари томонидан ўрнатилиши билан изоҳлаш мумкин. Ислом молиясида закотнинг қонуний асосини Қуръони Карим ташкил қилади.


Умуман, “Қайта тақсимлашга йўналтирилган қурбонлик”ка асосланган закотнинг замонавий солиқ тизимидан афзаллиги сифатида аҳоли ижтимоий қатламлари ўртасида нафақат даромад, балки мавжуд тўпланган бойлик ўртасидаги тафовутни мувозанатлаштириш имкониятининг юқорилиги эътироф этилади.

Хусусан, ҳозирги шароитда жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимидаги принципаал муаммолардан бири ушбу солиқларнинг асосан даромадларни тенглаштириш вазифасини бажаришга қаратилганлигидадир. Лекин, даромадларни тенглаштириш тизимида қаратилган солиқ тизими мавжуд бойлик ёки капитал жамланишидаги тафовутни кучайиши билан боғлиқ зиддиятни кескинлашувига олиб келмоқда. Албатта, макродаражада миллий даромад миллий бойликни тўпланишининг молиявий манбаи ҳисобланади. Миллий даромадни аҳолининг ижтимоий қатламлари ўртасидаги тақсимланишини ижтимоий адолат принципларидан келиб чиққан ҳолда мувозанатлаштириш миллий бойликни тақсимланишидаги тафовутни қисқартиришнинг бош омили ҳисобланади. Лекин, жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимидаги мавжуд солиқлар кенг арсеналидаги мавжуд солиқлар нафақат даромадни, балки мулк қийматликларни ҳам қайта тақсимлаш вазифасини бажаради. Хусусан, мол-мулк ёки ер солиғи воситасида бойликни қиймат эквивалентида тақсимлаш тизими амал қилади. Лекин, бундай қайта тақсимлаш тизими канали орқали ҳаракатланувчи молиявий оқимлар юқори салмоққа эга бўлмаётир.

Солиқларнинг сиёсий-ҳуқуқий категория сифатидаги хусусияти ижтимоий-иқтисодий тузумлар тараққиётининг давлат томонидан тартибга солишни муҳим инструменти эканлигида намоён бўлади. Хусусан, иқтисодчи-философ Чарлз Адамс, солиқлар инсонларга давлат томонидан таъсир этувчи энг қудратли инструмент эканлигини таъкидлаб ўтади...

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 52 (I)-сон, 2007, декабрь. - Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2007. - 4 бет.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт



1.2-расм. Солиқ юқининг солиқ тўловчилар ҳулқ атвориға таъсирининг фазалари.²⁰

Унинг фикрича, юқори солиқ юки²¹ (солиқ оғирлиги) шароитида солиқ тўловчилар ҳукумат учун энг кучли хавф ҳисобланади. Юқори солиқ юки шароитида солиқ тўловчиларнинг ҳулқ атворини 3 фазага ажратади.

Биринчи огоҳлантирувчи фазада, солиқ тўловчилар орасида солиқ тизимидан норозилик аломатлари, даромадни яшириш ҳолатлари кузатилади. Иккинчи фазада, оммавий солиққа тортишдан қочишга ҳаракат қиладилар; Учинчи фазада, юқори солиқ оғирлиги шароитида солиқларни ундириш ҳукуматнинг кучли императив механизми инструментлари орқали таъминланади.

Ушбу механизм стихияли тавсифга эга бўлиб, мамлакат сиёсий барқарорлиги учун хатарли ҳисобланади. Англиялик юрист Блэкстоннинг фикрича, олдинлари солиқ тўлашдан бўйин товлаган шахслар ҳаттоки турли хил қийноқларга солинган. Замонавий шароитларда эса ҳукумат солиқ тўловчиларни турли санкциялар орқали мажбурлашга ҳаракат қиладилар.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимини аҳоли ва давлат молиявий манфаатлари муштарақлигида оптимал шакллантириш муаммоси инсоният тарихий тараққиёти давомида тадқиқ қилиниб келинган. Натижада жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимини иқтисодий категория сифатидаги миллий иқтисодиётга таъсири ва унинг шу йўналишдаги тараққиёт қонуниятлари кенг тадқиқ этилган.

Солиқлар ҳақидаги атомистик назария дастлаб Францияда шаклланган бўлиб, унга кўра даромадлар давлат ва аҳоли ўртасидаги ўзаро келишув

²⁰ Адамс, Ч. Влияние налогов на становление цивилизации / Чарльз Адамс; пер. с англ. А. А. Столярова и А. А. Резвова. – Москва; Челябинск: Социум, Мысль, 2018. – с. 21

²¹ Назарий жиҳатдан олганда солиқ юки ва солиқ оғирлиги бир бирини тўлдирувчи тушунча ҳисобланади, уларни бир биридан ажратувчи принципиал фарқ иқтисодчи олимлар томонидан эътироф этилади. Хусусан, умумий мазмунда солиқ оғирлиги солиқ тўловчилар зиммасидаги маълум меъёрдан ортиқча солиқ юки эвазига намоён бўлади. Бу ерда меъёр солиқ тўловчилар тўлаши мумкин бўлган солиқ мажбуриятларининг максимал миқдори мезонига асосланади.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

натижасидаги алмашув эквивалентига асосланиши эътироф этилади. Ушбу назариялар тарафдорлари Ш.Монтескье, Ж.Сисмонди ва бошқа намоёндалар солиқларнинг давлат ва аҳоли ўртасида том маънодаги “Ижтимоий шартнома”нинг асоси сифатидаги хусусиятини ёритиб беришга ҳаракат қилганлар. Асосан уйғониш даврида шаклланган ушбу назариянинг тарафдорлари (С.Вобан, Ш.Монтескье, Т.Гоббс, Ж.Сисмонди, Вольтер) солиқларни давлат томонидан кўрсатилган реал ва абстракт хизматлар учун тўлов сифатида талкин қиладилар. Ш.Монтескье, солиқлар – бу тараққий этган жамиятда том маънодаги “яшаш ҳуқуқи” учун тўлов деб таърифласа, Француз файласуфи Вольтер²² солиқ тўлаш – индивидлар томонидан маълум мулккий қийматликларни қолганини сақлаш учун тўлов – деб ҳисоблайди. Т.Гоббс “Давлат барчани бир бирларига нисбатан эълон қиладиган урушларини бекор қилиб тинчликни сақлайди ва солиқлар ушбу тинчликни фуқаролар томонидан сотиб олишнинг қийматини ифодалайди” – деб таъкидлайди (1651). Швейцариялик иқтисодчи Ж.Сисмонди эса солиқлар – фуқаролар бойликларининг бир қисми ҳисобланиб, келажакда улар томонидан давлат хизматларидан фойдаланиш учун аванс тўлови – деб таърифлайди. Ушбу гипотезага асосланган назарияни айрим иқтисодчилар “роҳатланиш назарияси” тарафдорлари деб ҳам эътироф этиб ўтишади.

Демак, ушбу иқтисодчилар солиқларга – фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари ва мулккий дахлсизлигини сақлаш билан боғлиқ давлат хизматлари учун эквивалент тўлов сифатида аниқлик киритишмоқда.

XVIII асрда солиқларга нисбатан суғурта мукофоти (премияси) сифатидаги ғоялар пайдо бўла бошлади. Бунда солиқ тўловчиларга нисбатан тадбиркорга суғурта жамиятининг аъзоси сифатида қаралиб, солиқларга турли хатарлардан суғурталаш мукофоти деб эътироф этилади. Ушбу назарияни француз иқтисодчиси А.Тьер, Э.Маккуллох ва бошқалар ривожлантирган. Бунда солиқлар тадбиркорнинг мулккий қийматликлари билан боғлиқ хатарларнинг даражаси бўйича тақсимланиши зарурлиги илгари сурилган.

Ўрта Осиёда ўрта асрларда жисмоний шахсларни солиққа тортиш борасидаги илмий қарашларнинг илк тизимлаштирилишини Темур тузуқларида кўришимиз мумкин. Соҳибқирон Амир Темур “Темур тузуқлари”да солиқлар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича шундай дейилади: “Амр этдимки, раъиятдан мол, хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак. Негаки, раъиятни хонавайрон қилиш давлат хазинасини камбағаллаштиришга олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса, сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади”.²³ Амир Темур ўз фикрини

²² Дуглач Т.Б. При эпохи просвещения. Ш.Монтескье, Вольтер, Руссо (От концепции просвещенного абсолютизма к теориям гражданского общества) – Москва: 2006, (37-38 сс.), 251 с.

²³ Темур тузуқлари. – Тошкент, 1996. – 22-бет.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

давом этириб, яна шундай дейди: “Агар ерлик фуқаро азалдан бериб келган ҳирож микдорига рози бўлса, уларнинг розилиги билан иш кўрсинлар, акс ҳолда (ҳирожни) тузукка мувофиқ йиғсинлар.”²⁴

Амир Темури фикрларидан шуни англаш мумкинки, солиқ солишда солиқ тўловчиларнинг иқтисодий имкониятларини инобатга олиш зарурлигини таъкидлайдилар. Шу орқали солиқ нормалари даромадга бевосита боғлиқ бўлишини таъкидлайдилар.

Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар ва солиққа тортиш тамойиллари ҳамда махсус институтларнинг шаклланиш даврида (У. Петти, Ф. Кенэ, А. Смит, Д. Рикардо) солиқлар товар – пул муносабатларини тавсифлаши эътироф этилиб, бунда давлат даромадлари ва харажатлари пул эквивалентида ифодаланишига асосланган. Ушбу давр солиққа тортишнинг классик назариясини шаклланиш даври ҳисобланиб, илк солиққа тортиш тамойилларининг тизимлаштирилиши даври ҳисобланади. Шунингдек, ушбу даврда, солиқларнинг молиявий-иқтисодий категория сифатида хўжалик механизмига таъсири қонуниятлари кенг тадқиқ этилган.

Иқтисодчи У. Петти (1662) солиқлар даромадларга нисбатан пропорционал бўлишини ва даромаднинг турларига нисбатан нейтрал бўлиши зарурлигини илгари суради. Иқтисодчининг жисмоний шахсларни солиққа тортишдаги илмий қарашлари замонавий шароитларда пропорционал солиққа тортиш ғояси тарафдорларининг фундаментал асосини ташкил қилади. У. Петтининг қарашлари асосан ўз давридаги аҳоли даромадларининг шаклланиши ва улар ўртасидаги юқори даражада бўлмаган тафовут шароитидаги оптимал солиқ тизимини шакллантиришга асосланган. Лекин даромад манбаларининг кенг турларини пайдо бўлиши жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишнинг глобал механизмидан шедуляр механизмига ўтишнинг объектив асосини ташкил қилади.

Маълумки, классик мактабнинг йирик намоёндаси сифатида А. Смит хусусий солиқ назариясини шаклланишига улкан ҳисса қўшиши билан бир қаторда, уларнинг иқтисодий табиатини тизимлаштирган.

А. Смит солиқ юқини тақсимлаш назариясини қуйидагича шакллантирди: барча солиқлар пировард натижада, ер эгаларидан олинади, чунки улар даромаднинг кўзгалмас манбаини доимий эгалари ҳисобланишади. У физиократлардан фарқли равишда ягона солиқ назариясини қўллаб-қувватламади. Унинг фикрича, рентани солиққа тортиш билан бирга иш ҳақиға солинадиган солиқ ҳам мавжуд бўлиши лозим²⁵.

Демак, А. Смит даромаддан олинадиган ва рента тавсифидаги солиқлар базасида ягона солиққа тортиш тизими жорий этишни қўллаб қувватламаган.

²⁴ Ўша жойда.

²⁵ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Соцэкгиз, 1962. – с.408.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

Классик иқтисодчилардан бўлган Д.Рикардо А.Смитнинг солиқлар тўғрисидаги назариясини солиққа тортишнинг янги тамойили билан бойитди. Ушбу тамойилга кўра, барча солиқлар, агар у ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ёки ноишлаб чиқариш характеридаги истеъмолни камайтиришга асосланган ҳолда ўрнатилмаган бўлса, капитални жамғаришга тўсқинлик қилади.²⁶ Унинг фикрига кўра, ер рентасини солиққа тортиш жуда осон ва қулай, аммо рентадан олинадиган солиқнинг юки тўғридан-тўғри харидор зиммасига юклатилмаслиги лозим, чунки ушбу солиқ ўзгармас таклифга эга бўлган омил, яъни ерга солинган солиқдир. У фойдага солиқни товарларнинг баҳоси ва таклифига таъсирини таҳлил қилиб, қуйидаги хулосани чиқарган: товарлар айланиши тезлигининг турли товар позициялари бўйича бир хил эмаслиги солиқ юкини уларнинг баҳосига бир хилда таъсир этмаслигига олиб келади.²⁷

Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар ўзининг қиймат эквивалентига эга бўлмаса-да, солиқ тўловчи тўлаган солиқлари бўйича маълум даражада ижтимоий-иқтисодий нафга эга бўлиши керак. Бу солиқ тўловчиларнинг солиқдан қочиш ёки солиқ тўлашдан бўйин товланиши олдини олишнинг муҳим шартидир. Бу тўғрисида Ж.Сисмонди “Сиёсий иқтисоднинг янги бошланиши” (1819) номли асарида қуйидаги фикрларни келтириб ўтади, фуқаролар томонидан тўланадиган солиқлар, маълум шарт-шароитларга асосланган ҳолда солиқларга инсонлар томонидан жамиятдан кўрсатиладиган хизматлар учун тўлов эканлигини таъкидлайди. Шу билан бир вақтда солиқларнинг оптимал миқдори жамиятдан манфаатдор бўладиган ижтимоий хизматларнинг нафлилик даражасига боғлиқлигини таъкидлайди. Ж. Сисмонди қатъий равишда солиқларнинг давлат ва солиқ тўловчилар ўртасида ўзаро нафлилик принциpigа асосланган ҳолдаги тўлов эканлигини илгари сурган.

Аҳоли солиқларининг мутлақ зарурлигини француз иқтисодчиси Ж. Б. Сей меҳнат натижасида яратиладиган нафлилик позициясида асослайди. Хусусан, Ж. Б. Сейнинг фикрича²⁸, давлат хизматлари соҳасида сарфланган меҳнат ҳам ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқаришни инсонлар томонидан нафлиликни яратишга йўналтирилган фаолият деб ҳисоблаб, моддий ва номоддий шаклларда гавдаланишини эътироф этади. Шунингдек, аҳоли ушбу давлат хизматлари истеъмолидан олинадиган нафлиликни уни ишлаб чиқаришга сарфланган меҳнат ва капитал қиймати эквивалентига солиқ сифатида тўлаши лозимлигини эътироф этади.

Инглиз файласуф-иқтисодчиси Дальтон фуқаролар томонидан тўланадиган солиқлар миқдорига нисбатан “Қурбонликнинг максимал

²⁶ Рикардо Д. Начала политической экономики и податного обложения. – М.: 1935. – с. 193.


²⁷ Блауг М. Экономическая мысль в ретроспективе. Пер. с англ., 4-е изд. – М.: «Дело» Лтд., 1994. – с.124-125.

²⁸ Ўша жойда.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

ҳажми” тушунчасини муомалага киритиб, солиқ тўловларининг ҳажмини жамиятдан оладиган ижтимоий неъматлар қийматиغا боғлайди.

Бунда, Y ўқда даромадлар ҳажми белгиланган бўлиб, 0 нуқтадан вертикалнинг юқори қисмидаги S эгри чизикда солиқ тўловчиларнинг давлатдан оладиган ижтимоий хизматлар (неъматлар) ҳажми ва ундан нафлилик даражаси белгиланади. Вертикал абциссанинг қуйи қисмидаги k эгри чизикда индивидларнинг олган даромадлари ҳисобидан тўланадиган солиқлар инобатга олинган. Вақтнинг t_1 momentiда индивидларнинг давлатнинг ижтимоий хизматлари (неъматлар) ҳажми ва ундан нафлилиги максимал бўлган шароитда солиқ тўловларининг максимал ҳажми ва солиқ тўлашга бўлган иштиёқ ҳам юқори даражада бўлади.



1.3-расм Дальтоннинг солиқларни фуқаролар иқтисодий ҳуққ атворига таъсири чизмаси.²⁹

Вақтнинг t_2 momentiда эса давлат ижтимоий хизматлари (неъматлари)ни ҳажми ва ундан нафлиликнинг пасайиши индивидларнинг солиқ тўлови ҳажми ва унга нисбатан мойиллигининг йўқолишига олиб келади. Бу ерда Дальтонни “Қурбонликнинг максимал ҳажми”нинг чегаравий мезонлари K эгри чизик траекторияси бўйича ҳаракатланади.

Дальтоннинг ушбу фикридан англаш мумкинки, солиқлар қийматнинг бир томонлама ҳаракатланишини ўзида мужассамлаштирувчи эквивалентсиз тўловлар эмас. Балки, унинг негизида ҳам қандайдир ижтимоий хизматлар бўйича қайтим мавжуд бўлиши лозимдир. Бундай қайтим сифатида солиқ тўловчи давлатнинг ижтимоий неъматлари инобатга олиншини назарда тутилади. Бизнинг фикримизча ҳам ҳозирги шароитда солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларининг фундаментал омилларидан бири солиқ тўловчилар

²⁹ Муаллиф томонидан шакллантирилган.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

учун давлат ижтимоий хизматларининг сифатли ва манзилли тақдим этиш билан боғлиқ муаммолар ҳам ҳисобланади.

Бу борада, Нобель мукофоти лауреати, Россия Фанлар академияси академиги Жорес Алферовнинг қуйидаги қарашлари фикримиз тасдиғи бўлиши мумкин: “Агар фуқаро даромадларидан таълим, тиббий хизматлар учун, пенсия учун жамғариш, уй-жой коммунал хизматлар учун тўловларни бозор қийматида тўлашга мажбур бўлса, бундай давлатнинг нима кераги бор. Қайси моддага мувофиқ биз солиқ тўлашимиз ва ақлсиз амалдорлар армиясини сақлашимиз керак? Мен ҳар қандай даражадаги соғлиқни сақлаш, таълим ва фан учун бюджетдан таъминланиши зарурлигини таъкидлайман. Агар давлат ушбу харажатлар бўйича қайгурмаса ва бизнинг зиммамизга юкласа, бундай давлат йўқ бўлиши даркор ва бунда зиммамиздаги молиявий мажбурият енгил бўлади”³⁰.

Демак, умумий тарзда таъкидлашимиз мумкинки, Дальтоннинг фикри бўйича, аҳоли солиқлари ҳажми ва унга нисбатан мойиллик давлат ижтимоий хизматлари (неъматлар)дан солиқ тўловчиларнинг қай даражада манфаатдорлигига ҳам боғлиқдир. Юқори даражадаги солиқ юки амал қилувчи мамлакатлардан бири бўлган Данияда ўтказилган танланма ижтимоий сўровлар натижасида, аҳоли ижтимоий қатлами орасида деярли барчаси солиқ тўлашдан рози эканлиги тўғрисидаги парадоксал аргументга эга бўлинади. Бунда асосий омил сифатида давлат ижтимоий хизматларининг сифати ва бундан юқори даражада манфаатдорлик ҳисобига солиқ тўлаётганликларини аксарият респондентлар таъкидлаб ўтишади.

Бинобарин, ушбу вазиятда аҳоли солиқлари ҳажми, сифати билан давлат хизматлари ўртасидаги тўғри мантиқий алоқадорлик бўлса-да, фикримизча юқоридаги манзарада аҳолининг кенг ижтимоий қатламлари ўртасидаги реал даромадлар ва тирикчилик минимумини фискал омиллар билан тартибга солиш тизими ҳам муҳим рол ўйнайди. Бунинг учун аҳоли солиқларининг молиявий-иқтисодий категория сифатидаги хусусияти ва уни ижтимоий тақрор ишлаб чиқаришга таъсири қонуниятларини теран англаб етиш лозим.

Бу борада, индивидларнинг ҳулқ атворига солиқларнинг таъсирини Ж.М. Кейнс истеъмол ва жамғариш кўрсаткичлари ҳамда уларга нисбатан чегаравий мойилликни ўзгариши орқали тадқиқ этади. Унинг фикрича, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи бўйича прогрессив солиқ тизими даромадлар тақсимланишини барқарорлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Фикримизча, аҳолининг турли ижтимоий қатламлари даромадлари ўртасидаги тафовут шароитида ялпи талаб ва хусусан, ялпи истеъмол талабни макродаражада максималлаштиришда прогрессив солиққа тортиш тизимининг аҳамияти юқоридир.

³⁰ www.vestifinance.ru- сайти маълумотлари.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

Голланд иқтисодчи-математиғи Ж.К. Стюарт жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишнинг прогрессив тизимини ўзига хос механизмни таклиф қилган³¹. Прогрессив солиққа тортиш тизимини ўзида ифодаловчи куйидаги формулани илгари суради:

$$\rho = 100[1 - (M/X)^{\alpha/100}] \quad (1.1)$$

Ж.К. Стюарт ушбу формулада жисмоний шахсларни прогрессив солиққа тортиш тизимидаги оптимал ставкани (ρ) *солиққа тортилмайдиған минимум* (M), *солиқ тўловчининг даромади* (X) ва бандлик даражасини (α) боғлайди. Бунда оптимал юқори солиқ ставкаси белгиланған прогрессив ставкалар комбинацияси негизидаги маржинал солиқ ставкаси, яъни солиқ ставкасининг чегаравий мезонларини ифодалайди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Д.К. Стюарт томонидан таклиф қилинған прогрессив солиққа тортиш ҳақидаги ғоя (1889 й.) Англия (1842), Италия (1865) ва бошқа Ғарбий Европа мамлакатларида жорий этилған жисмоний шахслар даромадларини прогрессив солиққа тортиш тизими асосини ташкил қилади.

Шунга асосланған ҳолда Ж.К. Стюарт жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишда прогрессив солиққа тортиш тизимини ҳам 3 асосий турларга ажратади:



1.4-расм. Прогрессив солиққа тортиш тизимининг турлари.³²

Маржинализм назарияси тарафдорларининг илмий концепциясига асосланған ҳолда, яъни даромаднинг ўсиб бориши унинг чегаравий нафлилигини пасайишига олиб келади. Шунинг учун ҳам прогрессив солиққа тортиш тизими даромаднинг чегаравий нафлилигини пасайишига нисбатан нейтрал ҳолатда, бюджетга солиқ тушумларини таъминлашнинг самарали тизими ҳисобланади.

³¹ Благг М. 100 великих экономистов до Кейнса = Great Economists before Keynes: An introduction to the lives & works of one hundred great economists of the past. – СПб.: Экономикс, 2008. – С. 214-217. – 352 с.

³² Голланд иқтисодчи-математиғи Ж.К. Стюарт ғояси асосидаги чизма муаллиф томонидан шакллантирилған.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

Лекин шуни таъкидлаш жоизки, даромадларнинг ўсиш суръатига прогрессив солиқ режими шароитидаги солиқ ставкаларнинг ўсиши ҳам мутаносиб бўлган шароитда даромаднинг чегаравий нафлилигини пасайишига нисбатан нейтрал солиқ режимини шакллантириш имкониятига эга бўлинади.

Аҳолининг даромадларидан ундириладиган даромад солиғи тўғрисида кўплаб маҳаллий иқтисодчи олимлар ҳам ўзларининг илмий қарашларида фикрларини баён этганлар. О.Қ. Абдурахманов жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар моҳиятини очишда унга қуйидагича таъриф берган: Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар, бу фуқароларнинг ҳар қандай қонуний фаолияти манбалари асосида оладиган шахсий даромадларидан давлат фойдасига ўтказадиган эквивалентсиз мажбурий тўловларидир³³.

А. Адизов жисмоний шахслардан олинадиган солиқларга умумлаштирилган ҳолда қуйидагича: “Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар – давлат ва жамият томонидан мажбурият сифатида кўрсатиладиган хизматлар ҳақи бўлиб, уларни маблағ билан таъминлаш мақсадида қонун томонидан белгилаб қўйилган ҳажм ва ўрнатилган муддатларда давлат ихтиёрига мажбурий равишда ундириладиган тўловдир” – деб таъриф берган.³⁴ Мазкур таърифнинг хусусиятли жиҳати шундаки, унинг муаллифи баъзи хорижий иқтисодчилар сингари солиқлар борасида аҳоли масъуллигини таъкидлаш билан чекланмаган, балки давлат ҳам ўз зиммасидаги мажбуриятни адолатли тарзда бажариши лозимлигини таъкидлайди ҳамда мазкур мажбурият солиқлар орқали йиғилган маблағларни халқ манфаатида келиб чиққан ҳолда тежамли сарфлаш ва бу борада тўловчиларга батафсил маълумотлар бериб бериш лозимлигини уқтиради.

Н. Ҳайдаров жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзларни икки турга ажратади, яъни тўлиқ озод қилиш ва қисман озод қилиш. Унинг фикрича, жисмоний шахсларнинг айрим даромадларини солиққа тортилиши мамлакатнинг макроиқтисодий кўрсаткичларига таъсир этишини таъкидлайди. Хусусан, жисмоний шахсларнинг тижорат банкларига қўйилган депозитларидан, давлат заёмларидан олган даромадлари даромад солиғига тортилса, аҳоли ортиқча пул маблағларини тижорат банкларига депозит шаклда қўймасликка олиб келишини таъкидлайди³⁵.

Россиялик олим Тищенко Алексей Сергеевич жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва аҳоли даромадларининг асосий кўрсаткичлари

³³Абдурахманов О. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар тизими ва уни такомиллаштириш масалалари./ Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2005. Б. – 52-53.

³⁴Адизов А. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар тизимини такомиллаштириш./ Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2004. Б. – 25.

³⁵Низомиддин Ҳайдаров. Солиқлар ва солиққа тортиш масалалари «Akademiya» нашриёти – Т., 2007, 79 б.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

Ўртасидаги алоқаларнинг сабабларини, бунда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари прогрессив ёки регрессив бўлиши кераклигини ўрганади. Унинг таъкидлашича, прогрессив ставка аҳолининг даромад топишига бўлган қизиқишини сусайтиради, натижада аҳолининг жамғармаси ва инвестицияси пасайишига олиб келади, регрессив шкала эса, унинг тескари натижа беришини таъкидлайди. Прогрессив шкалага ўтиш аҳоли жамғармасини камайтириш ҳисобига иқтисодиётда солиқ тушумларини оширишини, регрессив шкалага ўтиш эса бунинг тескарисини беришини, шунинг учун прогрессив шкалага ўтиш бюджетнинг даромад ва харажатларини ўзгартирмаган ҳолда фискал сиёсатнинг рағбатлантирувчи чораларини амалга ошириш имконини беришини таъкидлайди.

Булардан ташқари, замонавий шароитларда хорижлик иқтисодчи-олимлардан Алфред Буелер солиққа тортилмайдиган минимумни тадқиқ этган. Унинг фикрича солиққа тортилмайдиган минимум аҳолининг кун кечирishiга етарли бўлиши кераклигини таъкидлайди. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар аҳолининг турмуш тарзи шароитларини ўзгартириш учун эмас, балки даромадларни ошириш учун хизмат қилиши кераклигини таъкидлайди³⁶. Волтер А. Дюрхам ва Гровер Виллиам³⁷ АҚШ солиқ қонунчилигининг 1930-40 йиллардаги ҳолатни тавсифлаб, солиқ тушумларида даромад солиғининг ролини ошириш бўйича амалга оширилган чора тадбирларнинг натижаси таҳлил этилган. Хусусан, муаллифлар 1936 йилда солиқ қонунчилигига киритилган ўзгаришларнинг самараси шартли мисолларда баён этади. Бунда иккита оиланинг бир хил даромадларга эга бўлган шароитда икки хил чегирмаларнинг қўлланиши натижасида тўланадиган даромад солиғи суммалари турлича бўлишининг сабабларини изоҳлайди. Жумладан, ер эгаси олган даромадларидан солиқ ҳисоблаш пайтида тўлаган ер солиғи суммасини чегириниш имкониятининг мавжудлиги, ерни ижарага олган шахсда бундай имкониятнинг мавжуд эмаслиги, яъни ер солиғи миқдори ҳам ижара ҳақида яшириниб турганлигини келтириб ўтишади.

Демак, муаллифлар жисмоний шахсларни солиққа тортишда икки хусусият инobatга олиниши лозимлигини таъкидлашади. Биринчидан, жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимидаги солиқларни ҳисоблашда ҳар бир солиқ бўйича индивидуал эмас, балки солиқ юки нуқтаи назардан комплекс ёндашиш зарурлигини илгари суришади. Иккинчидан, жисмоний шахсни солиққа тортишда унга нисбатан индивидуал эмас, балки олинган даромад ҳисобига истеъмолдан манфаатдор оилавий ҳолатини инobatга

³⁶ Alfred G. Buehler «Taxation and the minimum of subsistence» Source: The American Economic Review, Vol. 23, No. 2 (Jun., 1933), pp. 234-244. Stable URL: <http://www.jstor.org/stable/253>

³⁷ Walter A. Durham, Jr. and Grover William Ensley «Revenue possibilities of the personal income tax» Source: The Bulletin of the National Tax Association, Vol. 25, No. 8 (May, 1940), pp. 231-235. Stable URL: <http://www.jstor.org/stable/41788057>

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

олишни илгари суришади. Бизнинг фикримизча ҳам, жисмоний шахсларни солиққа тортишда ижтимоий йўналтирилган солиқ тизимини шакллантириш негизда муаллифларнинг фикрлари муҳим аҳамият касб этади.

Харлей Л. Люте³⁸ жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг фискал тавсифини ёритиб, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан бериладиган имтиёзларнинг аҳоли даромадларини оширишдаги ўрнини ёритади. Унинг фикрича, иқтисодийнинг цикли ривожланиш давридаги барқарор иқтисодий ўсиш шароитида давлат бюджети даромадларини шакллантиришда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи асосий фискал фактор ролини бажариши лозим. Шу билан бир қаторда аҳоли даромадларини ошириш мақсадида солиқ имтиёзлари берилиши кераклигини таъкидлайди. Аҳоли даромадларини ошириш мақсадида аҳоли томонидан қилинган ижтимоий харажатлар бўйича солиқ имтиёзлари бериш кераклигини таъкидлаган.

Ушбу муаллифнинг фикрида ҳам оила бюджети ва ундаги ижтимоий харажатлар даромадларни солиққа тортишда инobatга олиниши лозимлигини эътироф этиб ўтади.

Томас Пикету ва Нансу Квианлар³⁹ жисмоний шахслардан олинадиган солиқларнинг аҳоли ижтимоий қатламлари ўртасидаги даромадлар тафовутининг ҳолати билан боғлаб ўрганадилар. Хитой ва Ҳиндистонда 1986-2008 йилларда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича солиққа тортилмайдиган минимум аҳоли ўртача даромади ва аҳолининг юқори даромадга эга қатламларининг даромадлари ўсиш тенденциясидан келиб чиқиб, 2009-2015 йиллар учун даромад солиғидан тушумнинг ялпи ички маҳсулотга нисбати ва жами аҳолидаги даромад солиғи тўловчиларнинг улушини прогноз қилади. Муаллифларнинг таҳлилларига кўра, Ҳиндистонда солиққа тортилмайдиган энг кам миқдор шу тарзда ошиб бориши натижасида 2015 йилга келиб даромад солиғи тўловчиларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбати ва аҳоли сонидagi улуши ўзгармаслигини таъкидлайди. Хитойда эса аҳоли даромадларининг ўсиши шу тарзда давом этса, 2015 йилга келиб даромад солиғидан тушум ялпи ички маҳсулотга нисбатан 9 фоизга етишини таъкидлайдилар.

Ушбу иқтисодчилар юқори иқтисодий ўсиш суръатига эга бўлган Хитой ва Ҳиндистон молия тизимидаги долзарб муаммолардан бири аҳоли ижтимоий қатламлари даромадлар ўртасидаги ҳаддан зиёд юқори тенгсизликнинг мавжудлиги ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимини ислоҳ

³⁸Harley L. Lutz «The privilege of personal income taxation». Source: The Bulletin of the National Tax Association, Vol. 23, No. 1 (October, 1937), pp. 11-22. Stable URL: <http://www.jstor.org/stable/41786912>

³⁹Thomas Piketty and Nancy Qian « Income Inequality and Progressive Income Taxation in China and India, 1986–2015» Source: American Economic Journal: Applied Economics, Vol. 1, No. 2 (April 2009), pp. 53-63. Stable URL: <http://www.jstor.org/stable/25760160>

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

қилишдаги асосий вектор айнан даромадлар ўртасидаги вертикал ва горизонтал тенгсизликни камайтиришга қаратиш зарурлигини илгари сурадилар.

Демак, жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти тўғрисидаги турли даврдаги юқоридаги иқтисодчи олимлар илмий қарашларининг таҳлили натижасида шундай хулоса қилиш мумкинки, жисмоний шахсларни солиққа тортиш эволюцион ижтимоий жараён дир. Унинг тараққиётини фундаментал асосини жамият иқтисодий тизимининг базиси ташкил қилиб, жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизими ҳам хўжалик механизмнинг бошқа элементлари каби устқурмага хос дир.

1.2-жадвал. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизими ривожланишига таъсир этувчи омиллар

Объектив омиллар	Субъектив омиллар
1. Инқирозлар.	1. Давлат ҳокимияти институтларига солиқ тўловчиларнинг ишончи даражаси ва ахлоқий, психологик хулқ атвори.
2. Аҳоли турмуш фаровонлиги даражаси.	2. Ижтимоий-демографик омиллар.
3. Ҳуқуқий базанинг ривожланганлик даражаси.	3. Ижтимоий-маданий (миллий анъаналар, кадрятлар ва ҳуқуқий маданиятнинг шаклланганлиги.
4. Солиқ тизими элементлари-нинг такомиллашуви.	4. Стратификацион (аҳоли ижтимоий қатламларининг синфий шаклланганлиги, аҳолининг моддий таъминоти даражасидаги стратификацион тафовут).
5. Жамиятнинг давлат солиқ сиёсатини қабул қилиш кўлами.	5. Ахборот (солиқлар тўғрисидаги ахборотларнинг етказилиш даражаси).
6. Солиққа тортишнинг миллий ва халқаро тажрибаси.	

Ижтимоий-иқтисодий жараён сифатида солиққа тортишнинг таркибий элементини куйидагилар ташкил қилади:

1. Ижтимоий-иқтисодий тизим – солиқ тизими ва солиққа тортиш механизми базисини ташкил қилади.

2. Турли формациялардаги ижтимоий-иқтисодий тузумлардаги ўзгаришлар – тарихий шарт-шароитларга хос замон ва макондаги солиқ тизими эволюциясининг негизини ташкил қилади.

3. Давлат ва солиқ тўловчилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ўзаро муносабатлар – солиққа тортиш тизимининг эволюцион тарихий тараққиёти жараёнидаги мавжуд солиқлар, институционал асосларнинг (давлат институтлари) ва ҳуқуқий маданиятнинг шаклланишига боғлиқ.

1.2. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимининг макроиктисодий барқарорликка таъсири.

Мамлакатимизни яқин ва ўрта истиқболга ривожлантириш стратегиясининг белгиланиши, унда аҳолининг турмуш фаровонлигини янада ошириш вазифасининг белгиланиши барча омиллар қаторида даромад солиғини ҳам янада такомиллаштириш бўйича ислохотларни чуқурлаштиришни талаб қилади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари»⁴⁰, деб номланган 4-устувор йўналишнинг биринчи бўлимида аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш бўйича бир қатор вазифалар белгилаб олинди. Хусусан, ушбу вазифалар қаторида аҳолининг реал пул даромадларини ва харид қобилятини ошириш, кам таъминланган оилалар сонини ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиш даражасини янада камайтириш вазифаси белгиланган бўлиб, ушбу вазифа бир томондан мамлакатда яшовчи аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш билан бир қаторда макроиктисодий сиёсатда ялпи талабнинг ортиши ҳисобига мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим иқтисодий омили ҳисобланади.

Глобал молиявий инқироз аксарият ривожланган мамлакатларда мувозанатли иқтисодий ривожланишга негатив таъсир этувчи омилларни чуқур таҳлил қилишни талаб қилмоқда. Шу асосда миллий иқтисодиётда тизимли ислохотлар амалга ошириш орқали иқтисодий ривожланишнинг янги курсига чиқиб олиш мўлжалланмоқда. Бу ерда яна бир бор инқироз бу ҳалокат эмас, балки имконият – деган оддий мантиқий қонданинг реал исботини кўришимиз мумкин.

Айниқса инқирознинг эпицентри ҳисобланган аксарият ривожланган мамлакатларда ялпи талабнинг хусусан, истеъмол талабининг пасайиши инқирознинг авж олишида асосий омил ҳисобланади. Бен Бернанке, инқирознинг келиб чиқиши кўплаб омилларга боғлиқлигини ва уларнинг аксарияти АҚШ молия тизимидаги циклик тавсифдаги муаммолар билан боғлиқлигини эътироф этади⁴¹. Хусусан, унинг эпицентри ҳисобланган АҚШ молия тизимидаги циклик тавсифдаги муаммолар, яъни юқори рискли молиявий маҳсулотлар, ҳаддан зиёд экспансион тавсифдаги монетар сиёсат, иқтисодиётни тартибга солишнинг самарасиз молиявий инструментлари ва бошқа омиллар⁴² билан боғлайдилар.

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»// Тошкент, Халқ сўзи, 2017 йил. 8 феврал.

⁴¹ "Bernanke-Four Questions". Federalreserve.gov. April 14, 2009. Retrieved May 1, 2010.

⁴² Levin–Coburn Report "Senate Financial Crisis Report, 2011" (PDF). Retrieved April 22, 2011.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

Бизга маълумки, талабни ва хусусан истеъмол талабини рағбатлантиришда фискал инструментлар муҳим рол ўйнайди. Бунда солиқ тизимида марказий аҳамият касб этувчи жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (кейинги матнларда даромад солиғи) алоҳида аҳамиятга эгадир. Даромад солиғи давлат бюджети даромадини сезиларли салмоғини шакллантириш билан бирга аҳолининг реал даромадини оширишнинг муҳим фискал инструментиدير. Натижада, давлат даромад солиғи орқали макродаражада ялпи талабни рағбатлантиришнинг муҳим фискал инструментига эга бўлади⁴³. Қолаверса, даромад солиғи давлат бюджети даромадларини бюджетлар ўртасида қайта тасимлаш орқали бюджетлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг муҳим инструменти ҳисобланади.

Маълумки, замонавий шароитларда барқарор иқтисодий ўсиш аксарият мамлакатлар иқтисодий сиёсатининг бош муаммосига айланиб бормокда. Иқтисодий ўсиш суръати мамлакат аҳолисининг ўсиш суръати билан бир маромда бўлганда реал ЯИМнинг жон бошига улуши бир хил кўрсаткичга эга бўлади. Одатда мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатини ифодалашда реал ЯИМни йиллик ўсиш суръати ифодаланади. Унинг мутлақ кўрсаткичини эса $ΔY = Y_n - Y_{n-1}$ тарзда ифодалаш мумкин. Агар $ΔY = 0$ бўлса, иқтисодиётда ўсиш бўлмай стагнацион жараён кузатилади. Ёки агар дефляторни инобатга олган ҳолда реал ЯИМни ҳисобланса, ушбу жараённи пасайиш ҳам деб аташ мумкин. Агар $ΔY < 0$ бўлса, бундай ҳолатда иқтисодиётда рецессия кузатилади. $ΔY > 0$ шароитида иқтисодий ўсиш кузатилиб, ушбу ўсиш суръатининг тезлиги бир қатор омилларга боғлиқдир. Бизга маълумки, иқтисодий ўсиш кўп омилли мавжудлик бўлиб (multifactor phenomeon), уни таъминлашнинг зарурлиги динамик тарзда ўсиб бораётган аҳолининг бандлиги ва унинг эҳтиёжларини кондириш, мамлакат иқтисодий салоҳиятини барқарор юксалтириш ва бошқалар билан белгиланади. Масалан, назарий жиҳатдан қараганда Артур Оукен қонунига биноан ишсизлик даражасининг ўзгармас даражасини таъминлаш учун реал ЯИМнинг йиллик ўсиши 2,5%дан паст бўлмаслиги зарур.


Ривожланган мамлакатлардаги йиллик ўсиш 2% атрофида тебраниб, ушбу ўсиш суръати глобал ўсиш тенденциясида негатив фактор ролини ўйнамокда. Бундан ташқари 2013 йилгача ривожланаётган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотининг номинал қийматини жаҳон ялпи ички маҳсулотига ҳиссасининг нисбатан пастлиги натижасида глобал ўсишга таъсир даражаси нисбатан паст бўлган. Лекин, 2014 йилдан бошлаб, уларнинг ривожланган мамлакатларга нисбатан глобал ўсишга таъсири сезиларли бўлаётганлигини кўришимиз мумкин.

⁴³ Richard W. Kopcke, Geoffrey M. B. Tootell, and Robert K. Triest Introduction: The Macroeconomics of Fiscal Policy. Armonk, NY: M.E. Sharpe.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

Инқирознинг навбатдаги тўлкини шароитида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг бош муаммосига айланиб бормоқда.

Ривожланган мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатининг ҳозирги ҳолатида фундаментал муаммолар бош рол ўйнайди. Масалан, Солоунинг иқтисодий ўсиш моделига биноан, ривожланган мамлакатларда иқтисодий ўсиш даражасининг секинлашуви табиий ҳолдир. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига хос бўлган тенденция бу тез ўсиш суръатларининг таъминланиши ҳисобланади.



1.5-расм. Ривожланган мамлакатлар ва Ўзбекистондаги реал ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати динамикаси.⁴⁴

Лекин, шу билан бирга инқироздан кейинги ривожланиш, айниқса 2011 йилдан кейинги инқирознинг иккинчи фазасидаги циклик тавсифдаги муаммолар ҳам барқарор ривожланиш суръатига негатив таъсир этмоқда. Маълумки, инқирознинг иккинчи фазасида кредит тизими ва молиявий бозорлардаги инқирозли вазият сурункали бюджет дефицити ва суверен қарзлар воситасида молия тизимининг бошқа бир бўғинига трансформацияланди.

Натижада, аксарият мамлакатлардаги ислоҳотларда фискал инструментлар воситасида иқтисодий ўсишни жонлантиришга қаратилган ислоҳотлар устувор аҳамият касб эта бошлади. Масалан, жаҳон иқтисодиётининг локомотиви ҳисобланувчи АҚШ федерал бюджетининг прогнозлаштирилган дефицити сиёсатчилар томонидан федерал бюджет

⁴⁴ Ушбу расм www.worldbank.org ва www.stat.uz сайтлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

харажатлари ва даромадларини сезиларли ўзгартириш масаласини муҳокама қилишга сабаб бўлмоқда (Robert Carroll, Robert Cline, and Tom Neubig). Бунга мисол тариқасида кейинги 6 йил ичида АҚШ молия тизимида кенг муҳокама қилинган “Фискал жарлик” (Fiscal cliffs)⁴⁵ муаммосининг марказида ҳам жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимидаги ислохотлар турган. Президент Дональд Трамп томонидан бюджет даромадларини кўпайтириш мақсадида жисмоний шахслар даромадларининг прогрессив солиққа тортиш тизимидаги 39,6%лик ставкани пасайтириш орқали кенг ишбилармон қатламни четдаги капитални репатриация қилишни рағбатлантиришга йўналтирилган солиқ ислохотлари кенг мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Бу борада россиялик иқтисодчи Е.Н. Евстигнеев куйидаги фикрларни билдиради: «Даромад солиғи давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солишнинг қудратли иқтисодий дастаги бўлиб, бир томондан аҳолининг реал даромадларига таъсир этилса, иккинчи томондан бюджетнинг даромад қисми шакллантирилади»⁴⁶.

Шунинг учун ҳам аксарият иқтисодчилар яқин ва ўрта истиқболда солиқ тизимини ислох қилишга йўналтирилган замонавий солиқ сиёсати концепциясида ранг баранг мақсадлар белгиланишини эътироф этадилар. Буларнинг ичида энг муҳимлари: нисбатан соддалик (simplicity), барқарорлик (stability), адолатлилиқ (fairness), даромадларни мувозанатли тақсимлаш (adequate revenue) ва иқтисодий самарадорлик (economic efficiency) каби тамойиллар асосидаги пировард мақсадлар илгари сурилишини эътироф этадилар (C. Alan Garner)⁴⁷.


Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, амалдаги қонунчиликка мувофиқ жисмоний шахсларни солиққа тортишни амалдаги тизими солиқларнинг кенг арсеналини ўзида мужассамлаштиради (1.6-расм).

⁴⁵ “Фискал жарлик” (Fiscal cliffs) атамаси Барак Обама томонидан навбатдаги Президентлик сайлов олди компаниясида таклиф қилинган фискал сиёсат стратегиясини макронқтисодий барқарорликка салбий таъсирига нисбатан муомалага киритилган. Хусусан, дефицитни камайтириш ва қарз лимитини нейтрал даражада 2 йилгача сақлаш мақсадида таклиф қилинган фискал сиёсат лойиҳасида солиқ ислохотлари асосан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига қаратилган бўлиб, прогрессив солиқ тизимининг юқори поғонадаги ставкасини йиллик даромадлари 400 минг АҚШ долларини ташкил қилувчи тадбиркорлар учун 35% дан 39,6% га кўтариш кўзда тутилган. Ушбу лойиҳа амалга оширилиши натижасида АҚШ йиллик ЯИМни етарли йиллик ўсиш суръати таъминланмаганлиги танқид қилинади.

⁴⁶ Евстигнеев Е.Н. Налоги и налогообложение: Учеб. пособие. М.: ИНФРА-М, 2001. С. 214.

⁴⁷ C. Alan Garner Consumption Taxes: Macroeconomic Effects and Policy Issues

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт



1.6-расм. Уй ҳўжаликлари молиясида жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизими ўрни ва аҳамиятининг чизмаси.⁴⁸

Ушбу солиқлар турли иқтисодий табиатга эга бўлиб, уларнинг макроиктисодий барқарорликка таъсири нуқтаи назардан кўп омилли мавжудлик (multifactor phenomeon) ҳисобланади. Уни такомиллаштиришга йўналтирилган қарорлар қабул қилиш макроиктисодий барқарорликнинг асосий детерминантларини автоматик равишда ўзгариши билан объектив тарзда боғланади.

Амалдаги Солиқ кодексига биноан аҳолининг даромад турлари ва уларнинг шаклланиш манбалари бўйича бир қатор солиқлар амал қилади⁴⁹. Агар жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ва дивидендлардан олинadиган солиқлар бевосита даромадга боғлиқ бўлса, ер солиғи ва реал солиқ ҳисобланувчи мол-мулк солиғини тўлайдилар. Шунингдек, соддалаштирилган солиққа тортиш тизимининг элементи ҳисобланувчи тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқни ҳам тўловчи ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимидаги мавжуд солиқлар иқтисодий табиати жиҳатдан турли-

⁴⁸ Муаллиф томонидан шакллантирилган.

⁴⁹ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. 3-боб, 23-модда. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 978-модда.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

туман бўлсада, уларнинг манбаи аҳолининг жами номинал даромадлари ҳисобланади. Ушбу солиқларнинг алоҳида турлари бўйича вужудга келадиган солиқ юки аҳолининг реал даромадларини шаклланиши, истеъмол ва жамғариш нормаларига яхлит таъсир этади.

Одатда жисмоний шахслар зиммасидаги солиқлар амалдаги қонунчиликка мувофиқ уларнинг шахсий даромадларидан тўланадиган солиқларда мужассамлаштирилган. Бироқ аҳоли даромадларига бевосита шахсий солиқларгина эмас, балки билвосита солиқлар ҳам таъсир этади. Ушбу масалада иқтисодчи М.Е. Косов таъкидлайдики, жисмоний шахсларни зиммасидаги солиқлар - солиқ тўловчининг даромадини камайиши орқали намоён бўлувчи, унинг жами бойлигини камайишига олув келувчи ва ушбу тўланган солиқларга эквивалент ижтимоий хизматлар билан компенсация қилинмайдиган тўловлар мажмуасидир⁵⁰. Бунда, иқтисодчи М.Е. Косов аҳолининг даромадлари ҳисобига тўланган нафақат шахсий солиқлари, балки, истеъмол эҳтиёжлари учун сарф харажатлар жараёнидаги билвосита солиқлар ҳам аҳоли зиммасидаги солиқ эканлигини назарда тутди.

Бизнинг фикримизча ҳам жисмоний шахс шахсий тасарруфидаги даромадининг харид қобилияти паритетига (реал даромади) истеъмол эҳтиёжлари учун сарф харажатлар таркибидаги билвосита солиқлар ҳам таъсир этади. Шунинг учун аҳолининг реал даромадини оширишга қаратилган мувозанатли солиқ сиёсатида аҳоли солиқлари билан бирга билвосита солиқлар юқини пасайтириш сиёсатини параллел равишда амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, дярли барча мамлакатларда, жами аҳоли солиқлари таркибида асосий фискал фактор ролини ўйнавчи солиқ жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳисобланиб, ушбу солиқларнинг жами аҳоли солиқларидаги улуши 50% дан юқори ($\alpha_{dw} > 0,5$) салмоқни ташкил қилади.

Бу борада Россиялик иқтисодчи В.Г. Пансков таъкидлайдики, фуқаролар томонидан тўланадиган 4 та асосий оммавий солиқлар: ер солиғи, мол-мулк солиғи, транспорт солиғи аҳоли даромадларини давлат томонидан тартибга солиш ва қайта тақсимлаш функциясининг таъсир даражаси ва кўлами паст даражададир. Ушбу функциялар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига бевосита мос келади. Ушбу солиқ жаҳон солиқ амалиётидаги энг кенг тарқалган механизмни ифодалаб, унинг объекти жисмоний шахсларнинг даромади ҳисобланади⁵¹.

Ҳақиқатда ҳам қиммат, ҳашаматли уйлар ёки автомобиллар эмас, балки айнан даромад солиғи тўловчи жисмоний шахснинг тўлов қобилиятини моддий негизини ташкил қилади. Қолаверса, яқин истикболда


⁵⁰ Косов М.Е., Крамаренко Л.А. Экономическое равновесие налоговой системы: монография. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2012. – 200 с.(с.94)

⁵¹ Panskov V.G. [On progressive scale of personal income taxation]. Налоги и налогообложение = Taxes and Taxation, 2009, no. 7, pp. 14–19. (In Russ.)

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

макроиктисодий барқарорликни таъминлашга йўналтирилган макробюджет параметрларини шакллантиришда аҳолининг ихтиёридаги моддий активлар эмас, балки молиявий активлар ёки унинг манбаи ҳисобланувчи аҳоли даромадларининг шаклланиш кўлами ва манбаи муҳим ҳисобланади.

Аҳоли даромадлари макроиктисодиётда автоматик стабилизаторларнинг бири сифатида эътироф этилади. Модомики шундай экан, солиқ тизими воситасида даромадларга таъсир кўрсатиш макроиктисодий барқарорликка турли омиллар воситасида таъсир этади. Буни куйидаги расм орқали асослашга ҳаракат қиламиз (1.7-расм).



1.7-расм. Товарлар, хизматлар, ресурслар ва тўлов факторлари доиравий айланишининг макроиктисодий модели.

Товарлар, хизматлар, ресурслар ва тўлов факторлари доиравий айланишининг макроиктисодий моделида 3 иқтисодий агент: давлат, фирмалар ва уй хўжаликлари иштирок этади. Давлат бозор иқтисодиёти шароитида бир томондан иқтисодий агент сифатида иштирок этса, иккинчи томондан жамиятнинг сиёсий институти сифатида иштирок этади. Ушбу моделга мувофиқ макроиктисодий барқарорликни том маънода, ресурслар, товарлар ва хизматларнинг пул маблағлари ҳаракатланиши тесқари траекторияда бўлиб, ушбу ҳаракатнинг мутаносиблиги маълум даражада макроиктисодий барқарорликни англатади. Ушбу жараён макроиктисодиётда Ж. Хикс ва Э. Хансен томонидан ишлаб чиқилган реал сектор ва молиявий секторнинг мутаносиб ҳаракатланишини ифодаловчи IS-LM модели орқали ҳам асослаш мумкин.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт


Уй хўжаликлари ушбу жараёнда ресурслар бозорига ишчи кучи ресурсларини таклиф қилувчи (L_s) сифатида майдонга чиқади. Бир вақтнинг ўзида товарлар ва хизматлар бозоридаги ялпи талаб (C) сифатида ҳам иштирок этади. Аҳоли жамғармалари эса (S_h) молия сектори учун жамғармаларни инвестицияларга трансформациялаш жараёнининг моддий-молиявий асосини ташкил қилади.

Давлат бозор иқтисодиёти шароитида ресурслар, товарлар ва хизматлар билан унга тесқари траекторияда бўлган молиявий ресурсларнинг мутаносиб ҳаракатини турли молиявий-иқтисодий инструментлар воситасида тартибга солиб туради. Бундай инструментлар қаторида солиқлар ва хусусан, жисмоний шахслардан олинadиган солиқлардан ҳам кенг фойдаланади. Ушбу солиқлар воситасида уй хўжаликларининг истеъмол ва жамғариш нормаларига таъсир этиб, макродаражадаги ялпи талабни рағбатлантиришга тўғридан тўғри таъсир этиш мумкин. Шу билан биргаликда аҳоли даромадларини солиқлар воситасида қайта тақсимлаш орқали иқтисодиётдаги пул массасига ҳам таъсир этилади. Шунинг учун ҳам замонавий иқтисодиётдаги 2 йирик мактаб: Монетаризм ва Кейнсчилик мактаби тарафдорлари фискал ва монетар инструментлар воситасида иқтисодиётни тартибга солиш тизимига оид кенг мунозараларини ҳам кўриш мумкин бўлади. Чикаго университети профессори М. Фридман томонидан илгари сурилган “Таклиф иқтисодиёти” ғоясини ўзида ифодаловчи монетаризм назариясида давлатнинг роли чегараланиши, фискал инструментлар (солиқлар ва давлат харажатлари) воситасида иқтисодиётни тартибга солиш кўламини чегаралашни кўзда тутди. Солиқлар ва давлат харажатлари воситасидаги тартибга солиш кўламини пасайтириш векторида улар ҳам иқтисодиётдаги пул таклифини оптималлаштиришга уйғунлаштирилиши лозимлигини илгари суради.

Монетаристларнинг фикрича, пул таклифи ўзгармас (M^S) шароитида фоиз ставкаларининг ўсишига (i) пулга нисбатан талабнинг (M_D) сезилувчанлиги паст даражада бўлади. Лекин, давлат харажатларини кўпайтириш (ΔG) ва солиқ юқини қисқартириш (ΔT) натижасидаги экспанцион фискал сиёсат натижасидаги ишлаб чиқаришни ўсиши пировардидаги пулга нисбатан талабнинг ортиши фоиз ставкаларининг сезиларли ўсишига олиб келади. Фоиз ставкаларининг ўсиши эса “Сиқиб чиқариш самараси” натижаси ўлароқ иқтисодиётдаги инвестицион фаолликни пасайишига таъсир этади.

Фискал сиёсатнинг кейнсча ёндашувида эса, фоиз ставкаларининг ўсишига (i) пулга нисбатан талабнинг (M_D) сезилувчанлиги юқори даражада бўлади. Фискал (давлат харажатларининг ошириш, солиқ юқини қисқартириш) экспанция натижасидаги ишлаб чиқаришнинг ўсиши фоиз ставкасини паст даражадаги ўсишига олиб келади. Натижада иқтисодиётдаги инвестицияга талабга сезиларсиз таъсири “Сиқиб чиқариш самараси”нинг паст даражада бўлиши орқали инвестицияларни пасайишини ялпи ишлаб чиқаришга таъсири паст даражада бўлади.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт



1.8-расм. Фискал сиёсат инструментлари орқали иқтисодий тартибга солишга нисбатан Монетаристик ва Кейнсчилик ёндашувлари.⁵²

Албатта ушбу гипотезада асосан, ялпи ишлаб чиқариш, пулга талаб, фоиз ставкасига фискал инструментлар воситасидаги таъсири қонуниятлари тадқиқ этилган. Лекин, Кейнсчиликда пулга нисбатан талабнинг ўзгаришига аҳоли солиқларининг таъсири юқори даражада бўлиши таъкидланади. Хусусан, маълум стационар вазиятда мувозанатли даромадлар даражасига солиқларни камайтириш ҳам мультипликатив таъсир кўрсатиши таъкидланади. Жисмоний шахслардан олинadиган солиқлар миқдорини умумий тарзда DT га камайтирсак, шахсий тасарруфдаги даромад Y_d мос равишда DT га ошади. Ушбу ҳолат истеъмол ва жамғариш нормасига таъсир этиб, истеъмолнинг $b \times DT$ (бу ерда b -истеъмолга чегаравий мойиллик) миқдорда мутаносиб ўсиши кузатилади.


$$T \downarrow (DT) \Leftrightarrow Y_d \uparrow (DY_d = -DT) \Leftrightarrow C \uparrow (DC = b(-DT)) \Leftrightarrow E \uparrow (DE = b(-DT)) \Leftrightarrow Y \uparrow \quad (1.2)$$

Мос равишда режалаштирилган харажатлар эгри чизигини гиперболик тарзда ўсиши мамлакатдаги ялпи талабнинг ўсишида намоён бўлади. Ялпи талаб эса замонавий шароитларда ЯИМни ўсишини таъминлашнинг асосини ташкил қилади.

⁵² Муаллиф томонидан шакллантирилган

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

Лекин бу ерда масаланинг икки томони бор. Хусусан, солиқларни камайтириш ҳисобига аҳолининг ўсган шахсий тасарруфидаги даромадлари “яширин инфляция” симптоми ҳисобланиб, даромадларнинг чегаравий нафлилигини пасайишига таъсир этади. Иккинчидан, шахсий тасарруфидаги даромадларнинг ўсиши ҳар доим ҳам истеъмолнинг ўсиши билан мутаносиб тарзда бўлмайди. Ж.М. Кейнснинг “асосий психологик қонун”ига кўра инсонлар даромадларини ўсиши билан, одатда, ўз истеъмолларини оширишга мойиллар, аммо даромадлари ўсган даражада эмас⁵³. Бу ерда шахсий тасарруфидаги даромадларининг ўсиш динамикасида истеъмолга чегаравий мойилликка нисбатан жамғаришга чегаравий мойилликни кучли эканлиги назарда тутилади. Бунда аҳолининг даромад даражаси ва унинг харид қобилияти паритети муҳим омил ҳисобланиб, прогрессив солиққа тортиш тизими аҳоли даромадлари ўртасидаги тафовут шароитида улар томонидан шаклландиган товарлар ва хизматлар бозоридаги ялпи талабни самарали манипуляция қилишнинг муҳим инструменти ҳисобланади. Бунни қуйидаги расм орқали асослашга ҳаракат қиламиз (1.9-расм):



1.9-расм. Аҳоли шахсий тасарруфидаги даромадини истеъмол ва жамғариш нормасига таъсири чизмаси.⁵⁴

⁵³Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. – М.: Гелиос АРВ, 2002, с.107-108.

⁵⁴Муаллиф томонидан шакллантирилган.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

Расмдан кўришимиз мумкинки, солиқ тўлангандан сўнг аҳолининг шахсий тасарруфидаги даромадлари Y_{d1} нуктада истеъмол бюджетини тўлиқ қопламайди ва k интервал (a) автоном харажатлар микдориди жамғарилган бойликни реализация қилиш орқали истеъмол (C) қаноатлантирилади. Y_{d2} нуктада шахсий тасарруфидаги даромад фақатгина истеъмолни қаноатлантириб (Z), солиқлар тўлангандан сўнгги иш ҳақининг харид қобилияти тирикчилик минимумига тенг бўлади. Шахсий тасарруфидаги даромадни ортиб бориши (Y_{d3}) натижасида истеъмолдан ортган даромад ҳисобига жамғариш ҳосил қилиниб, жамғариш функциясини $S = -a + (1 - b) Y_d$ орқали ифодалаш мумкин.

Юқори даражадаги шахсий тасарруфидаги даромадга эга инсонларда истеъмолга нисбатан жамғаришга мойиллик кучлироқ эканлигини Ж. Кейнс қуйидаги омиллар билан изоҳлайди:

1. Эҳтиёткорлик, яъни кўзда тутилмаган, фавқулодда ҳолатлар учун захира шакллантириш.

2. Стратегик таргетлаш - кексалик учун қайғуриш, оила аъзоларига таълим олиш имкониятларини яратиш ёки қарамоғидагиларни таъминлаш зарурати.

3. Инвестицион таргетлаш - жамғарилган капитал ҳисобига фоизлар ёки капитал ўсиши кўринишидаги даромадларни таъминлаш.

4. Фаровон турмуш мақсади - ўз келажак ҳаётини, турмуш тарзини кўтариб боришга интилиш.

5. Иқтисодий мустақиллик - мустақил қарорлар қабул қилишдан роҳатланиш.

6. Тадбиркорлик - тижорат билан шуғулланишга имкон яратиш.

7. Шахсий ретроспектив обрўни сақлаш - меросхўрларига мол-мулк, бойлик қолдириш.

8. Пул фетишизми, хасислик - пулни сарфлаб юборишдан тийилиш.⁵⁵

Инсонларда мана шундай ҳис-туйғуларнинг мавжудлиги ва уларнинг устунлиги ишлаб топилган даромадларнинг жамғаришга мойиллигини тақозо этади.

Юқоридаги Ж. Кейнсинг психологик қонунини геометрик ифодасини қуйидагича талкин қилиш мумкин: Тирикчилик минимумидан шахсий тасарруфидаги даромаднинг ортиб бориши натижасида истеъмол функциясини ($C = a + b Y_d$) C_n эгри чизиги бўйича пастга огиши кузатилади. Инсонларда даромадни ортиб бориши сари b – истеъмол ҳажмининг тасарруфидаги даромадга боғлиқлигини ифодаловчи коэффициент, бошқача айтганда, истеъмолга чегараланган мойиллик жамғаришга чегаравий мойилликка нисбатан паст даражада бўлади.

Ушбу қоидадан жисмоний шахсларни прогрессив солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш орқали ялпи талаб ва хусусан истеъмол

⁵⁵ Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. – М.: Гелиос АРВ, 2002, с.107-108.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

талабини рағбатлантиришнинг мултипликатив самараси бўйича муҳим хулоса чиқариш мумкин.

Хусусан, қуйи ставкаларни пасайтириш орқали аҳолининг ўсган шахсий тасарруфидаги даромадлари макродаражада ялпи истеъмол талабини ортишига юқори даражадаги ставкаларни пасайтиришга нисбатан кучли мултипликатив самарага эга. Юқори даромадли бой аҳоли қатлами учун солиқ юқини пасайтириш орқали уларнинг шахсий тасарруфидаги даромадларини ортиши истеъмолга нисбатан нейтрал бўлади. Чунки жамғаришга чегаравий мойиллик юқори даражада.

Демак, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ялпи талабни рағбатлантириш векторидаги мултипликатор самараси қуйи солиқ ставкасини пасайтиришда кузатилади. Чунки қуйи ставкани пасайтириш орқали, юқори ставкага нисбатан ялпи истеъмол талабни нисбатан самарали рағбатлантириш имкониятларига эга бўлинади. Акселератор принципи эса мамлакатдаги ялпи ички маҳсулотни ўсишига позитив таъсир этишида намён бўлади.

Қолаверса, юқори даромадга эга аҳолининг ижтимоий қатлами учун ялпи истеъмол талабни рағбатлантириш векторидаги солиқ юқини пасайтириш сиёсати кам таъминланган аҳоли қатламига нисбатан самара бермайди. Чунки, юқори даромадга эга аҳоли ижтимоий қатламининг истеъмол талаби асосан хорижий брэнд товарларига йўналтирилганлиги табиий ҳолдир.

1.3. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётининг хориж тажрибалари ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятлари.

Ўзбекистоннинг ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш стратегиясида солиқ тизимини ислоҳ қилиш асосида солиқ муносабатларини такомиллаштириш, жумладан жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётини янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланади ва бу соҳадаги вазифаларни ижобий ҳал этишда хорижий давлатлар илғор тажрибаларини ўрганиш, уларнинг ижобий натижаларини республикамизда қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, хорижий давлатлар солиқ амалиётида ижобий ўрганилиши мумкин бўлган ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётига янгича ёндашув методологияси учун аҳамиятли бўлган жиҳатлар тадқиқи, уни мамлакатимиз ривожланиш истикболлари вазифаларини ҳисобга олган ҳолдаги ҳаётга татбиқи ҳозирги кунда ўта долзарб масала ҳисобланади.

Изланишимиз мазкур бобининг биринчи параграфидаги тадқиқ жараёнида таъкидланганидек, жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётига тизимли ёндашиш унинг икки даражадаги муносабатлар, солиқ инструментлари ва солиқ сиёсати йўналишларининг ўзаро мутаносибликдаги, яхлит фаолияти йиғиндисидан иборатлигини ҳисобга олиб жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётига оид хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганишда қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор беришни лозим топдик:

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

- жаҳон солиқ амалиёти ривожланиш тенденцияларига мувофиқ солиқ сиёсати ижтимоийлигининг аҳамияти ўсганлиги ва унинг вазифалари ижросининг турли тадбирлар орқали таъминланаётганлиги;


- халқаро молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этишга оид давлатнинг кескин фискал тадбирлари ижроси аҳамиятининг ўсганлиги;

- жаҳон солиқ тажрибасида жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётига оид айрим хорижий давлатларнинг узок йиллик бой тарихий аънавалари бўлишига қарамай, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида уларда ҳам бу соҳада чуқур институционал ислохотлар, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш тадбирлари ижроси кузатилаётганлиги;

- иқтисодчи олимлар ва мутахассислар ўртасида жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётининг айрим белгиларига кўра хорижий давлатлар солиқ тизимининг туркумланишига оид ёндашувлар мавжудлиги, буларга кўра солиқ тизими моделларининг хусусиятлари ёритилаётганлигига эътибор бериш лозим.

Хорижий давлатлар солиқ тизими ва уларга мансуб давлат солиқ тизимида жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётини макроиқтисодий индикаторлари орқали таҳлил қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Солиқ амалиётига оид адабиётларда алоҳида олинган кўрсаткичларга кўра хорижий давлатлар солиқ тизимини таснифлаш тартиби келтирилади (1.10-расм.)⁵⁶:



1.10-расм. Солиқ тизимларининг асосий таснифларига кўра гуруҳланиши.

⁵⁶ А.Ф. Амирджанова. Налоги и налогообложение. Учебник. М.: «Синергия», 2007; О.К. Абдурахманов. Налоговые системы стран с переходной экономикой: Монография. М.: Палеотип, 2005.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

Иқтисодиётга, ҳудудга, солиқ тўловчиларга тушаётган солиқ юки даражасидан келиб чиқиб солиқ тизимларининг куйидаги моделлари амал қилади:

- либерал-фискал, ижтимоий характердаги тўловларни ҳам ҳисобга олганда ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизгача солиқ йиғилишини таъминловчи солиқ тизимлари. Бу гуруҳга АҚШ, Австралия, Португалия, Япония ва Лотин Америкасининг кўплаб давлатлари киради;

- қисман фискал, солиқ юки ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоиздан 40 фоизгача бўлади. Бу гуруҳга Швейцария, Германия, Испания, Греция, Буюк Британия, Канада, Россия давлатлари киради;

- қатъий фискал, солиқлар ёрдамида ялпи ички маҳсулотнинг 40 фоиздан кўп қисмини қайта тақсимловчи давлатлар солиқ тизимлари. Бу гуруҳга Норвегия, Голландия, Франция, Бельгия, Финляндия, Дания, Швеция давлатлари киради.

Эгри солиқлар улушидан келиб чиқиб солиқ тизимлари куйидаги гуруҳларга бўлинади:

- даромад солиғига асосланган солиқ тизими, асосий эътибор даромад ва мулк солиғидан тушумларга қаратилади ва эгри солиқлар улуши жами солиқли даромадларнинг 50 фоиздан кўпини ташкил этади.

Эгри солиқларнинг бундай даражаси ривожланаётган давлатлар солиқ тизимига хос. Бу гуруҳга – Аргентина, Бразилия, Мексика, Ҳиндистон, Покистон, Россия киради.

Солиқ ваколатларининг марказлашуви даражасидан келиб чиқиб, солиқ тизимлари куйидаги гуруҳларга бўлинади:

- марказлашган, солиқ ваколатларининг асосий қисми марказий ҳукуматга тегишли бўлган ва консолидациялашган солиқли даромадларнинг 65 фоиздан кўп қисмини ҳал этадиган солиқ тизими. Бу гуруҳга – Франция, Голландия, Австрия ва Россия киради;

- қисман марказлашган, давлат бошқарувининг барча даражалари ўртасида солиқ ваколатларини тақсимлашга ва консолидациялашган солиқли даромадларнинг 55 % - 65 % и марказлашган ҳукуматга тегишли бўладиган солиқ тизими. Бу гуруҳга – Австралия, Германия, Ҳиндистон киради;

- марказлашмаган, давлат бошқарувининг қуйи даражаларига кўпроқ солиқ ваколатларини берувчи ва консолидациялашган солиқли даромадларда марказий ҳукумат улуши 55 фоизгача бўлган солиқ тизими. Бу гуруҳга – АҚШ, Канада, Дания киради.

Солиқ олингандан кейин даромадлар тенгсизлигига кўра солиқ тизимлари куйидаги гуруҳларга бўлинади:

- прогрессив, солиқлар тўланганидан кейин солиқ тўловчиларнинг даромадлари бўйича аниқланувчи иқтисодий тенгсизлиги пасаядиган солиқ тизими. Бу гуруҳга – барча ривожланган ва ривожланаётган мамалакатлар киради;


Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

- регрессив, солиқлар тўланганидан кейин солиқ тўловчиларнинг даромадлари бўйича аниқланувчи иқтисодий тенгсизлиги ўсадиган солиқ тизими. Бу тизимга хос давлатлар ҳозирда деярли йўқ;

- нейтрал, солиқлар тўланганидан кейин солиқ тўловчиларнинг даромадлари билан баҳоланувчи иқтисодий тенгсизлиги ўзгаришсиз қоладиган солиқ тизими. Бу гуруҳга – Россия, МДХ давлатлари киради.

Жаҳон амалиётида солиқ юкининг тақсимланишига кўра солиқ тизимининг: англосаксон, евроконтинентал, лотин америкача, аралаш моделлари⁵⁷ амал қилиш эътироф этилади. Айрим муаллифлар⁵⁸, бундан ташқари, ислом анъанасига мос моделни ва “солиқ оазислари”ни ҳам таъкидлашмоқда.

Англасаксон моделининг хусусиятли белгиси солиқ тизими кўпроқ тўғри солиқларга таянади ва солиқ юкининг асосий зиммаси солиқ тўловчилар – жисмоний шахсларга тушади. Бу тизим давлатларида эгри солиқ (ККС, акциз, сотишдан олинadиган солиқ)лар улуши сезиларсиз. Бу моделга Австралия, Италия, Буюк Британия, Ирландия солиқ тизимлари киради.



1.11-расм. Солиқ юкининг тақсимланишига кўра солиқ тизими моделлари.⁵⁹

⁵⁷ Абдурахманов О.К. Налоговые системы стран с переходной экономикой: Монография. – М.: Палеотип, 2005. с.7.

⁵⁸ Л.Н. Лыкова, И.С. Букина. Налоговые системы зарубежных стран. Учебник для вузов. – М.: Юрайт, 2014. – с. 129.

⁵⁹ Расм муаллиф томонидан шакллантирилган.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

Евроконтинентал моделнинг хусусиятли белгиси солиқли тўловларга киритиш мумкин бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар улушининг юкори эканлигидир.

Бу моделга – Германия (ижтимоий суғуртага ажратмалардан тушумлар солиқли даромадларнинг 45 фоизини ташкил этади), Нидерландия, Франция, Швеция, Норвегия каби давлатлар киради.

Лотин америкача моделнинг хусусияти иқтисодиётнинг инфляцион омилга тобелиги сезиларли бўлган ва ундан келиб чиқувчи – эгри солиқлар аҳамияти юкорилигидир. Бу моделга – Боливия, Перу, Чили киради (бу давлатларда бюджет солиқли даромадларининг 42, 46, 49 фоизи эгри солиқлар зиммасига тўғри келади).

Солиқ тизимнинг аралаш моделининг хусусияти солиқ тизимининг алохида солиқ тури ва солиқ тўловчилари гуруҳларига қараб диверсификациялашган таркибга эгаллигидир. Масалан, Италияда эгри солиқлар улуши катталиги билан бирга тўғри солиқлар улушини ҳам 36 фоиз атрофида ушлаб туришга ҳаракат қилинади. Бу моделга – Италия, Аргентина, Австрия, Испания, Россия киради.

Ислом анъанасига мос моделнинг хусусияти ислом молияси⁶⁰га асосланган давлатлардаги солиқ муносабатлари хусусиятлари билан боғлиқ. Бу гуруҳга Покистон, Баҳрайн, Қувайт, Индонезия, Эрон, Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони, Малайзия давлатлари киради.

“Солиқ оазислари” моделининг хусусияти шундаки, бу гуруҳ давлатларида паст солиқ қўллаш ҳуқуқи берилади. Улар ўз навбатида икки гуруҳга бўлинади:

1) жисмоний шахслардан тўғри солиқлар олинмайдиган юрисдикциялар. Буларни “тоза” солиқ бандаргоҳлари ёки солиқсиз юрисдикциялар деб ҳам юритилади. Бу мамлакатларда жисмоний шахсларнинг айрим даромади ва мулклари учун даромаддан олинадиган солиқ, мерос ва ҳада қилинган моллардан, мулкдорчиликдан олинадиган солиқлар қўлланилмайди. Жисмоний шахслар учун бизнесни юритишга қатъий белгиланган бир марталик бож ва рўйхатга олиш йиғимлари каби эгри солиқ мавжуд.

Тўғри солиқлар олинмайдиган давлатларга – Андорра, Багам, Бермуд, Каймен ороллари, Каури, Вакуати, Теркс, Кайкос, Фарер ороллари киради;

2) паст даражадаги тўғри солиқлар олинадиган юрисдикциялар. Шахсий даромад солиғи ставкалари айрим гуруҳ солиқ тўловчиларга 30 %гача камайтирилиб қўлланилади, айрим ҳолларда солиқ ставкаси 10 %дан ортмайди. Бу “солиқ оазис”ларида ставкаларни бошқа худудларга нисбатан паст ставкада ўрнатилиши даромад олувчи солиқ тўловчиларни бу

⁶⁰ Ислом молияси – дунёда энг тез ўсаётган тармоқлардан ҳисобланади: охириги 10 йилда активлар йиллик ўсиш сурьатлари 15-20 % ни ташкил қилмоқда, 2014 йилда улар активлари қиймати 2 трлн.доллардан ошди/ Чокаев В.В. Исламские финансы: возможности для Российской экономики./ Вопросы экономики, 2015, № 6, с. 106.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

ерда солиқ конунчилиги билан ўзаро “ҳисоб-китоби”ни ўз манфаатини кўзлаб амалга оширилишига олиб келади. “...жалб қилувчи таъсирга эга бундай шароитлар шу ҳудудларнинг турмуш даражаси ўсишига олиб келади. Бу гуруҳга Британия, Виржиния ороллари, Кипр, Гибралтар, Венгрия, Исроил, Швейцария киради. Бу гуруҳни, ўзининг жисмоний шахслари чет элдан оладиган даромадлари бўйича солиқдан озод қилинадиган давлатлар ҳам ташкил этади: Коста-Рика, Гонконг, Малайзия, Панама; ...солиқ гавакларидаги давлатлар жисмоний шахслари учун солиқ ҳисоботлари енгиллаштирилган, айрим давлатларда солиқ тўламаслик, даромадларни яшириш жиноий жавобгарлик ҳисобланмайди⁶¹”.

Хорижий давлатлар солиқ тизимини таснифлашнинг юқорида келтирилган белгиларига кўра гуруҳларга туркумланиши орқали аҳоли солиқларининг хусусиятли белгиларини ажратиш имконини беради (1.3-жадвал).

1.3-жадвал. Ривожланган мамлакатларда жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимининг хусусиятлари⁶²

№	Тадқиқот учун ажратиб олинган давлатлар	Жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизими белгилари тавсифи
1.	Буюк Британия	Қисман фискал, даромад солиғига асосланган, марказлашган, прогрессив
2.	Австралия	Либерал-фискал, даромад солиғига асосланган, қисман марказлашган, прогрессив
3.	Германия	Қисман фискал, қисман эгри, қисман марказлашган, прогрессив
4.	Франция	Қатъий фискал, қисман эгри, марказлашган, прогрессив
5.	Голландия	Қатъий фискал, қисман эгри, марказлашган, прогрессив
6.	АҚШ	Либерал-фискал, даромад солиғига асосланган, марказлашмаган, прогрессив
7.	Япония	Либерал-фискал, қисман эгри, қисман марказлашган, прогрессив
8.	Хитой	Либерал-фискал, эгри, марказлашган, прогрессив
9.	Хиндистон	Қисман фискал, эгри, қисман марказлашган, нейтрал
10.	Россия	Қисман фискал, эгри, марказлашган ва нейтрал
11.	Покистон	Қатъий фискал, эгри, марказлашган, прогрессив
12.	Малайзия	Қатъий фискал, даромад солиғига асосланган, марказлашмаган, нейтрал

Хорижий мамлакатларда жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизими юқори даражада ижтимоий тавсифга эгадир.

⁶¹ Ф.Ш. Шамсутдинов, Ш.Ф. Шамсутдинова. Чет мамлакатлар солиқ тизими. Дарслик. Т.: Фан ва технология, 2011, 21-б.

⁶² Расм муаллиф томонидан шакллантирилган.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

Солиққа тортиш тизимининг ижтимоий тавсифи биринчидан, прогрессив солиққа тортиш тизими шароитида кам даромадли солиқ тўловчилар гуруҳи учун белгиланган ставкалар билан юқори ставкалар ўртасидаги кескин тафовутнинг амал қилишида кузатилади. Иккинчидан, прогрессив солиққа тортиш режими учун амал қиладиган даромадлар миқдорининг кенг диапазони амал қилиши билан изоҳланади. Учунчидан, паст даражадаги аҳоли учун ижтимоий тавсифдаги имтиёзлар тизими амал қилиб, ижтимоий муҳим фаолият турларини қўллаб қувватлаш тизими амал қилади.

Иқтисоди ривожланган мамлакатларда аҳолини солиққа тортиш тизимида турли миқдордаги солиқ имтиёзлари тизими амал қилиб, бу аввало ижтимоий муҳим мақсадларни самарали реализация қилиш билан боғлангандир. Ижтимоий тавсифдаги солиқ имтиёзларининг сезиларли улуши даромад солиғи бўйича такдим этилгандир. Чунки даромад солиғи ижтимоий-иқтисодий ислохотларни фискал инструментлар воситасида тартибга солишда нисбатан юқори даражадаги регулятив салоҳиятга эгадир.

Гарвард университети экспертлари У. Хасси ва Д. Любик томонидан ишлаб чиқилган “Халқаро солиқ кодекси” деб номланувчи БМТнинг халқаро солиқ дастурига мувофиқ Шарқий ва Марказий европадаги постсоциалистик давлатлар миллий солиқ тизими конструкцияси ва фаолият принципида жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи турли даражадаги бюджетларга даромаднинг шакллантириш эмас, балки ижтимоий адолатлилик мезонларига йўналтирилиши мақсага мувофиқлиги таъкидланган.

Натижада ҳозирги шароитда текис (пропорционал) шкала амал қиладиган мамлакатлар қаторига Россия Федерацияси, Грузия, Эстония, Латвия, Украина, Чехия, Словакия, Руминия, Қозоғистон каби мамлакатлар кириб, уларда текис (пропорционал) шкала асосидаги солиққа тортиш режими амал қилмоқда. Ушбу мамлакатлардаги текис (пропорционал) шкалага асосланган солиққа тортиш режимининг амал қилишини бир қатор объектив ва субъектив омиллар билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, аҳолининг даромадлилик даражаси паст бўлган мамлакатларда нисбатан паст солиқ юкига асосланган ставкалар асосида солиққа тортиш тизими амал қилиб, шахсий тасарруфидаги даромаднинг асосий қисми истеъмол харажатларига сарфланиши таъминланади.

Иккинчидан, ўтиш даврига хос зиддиятлар туфайли аҳолининг нисбатан паст даромадлилиги аҳоли ижтимоий қатламлари ўртасида даромадлар тенгсизлигининг юқори тафовути кузатилмайди. Бу текис (пропорционал) шкалага асосланган солиқ ставкалари асосида даромадлар тенгсизлиги даражасини кучайиш рискинни кескинлаштирмайди.

Учинчидан, иқтисодиётдаги тизимли ислохотлар натижасида инвестиция ресурсларига бўлган эҳтиёжни таъминлаш мақсадида текис (пропорционал) шкала асосида солиққа тортиш ҳисобига ички жамғариш нормаси рағбатлантирилади. Бу фискал механизм орқали инвестицияларни

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

жалб қилишни рағбатлантиришнинг самарали усули сифатида амалиётда ўз тасдиғини топган.

Маълумки, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғида прогрессив солиқ ставкалари ривожланган мамлакатлар амалиётида кенг қўлланилади. Ҳаттоки, айрим мамлакатларда энг паст кўрсаткичга эга бўлган даромад солиқдан тўлиқ озод қилинган. Бунда солиққа тортилмайдиган минимум, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товарлар ва хизматлар минимал ҳажмининг қийматига эквивалент шаклида белгиланган. Масалан, АҚШда нолиқ ставкалар йиллик даромади 8450 доллар миқдоридagi даромадларга нисбатан жорий этилган. Швецияда эса 306000 швед кронаси, Швейцарияда 16100 франк, Австрияда 10000 евро, Ирландияда 5210 евро, Испанияда 2400 евро, Норвегияда 36000 норвег кронаси миқдоридagi даромадга нисбатан нолиқ ставка белгиланган⁶³.

Шуни таъкидлаш жоизки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсирида 2014 йилдан бошлаб АҚШда даромад солиғи бўйича белгиланган ставкаларнинг максимал ҳажми қарийб 40 % атрофида белгиланди. Англияда эса ушбу ставкалар 50 %гача кўтарилди (1.4-жадвал).

1.4-жадвал. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда даромад солиғи ставкаларининг минимал ва максимал ҳажмининг тебраниши (2017 йил ҳолатига)

<i>№</i>	<i>Мамлакатлар</i>	<i>Минимал-максимал ставкалари, %</i>
1.	Австралия	0-47
2.	Австрия	0-50
3.	Бразилия	15-27,5
4.	Буюк Британия	0-45
5.	Вьетнам	0-35
6.	Германия	14-47,5
7.	Греция	0-46
8.	Дания	38-55,6
9.	Хитой	3-45
10.	АҚШ	0-39,6
11.	Финляндия	8,5-51,5
12.	Франция	0-50,3
13.	Швеция	0-56,9
14.	Япония	5-45

⁶³ Информационный интернет-ресурс «Налоги». Точка доступа URL: <http://www.netnalogu.ru/>;

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

Натижада аҳолининг 20 % энг юқори таъминланган қатлами учун жорий этилган юқори солиқ ставкаси яқин истиқболда 80 % федерал бюджет даромадларини таъминлаш имкониятини яратди. Ҳолбуки ушбу ислохотлар АҚШда бюджет тақчиллигини қисқартириш ва қарз лимитини 2 йилга узайтириш имкониятларини яратиб берган бўлса-да, ўрта муддатли истиқболда АҚШ иқтисодиётига инвестицияланадиган жамғариш нормасининг пасайиши ва кенг тадбиркорлик субъектлари ихтиёридаги капитални АҚШ иқтисодиётида чиқиб кетишига таъсир этди. Шунинг учун ҳам Дональд Трамп томонидан олиб борилаётган солиқ ислохотларида фойда ва даромад солиғи бўйича белгиланган ставкаларни ислох қилиш ва бунда максимал ставкани пасайтириш билан боғлиқ ислохотлар асосан юқори даромадга эга бўлган аҳолини шахсий тасарруфидаги даромадларини ошириш натижасида иқтисодиётдаги жамғариш нормаси ошириш орқали ички инвестицияларнинг рағбатлантириш кўзда тутилган. Шунингдек, бой аҳоли қатлами учун солиқ юқини пасайтириш орқали хориждаги капитални репатриация қилиш мақсад сифатида белгиланган.

Юқоридаги 1.4-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, таҳлил қилинаётган 14 та давлат орасида 8 тасида йиллик даромаддан солиққа тортилмайдиган минимум амал қилади.

Демак, аксарият ривожланган мамлакатларда жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишда солиққа тортилмайдиган минимум мавжуд бўлиб, барча солиқ тўловчилар учун таянч чегирмани ўзида муассамлаштиргандир. Шунингдек, даромадларни солиққа тортиш тизимида бошқа солиқ чегирмалари ҳам кенг амал қилади.

Текис (пропорционал) шкалага асосланган даромадларни солиққа тортиш тизими шароитида солиқ маъмурчилиги ёки солиқларнинг йиғилувчанлиги даражаси юқори бўлиши табиийдир. Лекин, прогрессив солиққа тортиш тизими шароитида солиқларнинг йиғилувчанлиги даражасининг ҳаддан зиёд мураккаблашуви тўғрисидаги фикр ҳам ҳақиқатга доимо яқин бўлмайди. Бунга мисол тариқасида Хитойни келтиришимиз мумкин. Хитойда 7 босқичли солиққа тортиш тизими (минимал 3 %дан максимал 45 %) муваффақиятли амал қилаётганлигини кўришимиз мумкин.

Бошқа солиқлардан фаркли равишда даромадлардан олинадиган солиқлар бўйича солиққа тортиладиган субъектни танлашда бир қатор усулларни амал қилиши кузатилади:

1. Даромадга эга бўладиган жисмоний шахслар.
2. Оиладаги эр хотин биргаликда (биргаликда солиққа тортиш).
3. Оиладаги эр хотин даромадларини мустақил равишда алоҳида солиққа тортиш;
4. “Мураккаб оила” ёки “Уй хўжаликлари даромадлари”ни ўзида мужассамлаштирувчи солиқ тўловчи гуруҳларни солиққа тортиш.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

Демак, хорижий мамлакатларда даромадларни солиққа тортишда индивидуал ёндашиш билан бирга жамоавий ёндашув ҳам амал қилади.

Хусусан, Австрия, Буюк Британия, Дания, Италия давлатларида даромад солиғи субъекти сифатида индивидуал ёндашув амал қилади. Шу билан бирга АҚШ, Германия, Ирландия, Испания, Норвегия мамлакатларида солиқ тўловчи оила аъзолари (эр ёки хотин) ҳамкорликда ёки алоҳида солиқ тўлаш учун муқобил солиққа тортиш тизими амал қилади.

АҚШда ўтган асрнинг 80-йилларида ўтказилган солиқ ислохотлари жараёнида фуқаролар даромадини солиққа тортишда ҳам туб ўзгаришлар юз берди. 1986 йилга қадар АҚШда фуқаролардан даромад солиғи 14 та ставкада 11 дан 50% гача миқдорда ундирилган эди. Ҳозирги кунда даромад даражасига қараб 7 та ставка бўйича даромад солиғи ундирилади (1.5-жадвал).

1.5-жадвал. АҚШда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ставкалари⁶⁴

Даромад солиғи ставкаси, %	Ёлғиз (уйланмаган ёки оилали бўлмаганлар)	Оилали биргаликда (оилавий даромадидан)	Оилали якка ҳолда (алоҳида даромадлари бўйича)	Оила бошлиғи (бошқа даромад олувчилар оилада бўлмаганда)
10	0 – 8,92	0 – 17,85	0 – 8,92	0 – 12,75
15	8,92 – 36,25	17,85 – 72,50	8,92 – 36,25	12,75 – 48,60
25	36,25 – 87,85	72,50 – 146,40	36,25 – 73,20	48,60 – 125,45
28	87,85 – 183,25	146,40 – 223,05	73,20 – 111,52	125,45 – 203,15
33	183,25 – 398,35	223,05 – 398,35	111,52 – 199,17	203,15 – 398,35
35	398,35 – 400,00	398,35 – 450,00	199,17 – 225,00	398,35 – 425,00
39.6	400,00 дан ортик	450,00 дан ортик	225,00 дан ортик	425,00 дан ортик

Ҳозирги кунда солиқ ставкасининг энг юқори даражаси камайтирилишидан ташқари, солиқ имтиёзларини қисқартириш орқали солиққа тортилмайдиган энг кам даромад миқдори ҳам кўпайтирилди.

АҚШ солиқ қонунчилигига асосан солиққа тортиладиган даромад - даромад солиғини ҳисоблашда ижтимоий таъминот харажатлари, табиий офатлардан йўқотишлар (агар даромаднинг 10 фоизидан ошсагина ҳисобга олинади), тиббиёт мақсадида қилинган харажатлар (аниқланган даромаднинг 10 фоизигача), тажриба харажатлари, малака ошириш харажатлари, мулк солиғи, хайрия харажатлари, баъзи уй-жой кредитларининг фоиз

⁶⁴<http://taxfoundation.org/article/us-federal-individual-income-tax-rates-history-1913-2013-nominal-and-inflation-adjusted-brackets>

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

харажатлари, авария ёки ўғирлик туфайли даромад келтирмайдиган мулкдан кўрилган зарар, нафақа ёки соғлиқни сақлаш режаларига йўналтирилган маблағ, баъзи таълим харажатлари ва хизмат сафарлари харажатлари. Ушбу харажатлар даромад солиғини ҳисоблашда даромаддан чегириб ташланади (ушбу имтиёзлар ялли даромаднинг 50 фоизигача бўлиши мумкин)⁶⁵.

Солиққа тортилмайдиган энг кам миқдор – АҚШ қонунчилигида назарда тутилган стандарт чегирма деб аталувчи имтиёзга яқиндир. Солиққа тортилмайдиган энг кам миқдор ва солиқ тўловчининг қарамоғидаги боқимандага кўзда тутилган солиққа тортилмайдиган энг кам миқдор, стандарт чегирма солиққа тортилмайдиган энг кам миқдор билан баравар равишда қўлланилиб келинади. У қатъий белгилаб қўйилган суммада (ёлғиз шахс учун - 6200 доллар, эр-хотин учун - 12400 доллар, оила бошлиғи учун - 9100 доллар), қария ва ногиронлар учун қўшимча чегирма, янги турар-жойга қўчиб бориш сарф харажатлари, табиий офатлар натижасида кўрилган зарар, тиббиёт сарф харажатлари, касб фаолиятига оид сарф харажатлар⁶⁶.

АҚШдаги имтиёзнинг муҳим жиҳати шундан иборатки, солиқ тўловчи стандарт чегирма ўрнига ўз харажатларини моддалар бўйича ҳисоблаш усулини қўллаши мумкин. Бу харажатларни жами даромаддан чиқариб ташлашга рухсат этилади (тиббий хизмат ва дори-дармон сотиб олиш харажатлари; стоматология хизматларига ҳақ тўлаш; ипотека кредити бўйича тўланадиган фойзалар ва шу кабилар).

Осиёнинг энг ривожланган мамлакатларидан бири Японияда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзлар ўзига хос хусусиятга эга. Ўзига хослиги шундаки, Японияда жами йиллик даромадларни декларациялашда умумий даромад суммасидан 15 турдаги чегирмалар чегирилиши билан бирга даромад миқдорига қараб солиқ бўйича чегирмалар ҳамда оила таркибидан келиб чиқиб чегирмалар мавжуд.

Йиллик даромадларни декларациялашда умумий даромад суммасидан 15 турдаги чегирмалар ажратилиб, солиққа тортиладиган даромаднинг умумий суммаси ҳисобланади.

Солиқ ставкалари солиққа тортиладиган даромад миқдоридан келиб чиқиб белгиланади ва 6 та босқичда солиқ ундирилади. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари қуйидагича (1.6-жадвал):

⁶⁵ <http://www.irs.gov/taxtopics/tc551.html>

⁶⁶ <http://www.irs.gov/taxtopics/tc551.html>

**Жисмоний шахсларни солиққа тортиш:
назария ва амалиёт**

1.6-жадвал. Японияда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари⁶⁷

Солиққа тортиладиган даромад (JPY)		Ҳисобланган солиқ суммаси (Tax on column 1) (JPY)	Солиқ ставкаси (%)
Даромаднинг минимал чегараси (column 1)	Даромаднинг максимал чегараси		
0	1,950,000		5
1,950,000	3,300,000	97,500	10
3,300,000	6,950,000	232,500	20
6,950,000	9,000,000	962,500	23
9,000,000	18,000,000	1,434,000	33
18,000,000	40,000,000	4,404,000	40
40,000,000		13,204,000	45

1.6-жадвалдан кўришиб турибдики, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 5, 10, 20, 23, 33, 40, 45 %лик ставкаларда ундирилади.

Ушбу солиқни ундиришдаги Япониянинг илғор жиҳати шундаки, даромад солиғини ҳисоблаш қулай ҳамда соддалаштирилган. Даромадга тегишли ставкани қўллаб, солиқ бўйича чегирма суммасини камайтириш оққали ҳисоблаб чиқилади. Таъкидлаш жоизки, ушбу ставкаларда даромад солиғи фақат умумдавлат бюджетига ундирилади, бундан ташқари префектура (4 фоиз) ва муниципал (6 фоиз) даражада даромад солиғи ҳам ундирилади.

Ривожланган давлатларнинг амалдаги солиқ тизимини ўрганиш билан бир қаторда иктисодий ўсиш суръатлари юқори бўлган Хитой ва аҳолиси жиҳатдан иккинчи ўринда турувчи Ҳиндистон давлатларининг тажрибаларини ўрганиш солиқ сиёсатининг асосий йўналишлардан бири ҳисобланади.

⁶⁷ <https://emigranto.ru/strany-azii/iaponiia/nalogovaia-sistema-iaponii.html>

**Жисмоний шахсларни солиққа тортиш:
назария ва амалиёт**

1.7-жадвал. Хитойда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари⁶⁸.

Йиллик даромад миқдори	Солиқ ставкаси
15 000 юангача	5 %
15 001 - 30 000	10 %
30 001 - 60 000	20 %
60 001 - 100 000	30 %
100 001 юандан юқори	35 %

Аҳолиси сони жиҳатдан ҳамда иқтисодий ривожланиш тенденцияси юқори бўлган Хитой Халқ Республикаси (ХХР)да жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан имтиёзлар бўйича ўзига хос жиҳатлари мавжуд. ХХР жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича солиққа тортилмайдиган энг кам миқдор билан бирга даромад солиғи ушланмайдиган даромадлар мавжуд. ХХРда солиққа тортилмайдиган энг кам миқдор ойига 3500 юанни ташкил этади.

Ҳиндистонда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблашда солиққа тортилмайдиган энг кам миқдор билан бир қаторда турли хил ижтимоий харажатлар жами даромаддан чегириб ташланади. Бир АҚШ доллари 63,98 Ҳиндистон рупиясига тенг⁶⁹.

1.8-жадвал. Ҳиндистонда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари.⁷⁰

Даромад миқдори (рупия)	Солиқ ставкаси, %
0-200 000	0
200 001-500 000	10
500 001-1 000 000	20
1 000 001 ва ундан юқори	30

Юқоридаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларига 3 фоизлик таълим учун йўғим кўшилади. Бундан ташқари, кўрсатилган ставкалар 60 ёшдан кичик бўлган жисмоний шахсларга амал қилади. 60 ёшдан катта ва 80 ёшдаги шахсларга эса солиққа тортишнинг имтиёзли ставкалари қўлланилади.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиёти юзасидан хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш диссертацион тадқиқотимиз мазкур параграфда қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини берди:

⁶⁸ <http://chinalawinfo.ru>. Закон КНР «О налоге на доходы физических лиц»
Председатель КНР Ху Цзиньтао 30.06.2011.

⁶⁹ <http://www.calc.ru/kurs-INR-USD.html>

⁷⁰ gsl.org/ru/taxes/tax-zones/индия/

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

- жаҳон амалиётида хорижий давлатлар солиқ тизимини туркумлаштиришга турли хил ёндашувлар қўлланилмоқда ва бунга кўра солиқ тизими моделлари, уларнинг тегишли гуруҳига тааъллуқли давлатлар солиқ тизимининг хусусиятлари ҳамда ривожланиш тенденциялари мавжуд;

- жаҳон солиқ амалиёти ривожланиш тенденцияларига мувофиқ солиқ сиёсатининг ижтимоийлигининг аҳамияти ўсмоқда ва бу вазифалар ижроси давлатларнинг қатъий тадбирлари орқали таъминланмоқда;

- жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётида хорижий давлатлар солиқ тизими ривожланиши учун умумий бўлган жиҳатлар куйидагилардан иборат: а) солиқ сиёсати ижтимоийлигининг кучайиши; б) солиқ олинмайдиган базанинг яшаш минимумидан келиб чиқиб белгиланиши; в) ижтимоий чегирмалар тизимининг кенгайиши ва қонунийлаштирилиши; г) ижтимоий адолат тамойили ижроси аҳамиятининг ўсиши;

- жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётида даромад солиғи, мол-мулк солиғи ва ер солиғини унификациялаш орқали уларни бирлаштириш (масалан, кўчмас мулкка солиқ)га ҳаракат ва уринишларнинг мавжудлиги;

- жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимида унинг ижтимоий йўналирилганлиги индивидуал ва оилавий биргаликда солиққа тортиш, болалар сонига мувофиқ чегирмалар бериш шаклида амал қилаётганлиги кузатилмоқда.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

1-боб бўйича хулосалар

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимини илмий-назарий асосларини тадқиқ қилиш натижасида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизими миллий даромад ва миллий бойликни ижтимоий-адолат принципларига мувофиқ мувозанатли тақсимлаш тизимини шакллантиришга йўналтирилиши мақсадга мувофиқ.

2. Ягона иқтисодий маконда иқтисодиёт соҳа ва тармоқлари тараққиётнинг уйғунлигини таъминлашни мувофиқлаштирувчи фискал фактор ролини бажариши лозим.

3. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқларнинг кенг турлари солиқ тўловчиларнинг даромадлари ва мулкий ҳолатларига мувофиқ келиши лозим.

4. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизими даромад даражаси бир хил шароитда турли солиқ юкининг амал қилиши ва даромадлари ҳажми турли бўлган фуқаролар учун бир хил солиқ юкини амал қилиши горизонтал ва вертикаль тенглик тамойиллари бузилишига олиб келади. Шунинг учун солиқларнинг кенг арсенали шароитида солиқ тизимини ўрта муддатда ислоҳ қилиш аҳолининг ижтимоий қатламлари ўртасида вертикал ва горизонтал ижтимоий-иқтисодий тенглик тамойилларини таъминлашга қаратилиши лозим. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимини ўрта муддатли такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотлар вектори даромадларининг барча турлари, яъни ёлланма меҳнатдан олинадиган даромадлар (иш ҳақи), тадбиркорлик фаолиятидан тушадиган фойда ва мулкий даромадларни (ижара ҳақи, қарз фойзи, дивиденд) бир хил платформага асосланган солиқ юкини таъминловчи солиқ режимини шакллантиришга қаратилиши керак.

5. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётини ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган ислоҳ қилиш солиқ тизимини макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги ролини ошириш билан биргаликда солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш ва солиқларни йиғилувчанлигини ошириш воситасида мамлакатда солиқ тизими модернизациялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

2-БОБ. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ ТАҲЛИЛИ.

2.1. Жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг фискал самарадорлиги таҳлили.

Жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг замонавий тизимини ислоҳ қилиш мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун комплекс мақсадлар тизимига эгадир. Хусусан, аксарият сиёсатчилар яқин ва ўрта истиқболда солиқ тизимини ислоҳ қилишда ранг баранг мақсадлар белгиланишини эътироф этадилар. Буларнинг ичида энг муҳимлари: нисбатан соддалик (simplicity), барқарорлик (stability), адолатлилик (fairness fairness), даромадларни мувозанатли тақсимлаш (adequate revenue) ва иқтисодий самарадорлик (economic efficiency), фискал самарадорлик (fiscal efficiency) каби тамойиллар асосидаги пировард мақсадлар илгари сурилишини эътироф этадилар (*C. Alan Garner*)⁷¹. Ушбу мақсадларда соддалилик солиқ маъмурчилигини (tax administration) такомиллаштириш контекстида уларни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш билан боғлиқ трансакцион харажатларни минималлаштириш орқали давлат молиявий фаолияти иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятларини яратади. Иккинчидан, солиқ тизимининг соддалилиги мамлакат аҳолисининг солиқлар тўғрисидаги тасаввурларини шакллантириш орқали солиқ маданиятини ошириш имкониятларини шакллантиради. Учинчидан, солиқ тизимининг соддалилиги кенг профессионал иқтисодчилар жамоасининг солиқ қонунчилигига оид адекват билим салоҳиятини шакллантириш имкониятларини яратади. Бу ўз навбатида солиқ тўловчиларнинг солиқларни тўғри ҳисоблаш ва ўз вақтида бюджетга ўтказиш орқали бюджет интизомини мустаҳкамланишига ва пировард натижада объектив тарзда намоён бўлувчи солиқ қонунчилигини бузилиш ҳолатларини минималлаштиради. Солиқ тизимининг элементи сифатида жисмоний шахсларни солиққа тортиш асосий мақсади ва функцияси фискал функция бўлиб, фискал самарадорлик солиқ юқининг оптимал даражасида бюджетга солиқ тушумларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳисобланади.

Маълумки дунёнинг деярли барча мамлакатларида шаклланган солиқ тизимида жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар мамлакатда яратилган ялпи ички маҳсулотни тақсимлаш орқали турли даражадаги бюджетларнинг даромадларини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Ушбу жараёни Ўзбекистон Республикаси мисолида кўриб ўтадиган бўлсак, қуйидаги манзарани гувоҳи бўлишимиз мумкин (2.1-жадвал).

⁷¹ *C. Alan Garner Consumption Taxes: Macroeconomic Effects and Policy Issues*

**Жисмоний шахсларни солиққа тортиш:
назария ва амалиёт**

2.1-жадвал. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқ тушумларининг динамикаси таҳлили (млрд. сўм).⁷²

т/р	Кўрсаткичлар	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.
1	ЯИМ, млрд сўм	97029,3	118986,9	144867,9	171369,0	198871,6	249136,4	407514,5
2	Давлат бюджети даромадлари, млрд сўм	21295,8	26223,2	31730,6	36493,2	41043,4	49681,0	79099,0
3	Энг кам иш ҳақи	79590	96105	118400	130240	149775	172240	202730
4	Аҳоли сони, минг киши	29555,4	29993,5	30492,8	31022,5	32120,5	32653,9	33100,2
5	Жисмоний шахслар тўлаган жами (ЖШОДС; ЖШММС; ЖШОЕС; ҚБС) солиқлар, млрд. сўм	3134,8	3625,9	4360,1	4850,8	5595,7	7024,6	8819,0
6	Аҳоли жон бошига ундирилган солиқларнинг динамикаси, минг сўм	106,1	120,9	143,0	155,5	174,2	215,1	266,4

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2012 йилда ЯИМнинг номинал миқдори 97029,3 млрд. сўмдан то 2018 йилгача барқарор ўсиб бориб 407514,5 млрд. сўмга етган. ЯИМни таҳлил қилинаётган даврдаги барқарор ўсиши давлат бюджетига солиқлар орқали қайта тасимлаш тизимини ҳам изчил ошириб боришнинг моддий асосини ташкил қилиши табиий ҳолдир. Натижада давлат бюджети даромадлари ҳам 2012 йилда 21295,8 млрд. сўмдан 2018 йилга келиб 79099,0 млрд. сўмгача ўсиш суръатига эга бўлган. Жисмоний шахслар тўлаган солиқлар ҳам параллел равишда 2012 йилда 3134,8 млрд. сўмни, 2018 йилга келиб эса ушбу кўрсаткич 8819,0 млрд. сўмни ташкил қилган. Аҳоли

⁷² Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ва www.stat.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

жон бошига ундирилган солиқлар 2012 йилда 106,1 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2018 йилда 2,5 баробардан кўп ўсиш кузатилиб, 266,4 минг сўмга етган. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқ тушумларининг ўсиб бориши куйидаги омилларга боғлиқ бўлган:

- кейинги йилларда аҳоли турмуш фаровонлигини, уларнинг даромадларини ошириш давлат сиёсати натижаси ўлароқ иқтисодий фаол аҳоли қатламида солиқ тўловчи аҳоли салмоғининг ортиши ва даромадлар изчил ўсиб бориши кузатилмоқда. Бу ўз навбатида солиқ базасининг ортиши эвазига бюджетга солиқ тушумларини кўпайишини таъминлади;

- энг кам иш ҳақининг 2012 йилда 79590 сўмдан 202730 сўмга ўсиб бориши жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича тушумлар номинал миқдорининг ортишига таъсир қилган;

- жисмоний шахслар эгалигидаги ер ва мол-мулкларнинг кўпайиши, улар қийматини реал бозор баҳосидан келиб чиққан ҳолда баҳолаш тизимини жорий этилиши, солиқ ставкаларини оширилиши ҳисобига жисмоний шахслардан ундириладиган реал ва рента тавсифидаги солиқлар бўйича ҳам тушумларнинг ортишига олиб келди.

Таҳлил қилинаётган даврда ялпи ички маҳсулотда давлат бюджетининг улушини камайиши кузатилаётган бўлса-да, ялпи ички маҳсулотга нисбатан жисмоний шахслардан ундирилган асосий солиқларнинг камайиш суръати нисбатан паст даражада бўлган. Натижада давлат бюджети даромадларини шакллантиришда жисмоний шахслардан ундирилган асосий солиқларнинг улуши 2012 йилда 14,7 %ни, 2018 йилга келиб эса 11,1 %ни ташкил қилган (2.1-расм).



**2.1-расм. Жисмоний шахслардан ундирилган жами солиқларнинг
фискал самарадорлиги таҳлили.**

**Жисмоний шахсларни солиққа тортиш:
назария ва амалиёт**

Бунинг сабаби, 2018 йилда давлат бюджети даромадларининг 2017 йилга нисбатан ўсиш суръатидан, 2018 йилда жисмоний шахслар тўлаган солиқларнинг 2017 йилга нисбатан ўсиш суръатининг паст эканлигидир.

Бу ўз навбатида таҳлил қилинаётган давр мобайнида иқтисодиётдаги соф солиқ юкига нисбатан жисмоний шахслар зиммасидаги солиқ юкининг заиф пасайиш динамикасига эгалигини кўрсатади. Демак, миллий даромаднинг таркибидаги аҳоли даромадларини бюджет канали орқали қайта тақсимлашда жисмоний шахслар зиммасидаги солиқ юкини пасайтириш нисбатан иккиламчи аҳамиятга эга бўлган.

Шуни таъкидлаш жоизки, жисмоний шахслардан ундирилган асосий солиқларни ЯИМдаги улуши таҳлил қилинаётган 7 йил мобайнида сезиларсиз пасайиш тенденциясига эга бўлса-да, истеъмол солиқлари бўйича юқори даражадаги солиқ юки аҳолининг барча қатламлари истеъмол талабига салбий таъсир этувчи омиллардан бири бўлмоқда.

Ялпи ички маҳсулот ва унинг таркибида солиқ тушумлари ҳиссасининг динамик ўзгариши ва хусусан, жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ тушумлари ҳиссасининг динамик ўзгаришини эластиклик коэффициентини ҳисоблаш орқали таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз (2.2-жадвал).

2.2-жадвал. Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ тушумларининг ЯИМ ва давлат бюджети даромадларига нисбатан ўзгариш эластиклиги.⁷³

Кўрсаткичлар	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.
<i>ДЯИМ</i>	22 932,2	56 292,4	33 029,2	32 312,4	60 041,3	104 977,7
<i>ДЯИМ_n/ЯИМ_{n-1}</i>	0,23	0,47	0,19	0,15	0,25	0,35
<i>ДБСД</i>	4927,4	5507,4	4762,6	4550,2	8637,6	29418
<i>ДБСД_n/ДБСД_{n-1}</i>	0,23	0,21	0,15	0,12	0,21	0,59
ЖШ томонидан тўланган солиқлар	3625,9	4360,1	4850,8	5595,7	7024,6	8819
<i>ДЖС_{жсит}</i>	491,1	734,2	490,7	744,9	1428,9	1794,4
<i>ДЖС_{жситn}/ЖС_{жситn-1}</i>	0,16	0,20	0,11	0,15	0,26	0,26
Солиқ тизими эластиклиги (<i>E_{ст}</i>)	0,99	0,45	0,81	0,81	0,85	1,71
ЖШ солиққа тортиш тизимининг ЯИМга нисбатан эластиклиги (<i>E_{ст(ЯИМ)}</i>)	0,67	0,43	0,60	1,00	1,03	0,74
ЖШ солиққа тортиш тизимининг ДБДга нисбатан эластиклиги (<i>E_{ст(ДБД)}</i>)	0,68	0,96	0,75	1,23	1,21	0,43

⁷³ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ва www.stat.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

Жадвал маълумотларидан кўрииб турибдики, солиқ тизимининг эластиклиги 2018 йилда 1,71 ни ташкил қилган. Ушбу ҳолат солиқ тушумларини 2017 йилга нисбатан кескин ортганлиги яъни 29418 млрд. сўмга ортиши ҳисобига кузатилмоқда. Демак, бюджетга солиқ тушумларининг нисбий динамик ўсиши, ЯИМнинг нисбий динамик ўсишига нисбатан юқори бўлган. Бу ўртача солиқ ставкаларини олдинги даврларга нисбатан ўзгармас ҳолатида солиқ базасининг кенгайиши ва хуфиёна иқтисодийни камайиши воситасида солиқ тўловчилар сонининг ортиши ҳисобига таъминланган. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимининг ЯИМга нисбатан эластиклиги эса 2016, 2017 йилларда 1 коэффициентдан юқори бўлган. Демак, ЯИМнинг нисбий динамик ўзгаришига нисбатан ушбу солиқлар бўйича тушумларининг ўсиш суръати юқори бўлганлигини англатади.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимининг давлат бюджети даромадларига нисбатан эластиклигини 2018 йилда 0,43 га тушиб кетиши, давлат бюджети даромадларининг кескин ортишида (29418 млрд. сўм) юридик шахслардан олинадиган солиқ тушумлари ортишининг таъсири юқорилигини англатади.

Юқоридаги ҳолатлардан хулоса қилиш мумкинки, давлат бюджетига жами солиқ тушумларини динамик ўзгаришида жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар юридик шахслардан олинадиган солиқларга нисбатан паст аҳамият касб этмоқда. Ушбу ҳолат яқин истиқболда юридик шахслар зиммасидаги мажбуриятларининг ортиши билан боғлиқ солиқ юкининг номутаносиб тақсимланиш рискинни кучайишига олиб келиши ҳам мумкин.

Жисмоний шахслардан олинадиган солиқ тушумларининг давлат бюджетидagi салмоғини ортишига солиқ тўловчи жисмоний шахслар сонининг ортиши ҳам катта таъсир этмоқда (2.3-жадвал).

**Жисмоний шахсларни солиққа тортиш:
назария ва амалиёт**

2.3-жадвал. Жисмоний шахслардан ундириладиган солиқлар кесимида солиқ тўловчилар сони тўғрисида маълумот (млрд. сўм).⁷⁴

	Кўрсаткичлар	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.
1.	Аҳоли сони, минг киши	29555,4	29993,5	30492,8	31022,5	32120,5	32653,9	33100,2
2.	Жисмоний шахслар даромад солиғи тўловчилари сони, минг киши	3481,2	3542,2	3769,0	3850,0	4256,6	4409,0	4545,2
3.	Жисмоний шахслар мол-мулк солиғи тўловчилари сони, минг киши	3811,7	3952,2	4251,6	4623,4	4919,7	5343,4	5994,4
4.	Жисмоний шахслар ер солиғи тўловчи-лари сони, минг киши	3501,4	3552,1	3967,1	4325,4	4521,2	4659,4	5171,0
5.	Тадбиркорлик фаолиятида ҚБС тўловчи-лари сони, минг киши	191,3	202,5	227,6	251,8	274,9	279,7	360,1

2.3-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, жами аҳолининг сони 2012 йилда 29555,4 минг кишини ташкил қилган бўлса, 2018 йилга келиб ушбу кўрсаткич 33100,2 минг кишига етган. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда асосий фискал омил ролини ўйновчи солиқлардан бири бўлган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўловчиларнинг сони 2012 йилда 3481,2 минг кишини ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2018 йилга келиб 4545,2 минг кишига етган.

Демак, солиқ тўловчи ёлланма меҳнат билан шуғулланувчи жисмоний шахслар сонининг ортиши ҳам солиқ тушумларининг номинал мазмундаги ўсишига таъсир кўрсатган. Мол-мулк солиғини тўловчи жисмоний шахсларнинг сони ҳам 2012 йилда 3811,7 минг кишини ташкил қилган бўлса, 2018 йилга келиб ушбу кўрсаткич 5994,4 минг кишига етган.

Ер солиғи тўловчи жисмоний шахсларнинг сони ҳам 2012 йилда 3501,4 минг кишидан 2018 йилга келиб 5171,0 минг кишига етган. Ушбу ҳолат ихтиёрида мол-мулк ва ер ресурслари мавжуд аҳоли қатламнинг ортиб бориши ҳам солиқ тушумларининг ўсишига таъсир этмоқда.

⁷⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ва www.stat.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

**Жисмоний шахсларни солиққа тортиш:
назария ва амалиёт**

Тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган қатъий белгиланган солиқ тўловчилари сони 191,3 минг кишидан 2018 йилга келиб 360,1 минг кишига етган. Ушбу ҳолат аҳоли таркибида унча катта бўлмаган якка тадбиркорлик субъектларининг таҳлил қилинаётган даврдаги изчил ўсиб бориши солиқ тушумларига ҳам таъсир этаётганлигидан далолат беради.

Аҳоли сонининг ўсиш динамикасида унинг таркибидаги солиқ тўловчи жисмоний шахслар сонининг ўсиш суръатини аниқлаш учун куйидаги жадвал маълумотларига муурожаат қиламиз (2.4-жадвал).

2.4-жадвал. Аҳоли сони ва унинг таркибидаги солиқ тўловчи жисмоний шахслар сонининг ўзгариш эластиклигини ҳисоблаш⁷⁵

Кўрсаткичлар	2013	2014	2015	2016	2017	2018
Жорий йилда аҳоли сонини олдинги йилга нисбатан ўсиши (D_{DP}), минг киши	438,1	499,3	529,7	1098	533,4	446,3
ЖШДдан олинадиган даромад солиғи тўловчилар сонини олдинги йилга нисбатан ўсиши (D_{PTD}), минг киши	61	226,8	81	406,6	152,4	136,2
2012 йилга нисбатан (T_{DP}) аҳоли сонини йиллик ўсиш суръати, %	1,48	1,69	1,79	3,72	1,80	1,51
2012 нисбатан (T_{DP}) ЖШОДС тўловчиларни йиллик ўсиш суръати, %	1,75	6,51	2,33	11,68	4,38	3,91
Ўсиш суръатини солиштириш	$\frac{T_{(DP)} < T_{(DPTD)}}$	$\frac{T_{(DP)} < T_{(DPTD)}}$	$\frac{T_{(DP)} < T_{(DPTD)}}$	$\frac{T_{(DP)} < T_{(DPTD)}}$	$\frac{T_{(DP)} < T_{(DPTD)}}$	$\frac{T_{(DP)} < T_{(DPTD)}}$

Номинал мазмундаги аҳоли сонининг йиллик ўсиши (Δp) 2013 йилда 2012 йилга нисбатан 438,1 минг кишини ва унинг таркибидаги солиқ тўловчи жисмоний шахслар сонининг йиллик ўсиши (Δp_{TD}) эса 61 минг кишини ташкил этмоқда. Ушбу кўрсаткичлар 2018 йилда 2017 йилга нисбатан мос равишда 446,3 ва 136,2 минг кишини ташкил этган.

2012 йилга нисбатан (Δp) аҳолининг йиллик ўсиш суръати 2013 йилда 1,48 %ни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2018 йилда 1,51 %ни ташкил қилган. Энг юқори йиллик ўсиш суръати 2016 йилда 3,72%ни ташкил қилган. 2012 йилга нисбатан (Δp) солиқ тўловчи жисмоний шахслар сонининг йиллик ўсиш суръати 2013 йилда 1,75 %ни, 2018 йилдаги йиллик ўсиш суръати эса 3,91 %ни ташкил қилмоқда.


⁷⁵Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва www.stat.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

Кўришимиз мумкинки, аҳолининг йиллик ўсиш суръатига (T_{AP}) нисбатан, унинг таркибидаги солиқ тўловчи жисмоний шахсларнинг йиллик ўсиш суръати (T_{APTD}) таҳлил қилинаётган даврда юқори кўрсаткични ташкил қилган.

Юқоридаги таҳлиллар асосида хулоса қилиш мумкинки, кейинги йилларда иқтисодий фаол аҳоли қатламининг ўсиш тенденцияси кузатилиб, аҳоли сонининг ўсишига нисбатан уларнинг юқори ўсиш суръати (а) янги иш ўринларини яратиш; (б) конверт асосида ишловчи ходимларни расман рўйхатга олиш бўйича олиб борилаётган ишларнинг самараси ҳисобланади.

Давлат бюджетига жисмоний шахслар томонидан тўланган жами солиқлар ва уларнинг алоҳида турлари бўйича тушумларга солиқ тўловчилар сонининг таъсирини таркибий таҳлилин куйидаги расм маълумотлари орқали кўришимиз мумкин (2.2-расм).



2.2-расм. Жами аҳоли таркибида солиқ тўловчи жисмоний шахслар тўғрисида маълумот⁷⁶

2.2-расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, аҳолининг жами таркибида солиқ тўловчи жисмоний шахсларнинг улуши 2012 йилда 37,17% ни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2018 йилда 48,5% га етган. Ушбу солиқ тўловчилар қатламини икки тоифага ажратиш мумкин: иқтисодий фаол ва иқтисодий нофаол аҳоли қатламидаги солиқ тўловчилар. Хусусан, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турлари бўйича катъий белгиланган солиқни тўловчи аҳоли қатламини тўлиқ иқтисодий фаол аҳоли қатламини ташкил қилувчи солиқ тўловчи жисмоний шахслар тоифасига киритишимиз мумкин.

Мол-мулк ва ер солиғини тўловчи жисмоний шахслар шахсий тасарруфида ер ва мулк қийматликлар мавжуд аҳоли қатлами ҳисобланиб, улар иқтисодий фаол ва иқтисодий нофаол аҳоли қатламини ташкил қилади.

⁷⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

2.2-расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, даромад солиғи тўловчилари 2012 йилда жами аҳоли таркибида 11,78 фоизни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2017 йилда 13,5 фоизга, 2018 йилга келиб 13,7 фоизга ўсиб борган. Демак, 2012 йилда мол-мулк солиғи тўловчилар сони жами аҳоли таркибида 12,9 фоизлик, 2017, 2018 йилларда ҳам 16,4 ва 18,1 фоизлик улуши билан етакчилик қилган. 2017, 2018 йилларда ер солиғи тўловчилари (14,2 ва 15,6) ҳамда даромад солиғи тўловчилари мос равишда 13,5 ва 13,7 фоизлик улуши билан етакчилик қилган. Бу ўз навбатида иқтисодий фаол аҳоли қатламидаги ёлланма меҳнат фаолияти билан банд аҳоли сонининг фаол ортиб борганлигини тасдиқлайди.

Мол-мулк ва ер солиғи тўловчи жисмоний шахслар сонининг ортиб боришини икки ҳолат билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, ушбу солиқ тўловчилар категориясининг кўпайиши аҳолининг тасарруфидаги ер ва мулк қийматликларнинг ортиб боришини англатади. Аҳолининг шахсий тасарруфидаги даромадлари ҳисобига истеъмол харажатлари таркибида ноозик-овқат маҳсулотларига истеъмол харажатлари салмоғининг ортиши (озик-овқат маҳсулотлари истеъмоли) фаровонликнинг бош омили эканлигини Энгел Қонуни⁷⁷ оркали ифодаланган.

$$e_{QA(Pb)} = \frac{\Delta Q_A}{\Delta I} * \frac{I}{Q_A} \quad (2.1)$$

Ушбу қонунга кўра, истеъмолчи харажатлари таркиби унинг даромадларини ўзгаришига қараб ўзгаради. Ушбу ўзгаришда даромадларнинг ўсиш сурати истеъмол харажатлари таркибида озик-овқат маҳсулотларига нисбатан ноозик-овқат маҳсулотлари истеъмолига харажатларининг ўсиши турмуш фаровонлигининг омили эканлиги исботланган.

Иккинчидан, мол-мулк солиғи реал солиқлар (аккрод солиғи) категориясига киритилиб, ушбу солиқни тўловчи жисмоний шахслар сони параллел равишда иқтисодий ва ноиқтисодий аҳоли сонининг ортиши ҳисобига кузатилади. Мол-мулк солиғи тўловчи ноиқтисодий фаол аҳоли қатламининг кўпайиши, аҳоли жон бошига реал даромадлар нисбатан паст даражада бўлган мамлакатларда ушбу солиқ бўйича солиқ маъмурчилиги билан боғлиқ муаммоларни туғдиради. Чунки, ушбу солиқнинг объекти мулк қийматликларнинг реал бозор баҳоси ҳисобланса-да, унинг манбаи аҳоли даромадлари ҳисобланади. Бу борада инглиз тadbиркори Томас Роберт Дюарнинг куйидаги фикрини келтириб ўтиш мумкин: “Солиқлардан фақатгина бир нарса ёмонроқ бўлиши мумкин: солиқ тўлаш учун ҳеч қандай маблағга эга бўлмаслик”⁷⁸. Даромадлар паст даражада бўлган аҳолининг

⁷⁷ М.А. Сажина, Г. Г. Чибриков. Экономическая теория : учеб. для вузов. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Норма, – 672 с.: ил - 2007 год

⁷⁸ city.info/man/tomas-robert-dyuar

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

ижтимоий қатлами учун ушбу солиқлар юқори солиқ оғирлигини келтириб чиқаради ва макро кўламда миллий даромадни эмас, миллий бойликни қайта тақсимлаш инструментига айланиши мумкин. Ушбу ҳолат солиқ тўловчи аҳолининг маълум қатлами, яъни даромадлари улар зиммасидаги реал солиқлардан номинал мазмунда кам бўлган шароитда кузатилиши мумкин.

Демак, аҳоли сонининг ўсишига нисбатан унинг таркибидаги иқтисодий фаол аҳоли қатламининг ўсиши иқтисодий сиёсатда нафақат бандлик, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш билан боғлиқ стратегик мақсадлар самарали ижросини ифодалайди, балки давлат молиявий ресурслари фондларининг даромадлар базаси барқарорлигига ҳам таъсир этмоқда.

2013-2018 йилларда ўтган йилларга нисбатан жисмоний шахслардан ундириладиган асосий солиқлар бўйича солиқ тўловчилар сонининг ўсиш суръати аҳоли сони ўсиш суръатига нисбатан деярли юқори бўлган.



2.3-расм. Аҳоли ва солиқ тўловчи жисмоний шахслар сонининг йиллик ўсиш динамикаси (ўтган йилга нисбатан фоизда)⁷⁹

Фақат 2012 йилга нисбатан 2013 йилда ер солиғи тўловчи жисмоний шахслар сонининг ўсиш суръати (101,4 %) аҳоли сонининг ўсишига нисбатан паст кўрсаткичга эга бўлган.

Таҳлил қилинаётган даврдаги солиқ тўловчилар сонининг ўтган йилга нисбатан энг юқори ўсиш суръати 2016 йилда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғида кузатилган бўлиб, ўсиш суръати олдинги йилга нисбатан 110,6 %ни ташкил қилган. 2013-2018 йилларда олдинги йилларга нисбатан юридик шахс мақомига эга бўлмаган, якка тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи солиқ тўловчи жисмоний шахсларнинг сони юқори ўсиш суръатига эга бўлган.

⁷⁹Ўзбекистон Республикаси ДСҚ ва www.stat.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

**Жисмоний шахсларни солиққа тортиш:
назария ва амалиёт**

Натижада уларнинг сони ўтган йилга нисбатан мос равишда 2013 йилда -105,9 %, 2014 йилда -112,4 %, 2015 йилда -110,6 %, 2016 йилда -109,2 %, 2017 йилда 101,7 %, 2018 йилда эса 128,7 % ни ташкил қилган.

Таҳлил қилинаётган даврларда тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларига қатъий белгиланган солиқ тўловчилар сонининг изчил ошиб бориши ушбу фаолият турларида бизнес юритиш учун қулай ижтимоий-иқтисодий ва молиявий муҳитнинг мавжудлиги билан бир қаторда уларни солиққа тортишнинг махсус режимини бошқа солиқ тизими режимларига нисбатан солиқ тўловчи манфаати юзасида қулайлиги ҳам рол ўйнайди.

Солиқ тўловчи жисмоний шахслар сони билан улар томонидан тўланган солиқлар бўйича тушумларни таҳлил қиладиган бўлсак, яна бошқача манзарани гувоҳи бўлишимиз мумкин (2.5-жадвал).

2.5-жадвал Жисмоний шахслар томонидан тўланган солиқларнинг таркиби ва динамикаси таҳлили, млрд. сўм.⁸⁰

	Кўрсаткичлар	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018
1.	Давлат бюджети даромадлари	21295,8	26223,2	31730,6	36493,2	41043,4	49681,0	79099,0
2.	Жисмоний шахслардан ундирилган асосий солиқлар	3134,8	3548,6	4360,1	4850,8	5595,7	7024,6	8819,0
3.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	2241,8	2253,5	2854,1	3285,6	3835,4	4876,5	6422,6
4.	Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи	273,0	285,6	356,4	382,6	445,1	575,6	708,3
5.	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	201,9	220,1	285,4	315,2	402,7	532,1	663,2
6.	Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ	418,1	789,4	804,2	867,4	912,5	1042,8	1024,9

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибики, жами солиқ тушумлари 2012 йилда 3134,8 млрд. сўмни ташкил қилган. Ушбу кўрсаткич таҳлил қилинаётган даврларда изчил ўсиш суръатига эга бўлиб, 2017 йилда 7024,6 млрд. сўмга, 2018 йилда эса 8819,0 млрд. сўмга етган.

⁸⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.


Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича тушумлар жами солиқларда энг юқори кўрсаткични ташкил қилиб, 2012 йилда 2241,8 млрд. сўмни, 2018 йилга келиб эса 6422,6 млрд. сўмни ташкил қилган. Таҳлил қилинаётган даврларда барча солиқлар бўйича тушумлар деярли 2 баробардан кўп миқдорда ортиб борган.

Жадвал маълумотлари асосида кўришимиз мумкинки, тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларига катъий белгиланган солиқ тўловчилар сони 2018 йилда 2017 йилга нисбатан ўсиш тенденциясига эга бўлса-да (128,7%), улар томонидан тўланган солиқлар миқдор кўрсаткичларида пасайиш (-1,7%) кузатилиб, 2018 йилда 1024,9 млрд. сўмни ташкил қилган.

Жисмоний шахслардан мол-мулк солиғи бўйича тушумлар 2012 йилда 273,0 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2018 йилда 708,3 млрд. сўмга етган. 2018 йилда 2012 йилга нисбатан ўсиш суръати (2,6 марта) жисмоний шахслардан ундирилган асосий солиқлар бўйича ўртача ўсиш (2,8 марта)дан паст даражада бўлган.

Жисмоний шахслардан ундирилган солиқлар бўйича тушумлар миқдорининг ортиб бориши натижасида уларни йиллик ўсиш суръатида ҳам хаотик ўзгаришларни кузатишимиз мумкин (2.4-расм).



2.4-расм. Давлат бюджети ва жисмоний шахслардан ундириладиган алоҳида солиқлар бўйича тушумлар йиллик ўсиш динамикаси (ўтган йилга нисбатан фоизда)⁸¹

⁸¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва www.stat.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

2.4-расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2012 йилга нисбатан 2013 йилда давлат бюджети даромадларининг йиллик ўсиш суръати 123,1 %ни ташкил қилиб, жисмоний шахслардан ундирилган асосий солиқларнинг ушбу даврдаги ўсиш суръати паст даражани, яъни 113,2 % ни ташкил қилган. 2017 йилга нисбатан 2018 йилда давлат бюджети даромадларининг ўсиш суръати 159,2 %ни ташкил қилиб, жисмоний шахслардан ундирилган асосий солиқларнинг ушбу даврдаги ўсиш суръати 125,5 % ни ташкил қилган.

Демак, давлат бюджетига даромадлар тушумининг ўсиш суръатида, юридик шахслар томонидан тўланадиган солиқлар бўйича тушумнинг ўсиш суръати юқори бўлаётганлигини тасдиқлайди. Ушбу даврдаги жисмоний шахслардан ундирилган солиқлар бўйича тушумларнинг ўсиш суръатига тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий солиқнинг ўсиш суръати (188,8 %) юқори даражада таъсир кўрсатган. Лекин ушбу солиқ бўйича тушумларнинг жами жисмоний шахслардан ундирилган солиқлардаги вазнининг паст даражаси жисмоний шахслардан ундирилган солиқ тушумларининг ўсиш суръатига заиф даражада таъсир этишига сабаб бўлмоқда. 2014 (122,9 %), 2016 (115,4 %), 2017 (125,5 %) йилларда жисмоний шахслардан ундирилган солиқларнинг йиллик ўсиш суръати давлат бюджети даромадларининг мос даврлардаги (2014 йил-121 %, 2016 йил-112,5 %, 2017 йил-121,0 %) ўсиш суръатидан юқори бўлган.

Демак, жисмоний шахслардан ундириладиган солиқ тушумларининг ўсиш суръати унинг таркибида юқори фискал аҳамият касб этувчи солиқларнинг ўсиш суръатини динамик ўзгариши кучли таъсир этмоқда.

Маълумки, ҳар бир солиқ тури бўйича ҳудудлар кесимидаги солиқ тушумлари миқдори солиқ базасини шаклланишининг ҳудудий хусусиятларига ҳам боғлиқдир (2.6-жадвал).

2.6-жадвал маълумотларидан кўринадики, Республиканинг барча ҳудудларида жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар бўйича тушумларида кескин тебраниш кузатилмоқда.

Тошкент шаҳрида солиқ тушумлари 2013 йилда 946,1 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2017 йилга келиб ушбу кўрсаткич 2 баробардан ортиб 2094,5 млрд. сўмга етган. Самарқанд вилоятида 2013 йилда солиқ тушумлари 282,6 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2017 йилга келиб 544,5 млрд. сўмга етган. 2017 йилда 2013 йилга нисбатан ўсиш 1,95 мартани ташкил қилган.

Тошкент вилоятида ҳам 2013 йилда 393,4 млрд. сўмдан 2017 йилга келиб 1,88 мартадан ортиқ ўсиш кузатилиб, 738,3 млрд. сўмни ташкил қилган.

2013 йилга нисбатан 2017 йилда республика бўйича ўртача ўсиш 1,94 мартани ташкил қилиб, Тошкент шаҳри, ҚҚР, Жиззах вилояти ва Самарқанд вилоятлари юқори кўрсаткичга эга бўлган. Солиқ тушумлари бўйича энг юқори кўрсаткич таҳлил қилинаётган даврлар мобайнида Тошкент шаҳрида кузатилган бўлса (max. 946,1; 2094,5), номинал мазмундаги энг паст кўрсаткич Сирдарё вилоятида кузатилмоқда (min. 70; 130,4).

**Жисмоний шахсларни солиққа тортиш:
назария ва амалиёт**

2.6-жадвал. Худудларда жисмоний шахслардан олинадиган олинадиган солиқлар бўйича тушумлар тўғрисида маълумот (млрд. сўм)⁸²

	Кўрсаткичлар	2013	2014	2015	2016	2017	2013 йилга нисбатан 2017 йилдаги ўсиш, марта
1.	ҚҚР	143,8	176,9	206,5	243,7	298,9	2,08
2.	Андижон	246,8	276,9	292	340,6	422,7	1,71
3.	Бухоро	207,9	260	268,3	335	396,8	1,91
4.	Жиззах	91,3	106,3	121,1	154,1	184	2,02
5.	Кашқадарё	263,2	315,1	329,3	395	462,1	1,76
6.	Навой	206,2	236,1	265,4	309,9	361	1,75
7.	Наманган	175,3	201,8	214,3	267,1	329	1,88
8.	Самарқанд	282,6	319,9	341	440,9	544,5	1,95
9.	Сурхондарё	155,9	180,7	205,4	242	295,3	1,89
10.	Сирдарё	70	79	88,9	106,8	130,4	1,86
11.	Тошкент	393,4	480,9	499,2	610,1	738,3	1,88
12.	Фарғона	309	354,1	372,6	447,2	514,4	1,66
13.	Хоразм	136,6	160,9	178,9	215,8	252,9	1,85
14.	Тошкент шаҳри	946,1	1211	1441,3	1697,6	2094,5	2,21
	Республика бўйича жами	3625,9	4360,0	4850,8	5805,5	7024,6	1,94
	Median, $\sum R_n/n$, $n=14$	259,0	311,4	344,6	414,7	501,8	
	Max	946,1	1211	1441,3	1697,6	2094,5	
	Min	70	79	88,9	106,8	130,4	

2013 йилга нисбатан 2017 йилда Фарғона вилоятида жисмоний шахслардан ундирилган асосий солиқлар бўйича тушумларнинг ўсиши энг паст даражани, яъни 1,66 мартани ташкил қилган. Натижада солиқ тушумларининг миқдор кўрсаткичи бўйича улар Самарқанд вилоятдан кейинги ўринга тушишига сабаб бўлган. Буни қуйидаги жадвалдан кўришимиз мумкин (2.7-жадвал).

⁸² Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

**Жисмоний шахсларни солиққа тортиш:
назария ва амалиёт**

2.7-жадвал. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар бўйича тушумларда ҳудудлар улуши тўғрисида маълумот⁸³ (Республика бўйича тушумларга нисбатан %да)

Худудлар номи	2013	2014	2015	2016	2017
ҚҚР	3,97	4,06	4,28	4,20	4,26
Андижон	6,81	6,35	6,05	5,87	6,02
Бухоро	5,73	5,96	5,56	5,77	5,65
Жиззах	2,52	2,44	2,51	2,65	2,62
Кашқадарё	7,26	7,23	6,83	6,80	6,58
Навоий	5,69	5,42	5,50	5,34	5,14
Наманган	4,83	4,63	4,44	4,60	4,68
Самарқанд	7,76	7,34	7,07	7,59	7,75
Сурхондарё	4,30	4,14	4,26	4,17	4,20
Сирдарё	1,93	1,81	1,84	1,84	1,86
Тошкент	10,85	11,03	10,35	10,51	10,51
Фарғона	8,52	8,12	7,72	7,70	7,32
Хоразм	3,77	3,69	3,71	3,72	3,60
Тошкент шаҳри	26,09	27,78	29,88	29,24	29,82
Республика бўйича жами	100,00	100,00	100,00	100,00	100,00

2.7-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, Республика бўйича жисмоний шахслардан олинадиган асосий солиқлар бўйича тушумларда Тошкент шаҳри энг юқори кўрсаткичга эга бўлиши билан бирга 2013 йилга нисбатан ушбу улуш жами тушумларга нисбатан 26,09 % дан 2017 йилга келиб 29,82 %га етган.

Шунингдек, юқори ўсиш суръати Қорақалпоғистон Республикасида (2013 йилда 3,97 %дан 2017 йилга келиб 4,26 % га ўсган), Жиззах вилоятида (2013 йилда 2,52 %дан 2017 йилга келиб 2,62 % га ўсган) кузатилган. Бошқа вилоятларда солиқ тушумларида барқарор ўсиш кузатилган бўлсада, республика бўйича жами солиқ тушумларида нисбатан пасайиш кузатилган.

Демак, солиқ тушумларининг номинал миқдори ва ундаги динамик ўзгаришларга хос юқоридаги тенденциялар бир қатор омилларга боғлиқдир.

Биринчидан, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги тафовут натижасида бюджет-солиқ салоҳияти тенг тақсимланмаган. Ушбу ҳолат солиқ тушумларининг номинал миқдорига асосий таъсир этувчи омил ҳисобланади.

Иккинчидан, ҳудудларда солиқларнинг йиғилувчанлик даражасини ошириш, хуфиёна иқтисодиётдаги тадбиркорлик субъектларини расмий рўйхатдан ўтказиш, конверт асосида иш ҳақи тўлаш тизимини қисқартириш,

⁸³ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

ер ва бошқа мол-мулкларни кадастр ҳужжатлари асосида тўлиқ рўйхатга олиш ва бошқа кенг қўламли ислоҳотларни амалга ошириш давлат сиёсатининг ҳудудларда қай даражада амалга ошириляётганлиги солиқ тушумларининг динамик ўзгаришига ҳам таъсир этмоқда.

Масаланинг бошқа томони шундан иборатки, солиқ тушумларининг динамик ўзгариш тенденциясида юқори бюджет-солиқ салоҳиятига эга бўлишга қарамасдан (ҚҚР, Жиззах, Самарқанд вилоятлари, Тошкент шаҳридан ташқари) аксарият ҳудудлардаги ўсиш суръатининг паст даражаси бюджетга солиқ тушумларини маълум ҳудудлар кесимида кучли тўлланишига олиб келмоқда. Юқоридаги 2.7-жадвалдан кўришимиз мумкинки, 2017 йилга келиб Тошкент шаҳри (29,8 %), Тошкент (10,5 %), Самарқанд (7,75 %) вилоятларининг жами бюджетга ундириляётган жисмоний шахслардан олинadиган асосий солиқлардаги улуши 48,5%ни ташкил қилмоқда. Бу кўрсаткич 2013 йилда 44,68 %ни ташкил қилган. Буни жисмоний шахслардан олинadиган асосий солиқлар бўйича тушумларнинг Республика ўртача индексини (*I_{iii}*) ҳисоблаш орқали янада яққолроқ асослашга ҳаракат қиламиз (2.8-жадвал).

2.8-жадвал. Ҳудудларда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиги бўйича тушумларнинг Республика бўйича ўртача индекси⁸⁴

Кўрсаткичлар	2013	2014	2015	2016	2017
ҚҚР	0,56	0,57	0,60	0,59	0,60
Андижон	0,95	0,89	0,85	0,82	0,84
Бухоро	0,80	0,83	0,78	0,81	0,79
Жиззах	0,35	0,34	0,35	0,37	0,37
Қашқадарё	1,02	1,01	0,96	0,95	0,92
Навоий	0,80	0,76	0,77	0,75	0,72
Наманган	0,68	0,65	0,62	0,64	0,66
Самарқанд	1,1	1,03	0,99	1,06	1,09
Сурхондарё	0,60	0,58	0,60	0,58	0,59
Сирдарё	0,27	0,25	0,26	0,26	0,26
Тошкент	1,52	1,54	1,45	1,47	1,47
Фарғона	1,19	1,14	1,08	1,08	1,03
Хоразм	0,53	0,52	0,52	0,52	0,50
Тошкент шаҳри	3,65	3,89	4,18	4,09	4,17
Республика бўйича ўртача	1,00	1,00	1,00	1,00	1,00

⁸⁴Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

Худудларда жисмоний шахслардан олинадиган асосий солиқлар бўйича тушумларнинг Республика ўртача индекси (I_{iit}) жами тушумларни йиғиндисини худудлар сонига бўлиб (n), ўртача кўрсаткични худудлардаги тушумларнинг номинал миқдорига (R_{iit}) бўлиш орқали ҳисобланади. Буни қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$I_{iit} = \frac{R_{iit}}{\sum R_{iit}/n} \quad (2.2)$$

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, Тошкент шаҳридаги жисмоний шахслардан олинадиган асосий солиқлар бўйича тушумларнинг Республика бўйича ўртача индекси 2013 йилда 3,65 ни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2017 йилга келиб 4,17 ни ташкил этган.

2017 йилга келиб жисмоний шахслардан олинадиган асосий солиқлар бўйича тушумларнинг Республика бўйича ўртача индексидан юқори кўрсаткич Тошкент (1,47), Самарқанд (1,09), Фарғона (1,03) вилоятларида кузатилмоқда.

Демак, Тошкент шаҳрида жисмоний шахслардан олинадиган асосий солиқлар бўйича тушумларнинг тўпланиши республика бўйича ўртача кўрсаткичга нисбатан 2013 йилда 3,5 баробардан 2017 йилда 4 баробаргача ортишига олиб келмоқда.

Юқоридаги ҳолатлар бюджет тизими барқарорлигини таъминлашга қаратилган тартибга солиш тизимини такомиллаштириш нуктаи-назардан қуйидаги муаммоли вазиятларни келтириб чиқаради:

Биринчидан, солиқ базасининг тенг тақсимланмаганлиги бюджет тизими бюджетлари ўртасида даромад ва харажатларни тақсимлаш ҳамда қайта тақсимлашнинг оптимал тизими билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради.

Иккинчидан, аҳоли солиқлари бўйича тушумлар самарадорлиги паст бўлган худудларда бюджет харажатларига етишмайдиган даромадлар ҳисобига вужудга келадиган дефицит ёки кассавий узилишни бюджет трансфертлари ҳисобига кафолатланиши улардаги боқимандалик кайфиятини кучайишига сабаб бўлмоқда.

Учинчидан, аҳоли солиқлари орқасида юқори фискал аҳамиятга эга бўлган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳисобланади. Ушбу солиқ умумдавлат солиқлари тавсифига эга бўлиб, бюджет тизимини тартибга солишнинг муҳим инструментларидан бирини ўзида ифодалайди. Яъни, худудларда ушбу солиқлар бўйича ундирилган даромадлар меъёрий ажратмалар воситасида худуд бюджетларига қолдирилади. Ушбу солиқ бўйича тушумларнинг худудлар кесимидаги тафовути мавжуд солиқ салоҳиятидан фойдаланиш даражасига ҳам боғлиқдир. Фикримизча, ушбу солиқ бўйича меъёрий ажратмаларнинг амалдаги тизими мавжуд солиқ салоҳиятидан оқилона фойдаланувчи худудлар учун дискриминацион кайфиятни вужудга келтириши мумкин. Шунинг учун тартибга солувчи солиқлар бўйича меъёрий ажратмаларни белгилашда, худудларда ушбу солиқ

**Жисмоний шахсларни солиққа тортиш:
назария ва амалиёт**

бўйича мавжуд салоҳиятдан оқилона фойдаланиш кўшимча солиқ тушумларини ўз ихтиёрида қолдиришга йўналтирилган рағбатлантирувчи коэффициентлар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

Кейинги босқичлардаги таҳлилларимизда жисмоний шахслардан олинadиган солиқлар бўйича тушумлардаги ҳудудлараро тафовутини ҳудудлардаги иқтисодий салоҳиятга боғлиқлигини кўришимиз мумкин (2.9-жадвал).

2.9-жадвал.⁸⁵ 2017 йилда ҳудудларда ЯХМ ва жисмоний шахслар олинadиган солиқлар бўйича тушумлар тўғрисида маълумот (млрд. сўм)

	Худудлар	ЯХМ ⁸⁶	ЖШДОС	ЖШММС	ЖШЕС	ЯТФҚС
1.	ҚҚР	8285,2	298,9	19,8	28,8	44,9
2.	Андижон	14479,0	422,7	44,0	43,9	61,2
3.	Бухоро	12283,9	396,8	29,9	32,3	75,0
4.	Жиззах	5762,2	184	21,1	19,5	32,0
5.	Қашқадарё	17366,1	462,1	40,5	43,1	67,6
6.	Навоий	12317,4	361	18,0	13,2	35,2
7.	Наманган	10552,5	329	40,6	45,5	54,8
8.	Самарқанд	18319,5	544,5	85,7	62,5	96,2
9.	Сурхондарё	10633,3	295,3	27,9	43,3	46,9
10.	Сирдарё	5066,4	130,4	12,7	11,2	20,6
11.	Тошкент	23525,3	738,3	81,9	49,2	94,5
12.	Фарғона	16773,1	514,4	49,8	57,8	90,2
13.	Хоразм	8232,9	252,9	27,7	31,8	47,6
14.	Тошкент шаҳри	38642,9	2094,5	75,9	47,6	276,1

Бизга маълумки, жисмоний шахслар даромадлари ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯХМ)ни таркибий компоненти бўлиб, уни изчил ортиб бориши жисмоний шахслар томонидан тўланадиган солиқларнинг ўсиб боришининг молиявий асосини ташкил қилади. Албатта, ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўзгаришига бевосита боғлиқ бўлган солиқ тушумларидаги ўзгариш даромаддан олинadиган солиқларда бевосита кузатилади.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг миқдор кўрсаткичлари аввало жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи тушумларининг миқдор кўрсаткичларига боғлиқлигини кўришимиз мумкин. Хусусан Тошкент шаҳри

⁸⁵Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

⁸⁶ Бу ерда: ЯХМ – ялпи ҳудудий маҳсулот; ЖШДОС – ҳудудларда ундирилган жисмоний шахслар даромадларидан солиқ; ЖШММС – ҳудудларда ундирилган жисмоний шахслар мол мулк солиғи; ЖШЕС – ҳудудларда ундирилган жисмоний шахслар ер солиғи; ЯТФҚС – ҳудудларда ундирилган фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ.

**Жисмоний шахсларни солиққа тортиш:
назария ва амалиёт**

(ЯҲМ – 38642,6 млрд. сўм), Тошкент (23525,3 млрд. сўм), Самарқанд (ЯҲМ – 18319,5 млрд. сўм), Қашқадарё (ЯҲМ – 17366,1 млрд. сўм), Фарғона (ЯҲМ – 16773,1 млрд. сўм) вилоятларида ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришнинг юқори кўрсаткичи жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича тушумларнинг ҳудудлар кесимидаги миқдор кўрсаткичларига ҳам боғлиқ бўлмоқда.

2.10-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, хусусий корреляция коэффициентлари омиллар ўртасида етарли даражада кучли боғланишларни кўрсатмоқда.

2.10-жадвал. Омиллар ўртасида корреляция коэффициентлари матричаси⁸⁷

Correlation					
t-Statistic					
Probability	Y	X1	X2	X3	X4
Y	1.0000				
	–				
	–				
X1	0.949674	1.000000			
	10.50240	-----			
	0.0000	-----			
X2	0.800838	0.247444	1.000000		
	4.632273	1.742884	-----		
	0.0006	0.0123	-----		
X3	0.574550	0.400939	0.320482	1.000000	
	2.431734	1.516084	2.001778	-----	
	0.0316	0.1554	0.0003	-----	
X4	0.942552	0.386957	0.187282	0.489262	1.000000
	9.774028	2.13733	1.277597	1.943335	-----
	0.0000	0.0000	0.0066	0.0758	-----

Ялпи ҳудудий маҳсулот (Y) билан ҳудудларда ундирилган жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ (X1) омили ўртасида зич боғланиш ($r_{YX1} = 0,9496$) мавжуд. Ялпи ҳудудий маҳсулот (Y) билан ҳудудларда ундирилган жисмоний шахслар мол мулк солиғи (X2) омили ўртасида кучли

⁸⁷ Муаллиф томонидан ҳисобланган.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

боғланиш ($r_{YX2} = 0,8008$) мавжуд. Лекин ялпи ҳудудий маҳсулот (Y) билан ҳудудларда ундирилган жисмоний шахслар ер солиғи (X3) омили орасида ўртача боғланиш ($r_{YX3} = 0,5745$) мавжудлигини кўриш мумкин. Шу билан бирга ялпи ҳудудий маҳсулот (Y) билан ҳудудларда ундирилган фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ (X4) омили орасида ҳам зич боғланиш ($r_{YX1} = 0,9425$) мавжудлигини кўриш мумкин.

Бундан ташқари корреляция коэффициентларининг ишончлигини t-Стъюдент мезони орқали текшираемиз. Бунинг учун ҳисобланган корреляция коэффициентларининг t-статистикаси ва эҳтимоллигини t-статистиканинг жадвал қийматлари билан таққослаймиз.

Озодлик даражаси $df = 13$, ҳамда $\alpha = 0,05$ ишончлик эҳтимоллигида t-статистиканинг жадвал қиймати $t_{kp} = 2,1604$ га тенг.

Агар 2.10-жадвалда натижавий омил (Y) ва унга таъсир этувчи омиллар ўртасида хусусий корреляция коэффициентлари бўйича t-статистика ва эҳтимолликларни қарайдиган бўлсак, улар куйидагича:

Ялпи ҳудудий маҳсулот (Y) билан ҳудудларда ундирилган жисмоний шахслар даромадларидан солиқ (X1) омили ўртасида ҳисобланган $t_{YX1} = 10,502$, $prob = 0,0000$ га тенг. Бу эса ҳисобланган t-статистиканинг жадвал қийматидан катта ($t_{YX1} = 10,502 > t_{kp} = 2,1604$) эканлигини кўрсатади ва улар ўртасидаги боғланиш ишончлидир.


Ялпи ҳудудий маҳсулот (Y) билан ҳудудларда ундирилган жисмоний шахслар мол мулк солиғи (X2) омили ўртасида ҳисобланган $t_{YX2} = 4,632$, $prob = 0,0006$ га тенг. Бу эса ҳисобланган t-статистиканинг жадвал қийматидан катта ($t_{YX2} = 4,632 > t_{kp} = 2,1604$) эканлигини кўрсатади ва улар ўртасидаги боғланиш ишончлидир.

Ялпи ҳудудий маҳсулот (Y) билан ҳудудларда ундирилган жисмоний шахслар ер солиғи (X3) омили ўртасида ҳисобланган $t_{YX3} = 2,432$, $prob = 0,0316$ га тенг. Бу эса ҳисобланган t-статистиканинг жадвал қийматидан катта ($t_{YX3} = 2,432 > t_{kp} = 2,1604$) эканлигини кўрсатади ва улар ўртасидаги боғланиш ишончлидир.

Ялпи ҳудудий маҳсулот (Y) билан ҳудудларда ундирилган фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ (X4) омили ўртасида ҳисобланган $t_{YX4} = 9,774$, $prob = 0,0000$ га тенг. Бу эса ҳисобланган t-статистиканинг жадвал қийматидан катта ($t_{YX4} = 9,774 > t_{kp} = 0,0000$) эканлигини кўрсатади ва улар ўртасидаги боғланиш ишончлидир.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

Бу ҳолатларни куйидаги 2.5-расмда ҳам кўриш мумкин.



2.5-расм. Омилларнинг натижавий кўрсаткич билан боғланиши⁸⁸

Шуни таъкидлаш жоизки, кўп омилли регрессион моделни шакллантиришда пировард натижаларнинг асосланганлиги омиллар орасидаги биргаликдаги таъсирнинг пастлиги (мультиколлинеарликнинг мавжуд эмаслиги) шarti билан изоҳланади. Агар икки омил орасидаги ўзаро кучли алоқани инобатга олувчи жуфт корреляция коэффициентининг қиймати 0,87 дан катта бўлса бундай омиллар мультиколлинеар ҳисобланади. 2.10-жадвал маълумотларида мультиколлинеарлик аломатлари кузатилмайди.

Демак, ҳудудлар иқтисодий салоҳияти ва ЯХМнинг барқарор ўсиши билан солиқ объекти даромад ҳисобланувчи солиқларнинг ўсиши ўртасида тўғри алоқадорлик кузатилмоқда.


2.2. Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар бўйича белгиланган ставкалар ва солиқ тушумларига таъсир этувчи омиллар таҳлили.

Ўзбекистон Республикасида 2018 йилги мавжуд жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи прогрессив тавсифга эга бўлиб, даромадларнинг ортиб бориши билан солиқ юқининг ҳам параллел равишда ортиб бориши кузатилади.

⁸⁸ Муаллиф томонидан ҳисобланган.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

Куйида жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишнинг 2018 йилдаги тизими келтирилган (2.6-расм).



2.6-расм. Жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғининг ташкилий тузилмаси.⁸⁹

Демак, юқоридаги маълумотлардан кўришимиз мумкинки, жами даромадни шакллантирувчи даромадлар моҳиятан 4 туркумга ажратилади. Шунингдек, имтиёзлар тизими ҳам моҳиятан 2 асосий туркумга ажратилиб даромадларнинг алоҳида турлари ва категориялари ҳамда солиқ тўловчилар категорияси бўйича 2 гуруҳга ажратилади. Солиқ ставкаси марказий, даромадларнинг алоҳида турлари ва норезидентларнинг даромадлари бўйича туркумлиниб, марказий ставка 4 босқичли прогрессия асосида ҳисобланади. Ушбу ҳолатда турли даражадаги солиқ ставкалари (t) ўртасидаги боғлиқликни куйидаги тенгсизлик орқали ифодалаш мумкин:

$$t_1 < t_2 < t_3 \dots < t_n \quad (2.3)$$

Солиқ базасини ташкил этувчи жами даромаднинг маълум миқдорига нисбатан прогрессив солиқ ставкаси куйидаги формулалар тизимига асосланади:

$$T_i = \begin{cases} t_0 * x & 0 \ll x \ll a_1 \\ t_0 * a_1 + t_1(x - a_1) & a_1 \leq x \ll a_2 \\ \dots \dots \dots \\ t_0 * a_1 + t_1(a_2 - a_1) + \dots + t_k(x - a_k), & x > a_k \end{cases} \quad (2.4)$$

⁸⁹ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

Солиқ ставкасининг максимал даражада солиқ тушумига эга бўлиш мумкин бўлган чегарасини аниқлаш масаласи ҳар бир мамлакатнинг ривожланиш даражаси, иқтисодий шарт-шароитлари ва ҳатто миллий хусусиятларидан келиб чиқиб турли хил бўлиши мумкин. Буни аниқлаш учун, биринчи галда, амалда бўлган солиқнинг ҳақиқий юки ($r_{\text{ҳак}}$) қайси зонада жойлашганини аниқлаб олиш зарур, агар ҳақиқий солиқ юки оптимал солиқ юкидан паст бўлса ($r^1 < r_{\text{макс}}$), солиқ ставкаларини ошириш орқали солиқ тушумларини кўпайтириш мумкин бўлади, агар ҳақиқий солиқ юки оптимал солиқ юкидан юқори бўлса ($r_{\text{макс}} < r^2_{\text{ҳак}}$), солиқ ставкаларини пасайтириш талаб этилади. Бу ҳақда «эгри чизиқ асосида ётувчи фундаментал ғоя..., – дейди Лаффер, – шуни билдирадики, солиқ ставкалари қанчалик юқори бўлса, шахсларда солиқдан бош тортиш учун шунчалик кучли ундайдиган сабаблар бўлади. Одамлар солиқ тўлаш учун ишламайдилар»⁹⁰. Шу ўринда таъкидлаш керакки, солиқлар – бу пул тушумлари, яъни солиқ – бу пул, шунинг учун уни доим яширишга мойиллик мавжуд бўлган ва бўлади. Чунки ҳеч ким ўзининг пулини бошқага бекордан-бекорга бериб қўйишни истамагани учун, имкони борича солиқдан қочишга, уни тўламасликка ҳаракат қилади. Демак, солиққа тортиш тизими шундай ташкил этилиши керакки, ундан қонуний ва ноқонуний қочиш имкониятлари минималлаштирилсин. Бу хусусида Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг шундай доно сўзлари мавжуд: - «Фуқароларимиз солиқдан қочиш эмас, уни вақтида тўлашдан манфаатдор бўлиши керак»⁹¹.

“2019 йилдан бошлаб жорий этилаётган янги солиқ концепциясининг энг асосий ғояси солиқ юкини камайтириш, содда ва барқарор солиқ тизимини қўллашни кўзда тутди. Шу орқали иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш, тадбиркор ва инвесторлар учун ҳар томонлама қулай муҳит яратишга эришиш мумкин.

...Янги таҳрирдаги Солиқ кодексида мамлакат тараққиётининг таянчи бўлган инсофли, ҳалол солиқ тўловчиларни рағбатлантириш, яширин фаолият юритадиганларни эса жазолаш кўзда тутилиши шарт”⁹².

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи аҳоли даромадларига тўғридан-тўғри таъсир этади. Бунда солиқ ставкаларининг роли катта бўлиб, солиқ ставкаларининг юқори бўлиши аҳоли даромадларини камайтирса, солиқ ставкаларининг паст бўлиши аҳоли даромадларини оширади. Лекин аҳоли даромадлари билан бир қаторда давлат бюджети даромадларини ҳам инобатга олган ҳолда жисмоний

⁹⁰Кравченко И. Налоговые реформы 80-х гг. в США: социально-экономический аспект. – М.:НИФИ,1989. С.9.

⁹¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган мурожаатномаси. Тошкент шаҳри, 28 декабр, 2018 йил.


⁹² Ўша ерда

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари аҳоли ва давлат манфаатларидан келиб чиқиб оптималлаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сон қарори (8-илоvasи)га мувофиқ, 2018 йилда энг кам иш ҳақининг бир баробаригача бўлган қисмидан ноль фоиз ставка бўйича, энг кам иш ҳақининг 1-5 баробаригача бўлган қисмидан 7,5 фоиз миқдорида, 5-10 баробаригача бўлган қисмидан 16,5 фоиз миқдорида ва 10 баробаридан ошган қисмидан 22,5 фоиз ставка бўйича даромад солиғи ҳисоблаш белгиланди.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари 2000 йилда 15, 25, 36 ва 40 фоиз (4 поғонали) бўлган бўлса, 2018 йилга келиб ушбу ставкалар 0; 7,5; 16,5; ва 22,5 фоизга тушган (2.7-расм).



2.7-расм. Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ бўйича ставканинг ўзгариш динамикаси⁹³

Юқоридаги расм маълумотларидан кўриниб турибдики, жисмоний шахслар даромад солиғи бўйича ставкалар кейинги 10 йил мобайнида 4 босқичдаги табақаланиш билан бирга даромадларнинг миқдорига мувофиқ равишда ставкаларнинг диапазони кенгайиб бормоқда. Бу ўз навбатида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг принципиал масалаларидан бири бўлган даромад даражасига қараб солиқ юқини пропорционал тақсимланишини таъминлаб, аҳолининг маълум ижтимоий қатламлари даромадларини тенглаштириш вазифасини бажаради (2.11-жадвал).

⁹³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.12.2008 йилдаги ПҚ-1024; 22.12.2009 йилдаги ПҚ-1245; 24.12.2010 йилдаги ПҚ-1449; 30.12.2011 йилдаги ПҚ-1675; 25.12.2012 йилдаги ПҚ-1887; 25.12.2013 йилдаги ПҚ-2099; 04.12.2014 йилдаги ПҚ-2270; 22.12.2015 йилдаги ПҚ-2455; 27.12.2016 йилдаги ПҚ-2699; 29.12.2017 йилдаги ПҚ-3454-сонли қарорлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

**Жисмоний шахсларни солиққа тортиш:
назария ва амалиёт**

2.11-жадвал. 2011-2018 йиллардаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича даромад солиғи миқдори ва солиқ юкининг солиштирма жадвали.⁹⁴

Жисмоний шахсларга ҳисобланган иш ҳақи миқдори	Ҳисобланган даромад солиғи суммаси (минг сўмда)								Солиқ юки (фоизда)							
	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018
300 000	30	27	24	22,5	15,4	12,7	11,3	9,6	10	9	8	7,5	5,1	4,2	3,8	3,0
800 000	92,5	92,5	92,5	92,5	75,6	64,4	53,6	47,1	11,6	11,6	11,6	11,6	9,5	8,0	6,7	6,0
1000 000	124,5	124,5	124,5	124,5	109,6	98,4	87,6	74,6	12,5	12,5	12,5	12,5	11	10,0	8,8	7,0
1500 000	223,4	223,4	223,4	223,4	213,6	195,2	172,7	157,1	14,9	14,9	14,9	14,9	14,2	13,0	11,5	10,0
2000 000	333,4	333,4	333,4	333,4	328,6	310,2	287,7	256,2	16,7	16,7	16,7	16,7	16,4	16,0	14,4	13,0
3000 000	553,4	553,4	553,4	553,4	558,6	540,2	517,7	481,2	18,4	18,4	18,4	18,4	18,6	18,0	17,3	16,0

Юқоридаги жадвалда 2011-2018 йиллардаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ставкаларидаги ўзгаришларнинг солиқ юкига таъсири келтирилган. Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, кейинги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ ислохотлари натижаси ўлароқ, солиқ юкининг камайиб бориш тенденциясига эга. Шартли равишда олинган 300,0 минг сўм даромаднинг солиқ юки 2011 йили 10 фоиз бўлган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 3,0 фоизни ташкил этган. 800,0 минг сўм даромаднинг солиқ юки 2011 йилда 11,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилда 6,0 фоизни ташкил этган. 1000,0 минг сўм даромаднинг солиқ юки 2011 йилда 12,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилда 7,0 фоизни ташкил этган. 1500,0 минг сўм даромаднинг солиқ юки 2011 йилда 14,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилда 10,0 фоизни ташкил этган.

2000,0 минг сўм даромаднинг солиқ юки 2011 йилда 16,7 фоизни, 2018 йилда эса 13,0 фоизни ташкил қилган. 3000,0 минг сўм даромаднинг солиқ юки 2011 йилда 18,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилда 16,0 фоизни ташкил қилган. Бундан шуни кўришимиз мумкинки, мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилган солиқ ислохотларининг асосий йўналиши аҳолининг кам даромадли қатламларини молиявий қўллаб-қувватлашдан иборат бўлиб, таҳлил қилаётган давримизда кам даромадли аҳолидан олинадиган даромад солиғининг солиқ юки йилдан-йилга камайиш тенденциясига эга.

Лекин, шу билан бир қаторда таъкидлаш жоизки, амалдаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидаги мавжуд солиқ ставкалари шароитида даромад даражасига қараб солиқ юкининг тақсимланишида

⁹⁴ Белгиланган ставка асосида муаллиф томонидан тайёрланган (бу жадвалда қиёсий таҳлил қилиш учун 2011-2015 йиллар учун даромад миқдори ва энг кам иш ҳақи (2015 йилдаги 118400 сўм) бир хил деб, 2016-2018 йиллар учун ҳақиқийси олинган).

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

номутаносибликлар кузатилмоқда. Масалан, 1,0 млн. сўм даромад олувчи жисмоний шахс учун ўртача солиқ юки 10,8 фоизни ташкил қилаётган бўлса, 3,0 млн. сўм даромад олувчи жисмоний шахс зиммасидаги солиқ юки 18,0 фоизни ташкил қилмоқда. Бундан шунини кузатиш мумкинки, даромаднинг ортиши 3 баробарни ташкил этмоқда. Лекин солиқ юки 2 баробарга ҳам ортмаётганини кузатишимиз мумкин (1,67 баробар). Шунинг учун ҳам бизнинг фикримизча белгиланган солиқ ставкаларини такомиллаштириш бўйича ислохотларни давом эттириш ва бунда даромад даражасига қараб солиқ юкини тенг тақсимлаш имконияти ставкаларни такомиллаштиришда асосий мезон сифатида танлаб олиниши зарурдир.

Таъкидлаш жоизки, таҳлил қилинаётган даврда солиқ ставкаларини оптималлаштиришда солиқ юкини пасайтириш сиёсати устувор аҳамият касб этган. Натижада жисмоний шахслар ихтиёрида қолган маблағлар йиллар мобайнида турли миқдорларни ташкил қилган (2.12-жадвал).

2.12-жадвал. Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи бўйича ставканинг ўзгаришини аҳоли тасарруфидаги даромадларига таъсири динамикаси⁹⁵

Кўрсаткичлар	2011й.	2012й.	2013й.	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.	2019й. (прогноз)
Жисмоний шахслар ихтиёрида қолган маблағ	93,5	121,8	186,4	95,0	119,8	235,4	0	92,0	361,7
ЖШОДС ставкаси	10%дан 22%гача	9%дан 22%гача	8%дан 22%гача	7,5%дан 22%гача	0%дан 23%гача	0%дан 23%гача	0%дан 23%гача	0%дан 22,5%гача	12%

Хусусан, 2011-2014 йиллар мобайнида қуйи ставкаларни кетма кет 1 % ва 0,5%га пасайтирилиши натижасида, жисмоний шахслар ихтиёрида қолган маблағлар мос равишда 93,5 млрд. сўм, 121,8 млрд. сўм, 186,4 млрд. сўм ва 95,0 млрд. сўм қолган.

2015 йилдан солиққа тортилмайдиган минимумни киритилиши натижасида ва кейинги ставкаларнинг 1%дан оширилиши натижасида 119,8 млрд. сўм маблағ солиқ тўловчилар ихтиёрида қолдирилган. Биргина

⁹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.12.2010 йилдаги ПҚ-1449; 30.12.2011 йилдаги ПҚ-1675; 25.12.2012 йилдаги ПҚ-1887; 25.12.2013 йилдаги ПҚ-2099; 04.12.2014 йилдаги ПҚ-2270; 22.12.2015 йилдаги ПҚ-2455; 27.12.2016 йилдаги ПҚ-2699; 29.12.2017 йилдаги ПҚ-3454-сонли “Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарорлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

2016 йилда 2 поғона бўйича солиқ ставкаларини 8,5 % дан 7,5 %га пасайтирилиши ҳисобига 235,4 млрд. сўм маблағ солиқ тўловчилар ихтиёрида қолдирилган. 2018 йилда эса юқори ставкани 0,5 %га пасайтирилиши эвазига солиқ тўловчилар ихтиёрида қолдирилган маблағнинг миқдори 92,0 млрд. сўмни ташкил қилган. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг маълумотларига кўра 2019 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг ягона 12 фоиз белгиланиши натижасида 2019 йилда 361,7 млрд.сўм жисмоний шахслар ихтиёрида қолиши кутилмоқда. 2019 йил биринчи чорак маълумотларига кўра, даромад солиғи тўлаётган жисмоний шахслар 4,8 миллионга етди. Ўтган йилнинг айни вақтдаги кўрсаткичига нисбатан жорий йилнинг биринчи чораги давомида даромад солиғи бўйича тушум 2,6 баробарга ошди⁹⁶.

Демак, солиқ ставкаларини пасайтириш ҳисобига солиқ тўловчилар ихтиёрида қолдирилган маблағлар миқдорига қуйидаги омиллар таъсир этганлигини кўришимиз мумкин бўлади:

биринчидан, солиқ тўловчи жисмоний шахслар даромадлари даражаси тенг тақсимланмаган. Шунинг учун ҳам чегаравий ставкалар ёки оралик ставкаларни пасайтириш билан боғлиқ ўзгаришлар солиқ тўловчилар ихтиёрида қолдирилган маблағлар ҳажмига турлича таъсир этган;

иккинчидан, солиққа тортилмайдиган минимумни киритилиши, бошқа ставкаларни ошириш воситасидаги комбинациялар билан бирга амалга оширилган. Натижада бундай таркибий оптималлаштириш ҳам солиқ тўловчилар ихтиёрида қолдирилган маблағлар миқдорига турлича таъсир этган;

учинчидан, аҳоли даромадларининг таркиби ва структурасининг ўзгариши ҳам солиқ тушумлари ва уларнинг ихтиёрида қолдирилган маблағларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларига турлича таъсир кўрсатишига асос бўлган.

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари учун жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ставкалари дивиденд ва фоиз кўринишидаги даромадларига 10 фоизлик ставка бўйича, халқаро ташишларда транспорт хизматлари кўрсатишдан олинadиган даромадларга 6 фоизлик ставка бўйича, меҳнат шартномалари (контрактлари) ва фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича олинган даромадлар ва бошқа даромадларга 20 фоизлик ставка бўйича солиқ ставкаси қўлланилади.⁹⁷

Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи барча мамлакатларда солиқлар функциясини самарали реализация қилиш нуктаи назардан энг самарали солиқ турларидан бири ҳисобланади.

⁹⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари

⁹⁷ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 181-моддаси.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

Давлат бюджетида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг улуши ва унинг динамикаси мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг ривожланиш нисбатларига, аҳоли даромадлилик даражасига ва бошқа омилларга бевосита боғлиқдир. Чунки миллий даромад мамлакат иқтисодиётининг тармоқларида яратилиб, унинг тақсимланиши натижасида ушбу тармоқларда меҳнат қилувчи аҳолининг номинал даромадлари шаклланади. Ушбу даромадларнинг миқдори тармоқлар тараққиёти даражаси улардаги қўшилган қийматнинг даражасига бевосита боғлиқдир.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича тушумларга таъсир этувчи омилларни куйидаги расмдан кўришимиз мумкин (2.8-расм):



2.8-расм. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича бюджетга тушумлар даражасига таъсир этувчи омиллар.

Юқоридаги 2.8-расмдан кўришимиз мумкинки, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи таъсир этувчи маъмурий омиллар асосан солиқ механизмнинг қонунчилик базасини ривожланганлик даражаси, солиқ юқининг юқори қўлами ва солиқ маъмурчилигининг такомиллашганлигига боғлиқдир.

Иқтисодий омиллар қаторида иқтисодиёт тармоқларининг ривожланганлиги ва уларнинг нисбати, иқтисодий фаол аҳоли қатламининг салмоғи, иш ҳақи даражаси каби омиллар таъсир этади.


Ижтимоий тавсифдаги омилларга аҳоли сони, аҳоли даромадлилик даражаси ва ишсизлик каби омиллар киритилади.

Ушбу омиллар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига бир пайтнинг ўзида негатив ва позитив таъсир этиши мумкин. Ушбу омилларнинг ҳар бири солиқ тушумларининг миқдор ва сифат кўрсаткичларига таъсири бўйича вазни турлича бўлиши мумкин. Хусусан, ҳозирги шароитда маъмурий тавсифдаги омилларни ўзида мужассамлаштирувчи солиқ механизми ва

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

маъмурчилигини такомиллаштириш, унинг қонунчилик базасини мустаҳкамлаш бўйича қатор ислохотлар олиб борилмоқда.

2.9-расмдан кўришимиз мумкинки, 2010-2017 йиллар мобайнида бюджетга жисмоний шахслар даромад солиғидан тушумлар динамикасининг йиллик ўсиш суръати аҳоли умумий даромадларининг йиллик ўсиш суръатидан 2014 йилгача паст кўрсаткичда бўлган. Минимал иш ҳақининг ўсиш суръати жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи бўйича тушумга ижобий таъсир кўрсатган. Лекин прогрессив солиқ ставкаси шкаласида юқорида кўрганимиздек ўзгаришлар, аynиқса 2015 йилдан солиққа тортилмайдиган минимумни киритилиши солиқ тушумларининг ўсиш суръатини заиф даражада пасайтирган бўлса-да, 2, 3 ва юқори шкала бўйича ставкаларни 1 %дан оширилиши солиқ тушумлари самарадорлигига ижобий таъсир этган.



2.9-расм. Ўзбекистон Республикасида аҳоли даромадлари ва солиқ тушумлари ҳамда минимал иш ҳақи динамикаси тўғрисида маълумот.⁹⁸

Демак, солиқ базасининг йиллик ўзгариш динамикаси билан солиқ тушумлари ўртасида заиф боғлиқлик кузатилаётган бўлиб, солиқ ставкаларини таркибий ўзгартириш орқали солиқ юқини аҳоли ижтимоий қатламлари ўртасида тақсимлаш бўйича ислохотлар солиқ тушуми динамикаси таъсир этувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, аҳолининг умумий даромадлари таркиби даромадларининг барча турларини ўз

⁹⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

**Жисмоний шахсларни солиққа тортиш:
назария ва амалиёт**

ичига олиб, ушбу даромадлар таркибида иш ҳақи шаклидаги даромадлар асосий салмоқни ташкил қилади.

Кўп омилли эконометрик моделда қатнашадиган омиллар солиқ тушумларининг самарадорлигига турли омилларнинг таъсирларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Кўп омилли эконометрик моделда қатнашадиган омиллар сифатида натижавий омил – ЖШДОС (млрд. сўм), (Y) ва унга таъсир этувчи омиллар сифатида аҳоли реал умумий даромадлари (трансфертлардан ташқари), (млрд. сўм), (X_1), минимал иш ҳақи, (сўм), (X_2), қишлоқ хўжалиги тармоғидаги ялпи қўшилган қиймат, (млрд сўм), (X_3) ва саноат тармоғидаги ялпи қўшилган қийматни, (млрд. сўм), (X_4) таъсирини тадқиқ қиламиз.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тушумларига таъсир этувчи иқтисодий ва ижтимоий омилларнинг таъсирини баҳолаш учун корреляцион таҳлил ўтказилиб, унинг натижаси қуйидаги жадвалда келтирилган (2.13-жадвал).

2.13-жадвал. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тушумига таъсир этувчи ижтимоий-иқтисодий омилларнинг танланма таҳлили⁹⁹

Омиллар	Корреляция кўрсаткичлари	Натижалар
Аҳолининг реал умумий даромадлари, X_1	Корреляция	0,9958
	Аҳамиятлилиги (2 томонлама)	0,000
	Кузатувлар сони	12
Минимал иш ҳақи, X_2	Корреляция	0,9926
	Аҳамиятлилиги (2 томонлама)	0,014
	Кузатувлар сони	12
Қишлоқ хўжалиги тармоғидаги ялпи қўшилган қиймат, X_3	Корреляция	0,8754
	Аҳамиятлилиги (2 томонлама)	0,000
	Кузатувлар сони	12
Саноат тармоғидаги ялпи қўшилган қиймат, X_4	Корреляция	0,9867
	Аҳамиятлилиги (2 томонлама)	0,000
	Кузатувлар сони	12

2.13-жадвал маълумотларидан шуни кўриш мумкинки, хусусий корреляция коэффициентлари, яъни натижавий омил (Y) ва таъсир барча омиллар ўртасида зич боғланишлар мавжуд экан.

⁹⁹ Муаллиф томонидан ҳисобланган.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

Ушбу омиллар асосида Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи билан унга таъсир этувчи омиллар билан кўп омилли эконометрик модел тузамиз ва у куйидаги кўринишга эга.

$$y = 358,84 + 0,0030x_1 + 0,0142x_2 + 0,0013x_3 + 0,0218x_4 \quad (2.5)$$

(44,94) (0,005) (0,003) (0,002) (0,003)

(Қавслар ичида келтирилган қийматлар ҳар бир омилнинг стандарт хатоси).

Тузилган ушбу кўп омилли эконометрик модел шуни кўрсатадики, аҳоли реал даромади (X_1) 1 млрд. сўмга ошса, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ўртача 3,0 млн. сўмга ортиши мумкин экан. Минимал иш ҳақи (X_2) 1000 сўмга ошса, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ўртача 14,2 млн. сўмга ортиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги тармоғидаги ялпи қўшилган қиймат (X_3) 1 млрд. сўмга ошса, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ўртача 1,3 млн. сўмга ортар экан. Шу билан бирга саноат тармоғидаги ялпи қўшилган қиймат (X_4) 1 млрд. сўмга ошса, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ўртача 21,8 млн. сўмга ортар экан. Ушбу ҳолатни саноат тармоғида банд бўлган аҳолининг нисбатан юқори салмоғи, иш ҳақи қиймати ва янги иш ўринларини яратиш имкониятларининг юқорилиги билан ҳам изохлаш мумкин.

Олинган натижада коэффицент миқдорларини ифодаловчи R^2 детерминация коэффиценти 0,9995 га тенг бўлди. Бу эса натижавий омилнинг танланган омиллар билан етарлича кучли алоқада эканлигини кўрсатади. Яъни жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 99,95 фоизга кўп омилли эконометрик моделга киритилган аҳоли реал даромади (X_1), минимал иш ҳақи (X_2), қишлоқ хўжалиги тармоғидаги ялпи қўшилган қиймат (X_3) ва саноат тармоғидаги ялпи қўшилган қийматга (X_4) боғлиқ экан. Қолган 0,05 фоизи эса, ҳисобга олинмаган омиллар таъсиридир.

Одатда, детерминация коэффиценти 0 ва 1 оралиғидаги қийматларни қабул қилади. Коэффицент қиймати қанчалик 1 га яқин бўлса, боғлиқлик шунчалик кучли ҳисобланади. Бизнинг ҳолатимизда детерминация коэффицентининг 0,9995 қийматга тенг бўлиши, моделда мазкур иқтисодий кўрсаткичлар ўртасида кучли боғлиқлик борлигини билдиради.


Демак, минимал иш ҳақининг ортиши, солиққа тортилмайдиган минимумни миқдор жиҳатидан ортишини таъминлаб, солиқ тўловчи жисмоний шахснинг ихтиёрида қоладиган шахсий тасарруфидаги даромадининг ортишига олиб келади;

Лекин, даромад солиғини ҳисоблаш учун солиқ базасига нисбатан қўлланиладиган прогрессив солиқ ставкаларининг 2 ва 3 шкаллари бўйича минимал иш ҳақининг асос қилиб олиниши (1-5 баробаргача ва 5-10 баробаргача) уларнинг ортиши ҳисобига солиқ тўловларининг миқдор жиҳатидан кўпайиб боришига олиб келади. Лекин бу ерда яна бир омилни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Бу омил даромадлар даражасининг

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

минимал иш ҳақи кесимидаги интервалидир. Маълумки, минимал иш ҳақига нисбатан даромадлар интервалада 1 дан 3 минимал иш ҳақи миқдориди даромад олувчилар асосий салмоқни ташкил қилади. Табиий равишда 1 минимал иш ҳақининг солиққа тортиш базасидан чегирилиши минимал иш ҳақининг ортишини солиқ тушумларига салбий таъсирини шакллантиради.

2.10-расмга мувофиқ, ХВФ экспертларининг баҳолашича, амалдаги солиқ тўловчиларнинг энг кўп сони ва жами даромадлардаги энг юқори улуши (қизил нукталар) 1 дан то 3 минимал иш ҳақи даражасидаги паст даражада даромад олувчилардир (кулранг устун). 1 дан то 3 минимал иш ҳақиғача даромад олувчиларнинг даромадлардаги улуши қарийб 18%ни ташкил қилмоқда. Кам сонли солиқ тўловчилар 10 минимал иш ҳақидан 22 минимал иш ҳақиғача ораликдаги солиқ тўловчилардир.



2.10-расм. Самарали солиқ ставкаси сценарийларининг ташкилий чизмаси.¹⁰⁰

Демак, 2 ва 3 шкала бўйича солиқ тўловчилар сони ва уларнинг жами даромадлардаги улуши юқори бўлиб, минимал иш ҳақининг ўзгаришини солиқ тушумларига таъсири ҳам юқори бўлишини таъминлайди

Таҳлилларнинг кўрсатишича, кўрилатган муқобил солиқ ставкалари шароитида солиқ тушумлари самарадорлиги нуктаи-назардан амалдаги прогрессив солиқ ставкалари самарали ҳисобланишини кўришимиз мумкин.

Юқорида олинган (2.5) модел асосида жисмоний шахслардан олинган даромад солигининг 2019-2023 йиллар учун прогнозини амалга ошираемиз. Бунинг учун ҳар бир таъсир этувчи омилнинг вақт бўйича тренд моделларини тузамиз. Яъни, натижавий омил Y га таъсир этувчи X_1, X_2, X_3 ва

¹⁰⁰ ЎЗР Молия вазирлиги маълумотлари асосида ХВФ экспертларининг ҳисоб китоби (Қаранг: Геертен Михиелсе, Рассел Крелов, Нарине Нерсесян и Жан-Франсуа Уен. Ўзбекистан: Обзор налоговой системы Доклад по технической помощи. 2018 г. Апрель.-27 с. // Fiscal Affairs Department International Monetary Fund 700 19th Street NW Washington, DC 20431 USA ' <http://www.imf.org/capacitydevelopment>).

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

X_4 омиллари вақтга боғлиқ деб оламиз. Вақтга боғлиқ моделлар тренд модели деб аталади. Уларнинг кўриниши қуйидагича:

$$X_i = b_0 + b_1 \cdot t \quad (2.6)$$

Аҳоли реал даромади бўйича тренд модель:

$$X_1 = -22263,5 + 12440,92 \cdot t$$

Минимал иш ҳақи бўйича тренд модель:

$$X_2 = -20309 + 15632,12 \cdot t$$


Қишлоқ хўжалигидан олинadиган солиқлар бўйича тренд модель:

$$X_3 = -24381,6 + 8906,718 \cdot t$$

Саноатдан олинadиган солиқлар бўйича тренд модель:

$$X_4 = -14343,6 + 7404,413 \cdot t$$

Ушбу юқорида келтирилган омиллари бўйича тренд моделлари ёрдамида ҳар бир омилнинг қийматларини 2019-2023 йиллар учун прогноз қиламиз ва прогноз натижалари қийматларини (3) кўп омилли эконометрик моделга қўйиб, натижавий кўрсаткич – жисмоний шахслардан олинadиган даромад солигини 2019-2023 йиллар учун прогноз қиламиз. Прогноз натижаларини қуйидаги 2.11-расмда келтираамиз.



2.11-расм. Ўзбекистон Республикаси жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг 2006-2018 йиллардаги динамикаси ва 2019-2023 йиллар учун прогнози, (млрд. сўм)

Юқоридагиларга асосланган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, прогрессив солиқ ставкалари ва унинг диапазонларини ўрнатишда “Солиқ тушумлари самарадорлиги” билан бир қаторда “даромадларнинг нафлиликларини” мезонларига асосланиш мақсадга мувофиқдир. Прогрессив солиқ ставкаси даромадларнинг нафлиликларини (айниқса ижтимоий нафлилик) сўниб бориш қонуниятига мувофиқ равишда нисбатан паст даражадаги даромаддан юқори даражадаги даромадлар призмасига мувофиқ равишда прогрессив тарзда ўсиб бориши зарур.

2.3. Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар бўйича белгиланган имтиёзлар ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги таҳлили.

Солиқ тизими олдидаги стратегик вазифалардан бири аҳолининг истеъмол талабини рағбатлантириш билан биргаликда, аҳолининг маълум қатламлари ўртасида даромадларни текис тақсимлаш вазифасини ҳам бажаради. Ушбу икки муҳим вазифани амалга оширишда солиқ механизми элементларидан фойдаланилади. Бунда солиқлар бўйича белгиланган имтиёзлар тизими марказий ўринни эгаллайди.

Шуни таъкидлаш жоизки, солиқ имтиёзлари тўланиши лозим бўлган солиқ мажбуриятларини пасайтиришнинг турли шакллари ўзида мужассамлаштириб, бундай ўзига хос энгилликларни иқтисодчи олимлар турлича талкин қиладилар. Масалан, профессор Қосим Яхёев “Солиқ тўловчиларни солиқдан озод этиш, улар тўлайдиган солиқ миқдорини (солиқ базасини) камайтириш ёки солиқ тўлаш шартини энгиллаштириш солиқ имтиёзи” эканлигини таъкидлайди. Шунингдек, “солиқ имтиёзи” тушунчаси “солиқ энгиллиги” тушунчаси билан том маънода синоним эканлигини ва ҳаттоки, “солиқ энгиллиги” тушунчаси имтиёзга нисбатан моҳиятан кенгрок тушунча эканлигини таъкидлайди¹⁰¹. Иқтисодчи Ш. Гатаулин эса, амалдаги қонунларга мувофиқ равишда солиқлардан тўлиқ ёки қисман озод қилиш (скидкалар, чегириб ташлашлар ва хоказо) солиқ имтиёзлари эканлигини таъкидлайди¹⁰².

Профессор Т.С.Маликов солиқ имтиёзларига солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятлари ҳажмини тўлиқ ёки қисман қисқариши, тўлов муддатининг кечиктирилиши ёки орқага сурилиши сифатида таъриф беради¹⁰³. Солиқ тизимидаги мавжуд солиқ имтиёзлари тизими объектив тарзда намоён бўлувчи категориялардан бири ҳисобланиб, профессор Т.С.Маликов солиқлар ва имтиёз ўртасидаги диалектик боғлиқликни тизимлаштирган.

Солиқ имтиёзлари бўйича назарий ишланмаларни умумлаштирган ҳолда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзларнинг объектив зарурлигини куйидагилар билан белгиланиши тизимлаштирилди:

- жамиятдаги аҳолининг маълум қатламини ўзига хос ижтимоий, иқтисодий ёки сиёсий мақоми (статуси) уларга нисбатан бир хил солиқ режимини амал қилишини мантиқан тўғри бўлмаслик ҳолатини вужудга келтиради;

- даромадлар шаклланиш манбаи ва улардан фойдаланиш йўналиши бўйича ижтимоий аҳамияти турлича бўлиб, уларни солиққа тортишга нисбатан табақалаштирилган ёндашувни талаб қилади;

¹⁰¹ Яхёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Т.: «Фан ва технологиялар маркази», 2003.

¹⁰² Гатаулин Ш. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: 1996.


¹⁰³ Маликов Т.С. Солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Т.: Академия, 2000.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

- даромадларни давлат томонидан тартибга солиш механизми сифатида имтиёзлар воситасида баъзи муҳим соҳалардаги фаолиятни рағбатлантириш вазифасини бажаради. Солиқ имтиёзлари воситасида аҳолининг истеъмол ва жамғариш нормалари nisbatларига таъсир этилади. Бу ўз навбатида имтиёзлар тизимини миллий иқтисодиётни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг муҳим фискал инструментларидан бири сифатидаги хусусиятларини намоён қилишини ифодалайди.

Ҳозирги шароитда аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишни фискал сиёсатнинг инструментлари воситасида рағбатлантиришда солиқ имтиёзлари муҳим ўринни эгаллайди. Кейинги йилларда ушбу масалада янги вазифаларнинг белгиланиши солиқ имтиёзларини янада такомиллаштиришни талаб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонунчиликка мувофиқ жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи бўйича белгиланган имтиёзлар куйидаги расмда келтирилган (2.12-расм).



2.12-расм. Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи бўйича имтиёзлар тизими.¹⁰⁴

2.12-расмдан кўришимиз мумкинки, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи бўйича имтиёзлар тизими 3 асосий элементдан ташкил топиб, биринчи туркум имтиёзларининг объекти жисмоний шахсларнинг солиқ солинмайдиган даромадлари ҳисобланади. Таҳлиллар шуни тасдиқлайдики, амалдаги қонунчиликка мувофиқ жисмоний шахслар жами даромадларининг таркиби 4 турдан ташкил топиб¹⁰⁵, даромадларининг

¹⁰⁴ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 179-180 моддалари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

¹⁰⁵ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. 171-модда. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2018 йил.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

ижтимоий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда 34 турдаги шаклига нисбатан солиқ солинмайдиган даромад сифатида қаралади.

Хусусан, ушбу солиқ солинмайдиган даромадлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 179-моддасида келтирилиб, асосан жисмоний шахсларнинг бирламчи ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ёки худди шундай хизматларни харид қилишга йўналтириладиган даромадларига нисбатан имтиёз жорий этилган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 180-моддаси белгиланган имтиёзлар тизими иккинчи туркумининг биринчи қисмида солиқ тўловчи субъектга қаратилган бўлиб, бунда солиқ солишдан тўлиқ озод қилинадиган ва қисман озод қилинадиган солиқ тўловчилар категорияси келтирилган. Солиқдан тўлиқ озод қилинган жисмоний шахслар асосан хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқлари, ходимлари, консуллик муассасаларининг мансабдор шахслари, маъмурий техник ходимлари, хизмат кўрсатувчи персоналлар, халқаро ноҳукумат ташкилотларнинг мансабдор шахслари киритилган бўлиб¹⁰⁶, унда даромаднинг фаолият билан боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган турлари солиқдан озод қилишнинг мезони сифатида белгиланган.

Шунингдек, ушбу модданинг биринчи қисмидаги имтиёзлар тизимида икки гуруҳ касбий фаолият соҳалари ходимлари учун ҳам имтиёзлар белгиланган:

Биринчидан, бюджетдан молиялаштириладиган муҳофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликлари, давлат хавфсизлик, божхона органлари, суд ҳуқуқ, прокуратура органлари ходимлари томонидан хизмат вазибаларини бажариши муносабати билан олган даромадлари бўйича имтиёзлар белгиланган. Хусусан, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликлари, давлат хавфсизлик, божхона органлари хизмат муносабати билан олган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўловлари суммалари бўйича солиқдан озод этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 декабрдаги ПФ-3178-сонли «Прокуратура органлари ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида»ги Фармонининг 1-банди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги ПФ-4459-сонли «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чоратadbирлари тўғрисида»ги Фармонининг 1-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар, иқтисодий, маъмурий ва ҳарбий судлар судьялари, шунингдек прокуратура органларининг мансаб

¹⁰⁶ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 180 моддаси, 1-5 қисмлари.
Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2018 йил.

**Жисмоний шахсларни солиққа тортиш:
назария ва амалиёт**

даражаларига эга бўлган ходимлари хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан олган даромадлари солиқдан озод қилинган.

Иккинчидан, концерт-томоша фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлган шахслар бевосита ушбу фаолиятдан олинган даромадлари бўйича ва яқка тартибдаги тадбиркор билан меҳнат муносабатларида бўлган шахслар тузилган меҳнат шартномасига кўра бажарган ишлари учун олган даромадлари солиқдан озод қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 180-моддаси белгиланган имтиёзлар тизими иккинчи туркумининг иккинчи қисмида солиқ солишдан қисман озод қилинадиган жисмоний шахсларнинг 12 тоифаси келтирилиб, ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридagi даромад миқдорининг озод қилиниши белгиланган. Мазкур аҳолининг маълум қатламини ижтимоий ҳимоялаш тизимини ўзида мужассамлаштириб, кам таъминланган аҳолининг харид қобилиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Солиқ имтиёзларининг самарадорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткичларидан бири улардан фойдаланиш кўлами ва шунингдек, аҳоли даромадлари ҳамда турмуш фаровонлиги ортиши ҳисобланади (2.14-жадвал).

2.14-жадвал. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзлар тўғрисида маълумот¹⁰⁷

Кўрсаткичлар	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.
Солиқ тўловчилар сони, минг киши	5607874	6218163	5287433	5317298	5343442	5994421
Имтиёздан фойдаланувчи солиқ агентлари сони	16331	22776	25098	24647	24957	25533
Солиқ кодексининг 179 моддасига биноан берилган имтиёзлардан фойдаланувчилар сони	11509	20171	21882	21958	22064	22383
Жами имтиёзлар суммаси (млн. сўм)	1407867,9	678049,3	912151,3	1340124,4	1587437,6	2552475,3

2.14-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, кейинги йилларда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёздан фойдаланувчи солиқ тўловчи агентлар (корхоналар) сони кўпайиб

¹⁰⁷Ўзбекистон Республикаси ДСҚ маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

**Жисмоний шахсларни солиққа тортиш:
назария ва амалиёт**

бормоқда. Хусусан, 2013 йилда имтиёздан фойдаланувчи солиқ тўловчи корхоналар сони 16331 тани ташкил қилган бўлса, 2018 йилга келиб уларнинг сони 25533 тани ташкил қилмоқда.

Солиқ имтиёзларидан фойдаланувчилар орасида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 179-моддасига биноан берилган имтиёздан, яъни жисмоний шахслар солиқ солинмайдиган даромадларининг алоҳида категориялари учун берилган имтиёздан фойдаланувчилар сони юқори салмоқни ташкил қилмоқда. Хусусан, ушбу солиқ имтиёзларидан фойдаланувчи корхоналар 2013 йилда 11509 тани ташкил қилган бўлса, йиллар мобайнида изчил ўсиб бориб, 2018 йилда уларнинг сони 22383 тага етган. Жами имтиёзларнинг қиймати 2013 йилда 1407867,9 млн. сўмни ташкил қилган, 2014 йилда эса ушбу кўрсаткич 678049,3 млн. сўмни ташкил қилган. Кейинги йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2018 йилда 2552475,3 млн. сўмни ташкил қилган.

Жисмоний шахслар даромад солиғи бўйича имтиёздан фойдаланувчи корхоналар таркибида 179 моддага асосан имтиёздан фойдаланувчилар 2013 йилда 70,5 %ни ташкил қилаётган бўлса, 2018 йилга келиб уларнинг ҳиссаси 87,7 %га етган (2.15-жадвал).

2.15-жадвал. Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи бўйича имтиёздан фойдаланувчилар ҳиссаси ва солиқ тўловчиларга тўғри келадиган имтиёзлар тўғрисида маълумот¹⁰⁸

Кўрсаткичлар	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.
Имтиёздан фойдаланувчи солиқ тўловчи (корхона)лар таркиби-да 179 моддага асосан имтиёз олувчилар улуши, %да	70,5	88,6	87,2	89,1	88,4	87,7
Жами солиқ тўловчи жисмоний шахсларга тўғри келадиган имтиёз ўртача қиймати (млн. сўм)	0,251	0,109	0,173	0,252	0,297	0,426

Жами солиқ тўловчи жисмоний шахсларга тўғри келадиган имтиёзларнинг ўртача миқдори 2013 йилда 251 минг сўмни ташкил қилган. Ушбу кўрсаткич таҳлил қилинаётган даврда изчил ўсиб бориб, 2018 йилда 426 минг сўмни ташкил қилиб 1,7 баробарга ортиб борган.


¹⁰⁸Ўзбекистон Республикаси ДСҚ маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

Демак, имтиёз олувчи солиқ тўловчилар сонининг ортиб бориши натижасида имтиёздан фойдаланувчи корхоналар сони ҳам ортиб борган. Бу ўз навбатида ушбу йилларда имтиёзларни такомиллаштириш, уларни содаллаштириш ва манзиллигини ошириш контекстидаги кенг спектрини жорий қилиниши¹⁰⁹ натижасида солиқларнинг ижтимоий рағбатлантириш вазифасини кучайиб бораётганлигидан далолат беради.

Имтиёзлар кийматининг йиллик ўсиб боришини қуйидаги расм маълумотларидан кўришимиз мумкин (2.13-расм).

2.13-расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, имтиёзлардан фойдаланиш натижасида берилган имтиёзлар номинал кийматининг йиллик ўсиши ($T_{жис}$) 2016 йилда 146,9%ни, 2018 йилда эса 160,8%ни ташкил қилмоқда. Солиқ тўловчи жисмоний шахслар сонининг йиллик ўсиши 2014 йилда 110,9%ни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2018 йилга келиб 112,2%га ўсган. Имтиёздан фойдаланувчи солиқ тўловчи корхоналар сонининг йиллик ўсиши эса 2018 йилда 102,3%ни ташкил қилган.



2.13-расм. Жисмоний шахслар сони ва мавжуд имтиёзлар йиллик динамикаси¹¹⁰.

Шуни таъкидлаш жоизки, солиқ имтиёзлари тизими жисмоний шахсларни солиққа тортишда горизонтал ва вертикал тенглик тамойилларига риоя қилиш билан боғлиқ зиддиятларни кучайтирмоқда.


¹⁰⁹ Масалан: Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 23 декабрдаги ЎРҚ-359 ва 2016 йил 27 декабрдаги ЎРҚ-417-сонли Қонунлари асосида имтиёзларни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни мисол сифатида келтириш мумкин.

¹¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

Маълумки, замонавий иқтисодий маконда мавжуд оптимал солиқ тизими бир хил даромадга эга бўлган ёки турли даражадаги даромадларга асосланган солиқ тўловчилар учун ижтимоий адолат принципларига асосланган солиқ режимини шакллантириш ҳисобланади. Ушбу солиқ тизими аввало солиқ тўловчилар томонидан давлат бюджетига солиқ тўловларининг тўлашдан иштиёқларининг иқтисодий асосини ташкил қилади. Ушбу жиҳатдан кўриб чиқадиган бўлсак, жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимидаги яна бир муаммолардан бири бир хил даромадга эга бўлган солиқ тўловчи жисмоний шахсларга нисбатан бир хил ёндашувдаги солиқ режимининг амал қилмаслигини ифодаловчи горизонтал тенгсизликнинг мавжудлигидир. Шунингдек, турли даражадаги даромадларга эга бўлган солиқ тўловчи жисмоний шахсларга нисбатан бир хил солиқ режимининг амал қилиши натижасида эса вертикал тенгсизликнинг вужудга келишини кузатишимиз мумкин (2.14-расм).

Ушбу 2 мезон асосидаги тенгликни мутаносиб таъминлаш таъминлари билан боғлиқ муаммоларни жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича белгиланган имтиёзлар тизимида кўришимиз мумкин. Амалдаги Солиқ кодексининг 180-моддасида айрим соҳа вакиллари соҳага оид иш фаолиятдан тушадиган даромадлари бўйича солиқдан озод этиш механизми ва уни жорий қилишда маълум муаммолар мавжуддир.



2.14-расм. Солиқ соҳасида тенглик таъминланишининг мезонлари.¹¹¹

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси мудофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазириликларининг, Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари, ички ишлар органлари ҳамда божхона органларининг оддий хизматчилари ва бошлиқлари таркибига кирувчи шахслар, шунингдек ўқув ёки синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар — хизматни ўташ (хизмат вазифаларини бажариш) муносабати билан олган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўловлар суммалари бўйича солиқдан тўлиқ озод қилинган.

¹¹¹ Воҳид Ўриновнинг “Солиқ юки: даромадлар тенг, аммо...” номли мақоласи асосида муаллиф томонидан шакллантирилган. (*“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси, 2018 йил 24 май, 21 (759)*)

**Жисмоний шахсларни солиққа тортиш:
назария ва амалиёт**

Шунингдек, судьялар, прокуратура органларининг мансаб даражаларига эга бўлган ходимлари ҳам солиқдан озод қилинган.

2.16-жадвал. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 180 моддаси, 1-қисм, 6-7 бандлари бўйича имтиёз ҳисобланган солиқ агентлари ва ҳисобланган имтиёз тўғрисида маълумот¹¹²

Кўрсаткичлар	2013й.	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.
Имтиёз ҳисобланган солиқ агентлари сони, дона	47	47	46	47	47	47
Ҳисобланган имтиёз, млрд. сўм	4,6	5,1	1,4	3,2	3,9	4,7

2.16-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, ушбу бандга биноан имтиёз ҳисобланаётган солиқ агентларининг сони 2013 йилда 47 тани ташкил қилиб, ҳисобланган имтиёз суммаси 4,6 млрд. сўмни ташкил қилган. 2018 йилга келиб имтиёз ҳисобланаётган солиқ агентлари сони 47 тани ташкил қилиб, қўпайиб ҳисобланган имтиёзнинг қиймати 4,7 млрд. сўмни ташкил қилган.

Маълумки, ушбу соҳалар бюджетдан молиялаштирилади. Шунинг учун ҳам солиқдан озод қилиш молия тизими барқарорлиги учун “учрашув молиявий оқимлар”¹¹³ муаммосини олдини олишнинг қулай механизмларидан бири ҳисобланиши мумкин. Лекин, ушбу имтиёз жамият тараққиёти учун салбий ижтимоий оқибатларига ҳам эга деб ҳисоблаймиз. Маълум касб соҳалар учун махсус имтиёзларнинг амал қилиши бошқа касб соҳалари учун дискриминацион тавсифга эгадир.

Албатта юқоридаги касб эгалари фаолияти маълум бир сиёсий хатарлар, ижтимоий-руҳий оқибатлари оғир бўлиши мумкин. Лекин, уларга нисбатан худди шундай оқибатлари мавжуд касбларнинг кенг спектри ҳам мавжуддир. Масалан, божхона органларининг оддий хизматчилари ва бошлиқлари таркибига кирувчи шахслар учун имтиёзнинг амал қилиши солиқ йўғадиган идоралар хизматчилари солиққа тортиш тизими шароитида юқоридаги муаммоларни келтириб чиқариши табиий ҳолдир.

Иккинчидан, С. Вохидов таъкидлаганидек, “Улар кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлайди. Лекин, айттайлик, шифокор, ўқитувчи ёки

¹¹² Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари.

¹¹³ “Учрашув молиявий оқимлар” бу маълум бир фонддан бериладиган молиявий ресурсларни айнан ушбу фондларга ажратмалар воситасидаги тескари траекторияга асосланган молиявий ресурслар ҳаракатига айтилади. Халқаро амалиётда такомиллашган молия тизимининг муҳим омилларидан бири тескари траекторияга асосланган молиявий ресурслар ҳаракатини минималлаштирилиши билан ҳам изоҳланади.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

қурувчи ҳам улардан кам меҳнат қилмайди-ку! Демак, жамиятда муҳим бўлмаган соҳа ёки касб мавжуд эмас”¹¹⁴-деган фикрларидан хулоса қилиш мумкин. Хусусан, таълим, соғлиқни сақлаш соҳасидаги меҳнат қийматининг юқорида тилга олинган касблар меҳнат қийматидан паст даражаси (масалан имтиёзлар таъсирида) жамият учун чуқур салбий ижтимоий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Демак, Солиқ кодексининг 180-моддаси 1 қисмининг 6, 7 бандлари касбий фаолият меҳнат қийматини тенглаштириш контекстида қайта кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидаги солиқ режимида мавжуд солиқ юкидаги тенгсизлик солиқ тўловларини сунъий камайтириш имкониятларини яратиб бермоқда. Хусусан, даромаддан олинадиган солиқ бўйича прогрессив солиқ ставкасининг амал қилиши ва юқори шкала бўйича ставканинг 22,5 % қилиб белгиланиши таъсисчи ва раҳбар персоналлар томонидан иш ҳақи шаклида эмас, балки дивиденд шаклида даромад олишга иштиёқни кучайтирмаслиги лозим. Чунки дивидендлардан тўланадиган солиқлар бўйича 10 %лик ставка шароитида дивиденд шаклида даромад олишга иштиёқни кучайтиради.

Солиқ кодексининг 179-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун (ўзининг ўқиши ёки йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ўқиши учун) йўналтириладиган суммаларидан солиқ имтиёзлари берилган.

Қонунчилик билан белгилаб қўйилган куйидаги чекловлар ҳисобига айрим аҳоли қатламлари ушбу имтиёздан фойдаланиш имкониялари чекланмоқда.

А) ёшидаги чеклов, яъни талабанинг ёши 26 ёшдан ошмаслиги;

Б) Тўлов – контракт йўналтирилган оила аъзоларини чекланиши.

2.17-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, республикамизнинг 47 та олий таълим муассасаларида жами 186,1 минг талаба таҳсил олиб, шундан 127,1 мингтаси тўлов контракт асосидаги таълим хизматларидан фойдаланмоқда.

¹¹⁴ Воҳид Ўринов “Солиқ юки: даромадлар тенг, аммо...” номли мақоласи (“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси, 2018 йил 24 май, 21 (759))

**Жисмоний шахсларни солиққа тортиш:
назария ва амалиёт**

2.17-жадвал. Республикадаги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар тўғрисидаги маълумот¹¹⁵

Таълим муассасалари сони	Таълим олаётган талабалар сони (бакалаврият ва магистратура)	Тўлов-контракт асосида таълим олаётган талабалар сони (бакалаврият ва магистратура)	Шундан		
			26 ёшгача бўлган талабалар сони	26 ёшдан ошган талабалар сони	Таҳсил олиш билан бирга меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган талабалар сони
47	186 068	127 157	109 369	17 788	5 097

Тўлов контракт асосида таҳсил олаётган талабаларнинг 109,4 мингтаси 26 ёшгача бўлса, 17,8 мингтаси 26 ёшдан ошган талабаларга тўғри келади.

Қонунчилик билан белгилаб берилган талабанинг ёшидаги чеклов сабабли республикамиздаги 47 та олий таълим муассасасидаги 17,8 минг нафар (контракт асосида таҳсил олувчи талабаларнинг 14 фоизи) талабанинг ота-онаси жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёздан фойдалана олмаяпти.

Ҳозирги кунда республика бўйича 47 та олий таълим муассасасида контракт асосида таҳсил олувчи талабаларнинг 26 ёшгача бўлгани 109,4 минг нафарни ташкил этиб, шундан бор йўғи 16,6 мингтаси (15,1 фоизи) имтиёздан фойдаланмоқда холос.

Фикримизча, аҳолининг солиқ солинадиган даромадларини камайтириш тарзидаги имтиёزلарни такомиллаштириш мақсадида солиқ қонунчилиги бўйича имтиёзни беришда олий ўқув юртида таҳсил олаётган талабаларнинг ёшига нисбатан белгиланган чекловларни бекор қилиш ва таҳсил олаётган талабанинг яқин қариндошларига (ака-ука, опа-сингил ва турмуш ўртоғи) ҳам тўлаган тўлов контракт суммалари бўйича даромад солиғидан имтиёزلарни татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда аҳолининг солиқ солинадиган даромадларини камайтириш тарзидаги имтиёزلарни такомиллаштириш мақсадида солиқ қонунчилиги бўйича имтиёзни беришда олий ўқув юртида таҳсил олаётган талабаларнинг ёшига нисбатан белгиланган чекловларни бекор қилиш ва таҳсил олаётган талабанинг яқин қариндошларига (ака-ука, опа-сингил ва турмуш ўртоғи) ҳам тўлаган тўлов контракт суммалари бўйича даромад солиғидан имтиёزلарни татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

¹¹⁵ Республикадаги олий таълим муассасаларидан олинган маълумот бўйича муаллиф томонидан тайёрланган.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

2. Мамлакатимиз табиий географик шароитларга кўра, Марказий Осиёдаги жуда қулай ҳудудлардан бири ҳисобланади. Мамлакатимиз айрим ҳудудларининг тоғли, қир-адирли, кенглик ва текисликлардан иборатлиги уларда туризм, аҳолини соғломлаштириш бўйича хизматлар кўрсатишда катта имкониятларни туғдиради. Бу ўз навбатида замонавий шароитларда хизмат кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш, уни мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улушини янада ортиштириш орқали замонавий шароитдаги ишловларнинг стратегик масалалари ҳисобланган ҳудудлар иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, аҳолининг бандлигини ошириш, уларнинг истеъмол талабини янада юксалтириш билан бир қаторда ҳудудлар солиқ салоҳиятини юксалтириш орқали давлат бюджетига потенциал даромадларни шакллантириш имкониятларини вужудга келтиради.

Бизнинг фикримизча, тоғли ва сув бўйларида жойлашган турар жойларни ижарага бериш билан даромад олувчи жисмоний шахсларга қонуний енгиллик яратиш мақсадида, фақат мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахсларга енгиллик тариқасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги “Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 6-сонли қарордаги рўйхатга қўшимча банд киритиб, яқка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолият юритса солиқ базаси кенгайди, тадбиркорлик фаолиятининг ушбу тури бўйича даромад олувчи қонуний ишлашини таъминлаш имкониятлари шакллантирилади.

2-боб бўйича хулосалар

1. Тадқиқотнинг кўрсатишича, республикамизда аҳоли даромадлари йилдан-йилга мунтазам ошиб бормоқда, айниқса, аҳолининг мулкий даромадлари юқори ўсиш суръатларига эга бўлган. Мазкур ҳолатни мамлакатимизда олиб борилаётган хусусий мулкни ҳимоялаш ва мулкдорларни рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларнинг натижаси деб қараш мумкин. Лекин ёлланма меҳнат фаолиятдан олинадиган даромаднинг аҳоли даромадлари таркибидаги юқори салмоғи жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиғининг фискал аҳамиятини юқори даражасини таъминланишига олиб келмоқда.

2. ЯХМ ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқларнинг танланма корреляцион боғлиқлиги таҳлил қилинди. Шакллантирилган регрессион тенгламага мувофиқ ҳудудларда шакллантирилган ЯХМ ва даромаддан тўланадиган солиқлар ўртасида кучли боғлиқлик мавжудлиги аниқланди. Жисмоний шахслар тўлайдиган реал ва рента тавсифидаги солиқлар эса ушбу солиқларнинг манбаи аҳоли даромади эканлигини инobatга олган ҳолда солиқ қарздорлиги кўрсаткичи ҳисобига ЯХМ билан боғлиқлик мавжудлиги асосланди.

3. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидаги ислохотлар натижасида уларни белгиланган меъёрий ажратмалар орқали турли даражадаги бюджетлар даромадларини шакллантириш воситасида ялпи миллий даромадни ҳудудлар ўртасида қайта тақсимлашнинг самарали усуларидан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

4. Кейинги йилларда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидаги ислохотларнинг концептуал асосларида қуйидаги принциплар масалалар устувор аҳамият касб этмоқда:

– жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидаги ислохотлар натижаси ўлароқ, аҳолининг шахсий тасарруфидаги даромадларининг изчил ортиши ва уларнинг турмуш фаровонлигини оширилиши кузатилмоқда;

– жаҳонда кузатилаётган глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг навбатдаги тўлқини шароитида истеъмол талабининг пасайиб бориши шароитида республикамизда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидаги ислохотлар аҳолининг истеъмол талабини рағбатлантиришда муҳим фискал омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бу ўз навбатида ички истеъмол талабининг юксалишига ва пировард натижада, мамлакат иқтисодиётининг ички имкониятлар ҳисобига ривожланиши учун шарт – шароит яратилиши имконият туғдирмоқда.

3-БОБ. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.

3.1. Аҳоли даромадларини солиққа тортиш тизими билан боғлиқ муаммолар ва уларни бартараф қилиш имкониятлари.

Юқоридаги бобларимизда кўриб ўтганимиздек, миллий иктисодиётда кузатиладиган макроиктисодий барқарорлик ва изчил иктисодий суръатларини таъминлаш давлат ва хўжалик субъектлари билан бир қаторда уй хўжалиklarининг даромадлари, истеъмол ва жамғариш кўрсаткичлари ҳамда уларнинг турмуш фаровонлигининг изчил ортиб боришига ҳам боғлиқ бўлмоқда.

Ҳар қандай давлат кучли фуқаролик жамиятини барпо этар экан ўз олдига иктисодиётни инкирозларсиз ўсишини таъминлаш, инфляциянинг олдини олиш, нарх-наво барқарорлигини сақлашга эришиш каби масалалар билан бир қаторда мамлакатда ишсизликни камайтириш, аҳоли даромадларини инфляциядан паст бўлмаган даражада изчил ошириш, аҳоли даромадлари ўртасидаги тенгсизлик даражасини пасайтириш каби макроиктисодий чора тадбирлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан 2017 йил 7 февралда қабул қилинган¹¹⁶ “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг 4-устувор йўналишларида аҳолининг реал пул даромадларини ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилалар сонини ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиш даражасини янада камайтириш масалалари қўйилган бўлиб, ушбу вазифа солиқ тизими ва хусусан, жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ ислохотларда янги вазифаларни белгилаб беради.

Замонавий шароитларда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи юқорида тилга олинган яқин истиқболга мўлжалланган ислохотлар самарали ижросини таъминлашда ечимини кутаётган бир қатор муаммоларга эгадир.

1. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизими юқори даражадаги солиқ юки шароитида реал даромадларни барқарор даражасини таъминлаш нуқтаи-назардан оптимал даражани ташкил этмайди.

Аҳоли пул даромадлари ва харажатлари баланси маълумотларига кўра, 2017 йилда республика бўйича номинал пул даромадлари изчил равишда ўсиб борди. Лекин шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, аҳоли пул даромадларининг ўсиши, улар зиммасидаги солиқ юкининг пасайиши ҳисобига эмас, балки асосан иш ҳақининг ва ижтимоий трансфертларнинг ошиши ҳисобига таъминланди. Натижада, аҳоли пул даромадлари таркибида иш ҳақининг улуши ва ижтимоий трансфертларнинг улуши ўсиб борди.

¹¹⁶ “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони. Тошкент, 2017 йил, 7 февраль.

**Жисмоний шахсларни солиққа тортиш:
назария ва амалиёт**

3.1-жадвал. Ўзбекистон Республикаси ва ҳудудлар кесимида аҳолининг реал умумий даромадлари тўғрисида маълумот (млрд. сўм)¹¹⁷

Худуд номи	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
Ўзбекистон Республикаси	94882	110688.6	125094.5	143634.6	170117.6
Қорақалпоғистон Республикаси	3919.9	4691.0	5394.5	5833.2	6950.2
Андижон	8329.4	9777.1	10581.5	12013.9	14785.7
Бухоро	6624.5	7742.6	8556.0	9714.0	11438.6
Жиззах	2779.1	3330.9	3908.2	4361.1	5060.7
Қашқадарё	7610.6	8895.6	10030.1	11542.3	13368.6
Навоий	4507.6	5333.3	6252.2	7035.4	7906.1
Наманган	5645.0	6678.5	7419.3	8589.6	10486.4
Самарқанд	9377.7	10787.2	12059.1	13842.0	16684.6
Сурхондарё	5754.1	6821.5	7438.4	8623.5	10656.3
Сирдарё	2535.3	2925.6	3360.5	3847.7	4325.2
Тошкент	8964.3	10537.9	12150.6	13873.2	15800.9
Фарғона	9028.7	10511.3	11665.6	13247.4	15497.2
Хоразм	5033.7	5776.6	6308.0	7144.8	8963.4
Тошкент ш.	14772.1	16879.5	19970.5	23966.5	28193.7

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, Ўзбекистон Республикасида аҳолининг реал умумий даромадлари 2013 йилда 94882 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2017 йилга келиб ушбу кўрсаткич 170117,6 млрд. сўмни ташкил қилган. Аҳолининг реал умумий даромадларида ҳудудлар кесимида юқори кўрсаткич Тошкент шаҳри, Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятларини кўришимиз мумкин. Ушбу ҳудудларда аҳолининг реал даромадларининг юқори улуши кузатилиши билан бирга 2013-2017 йилларда юқори ўсиш суръати ҳам кузатилган.

¹¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

**Жисмоний шахсларни солиққа тортиш:
назария ва амалиёт**

3.2-жадвал. Аҳоли реал даромадларини шаклланишида хуудларнинг улуши¹¹⁸ (Республика бўйича жамига нисбатан фонзда)

Хуудлар номи	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
Қорақалпоғистон Республикаси	4.1	4.2	4.3	4.1	4.1
Андижон	8.8	8.8	8.5	8.4	8.7
Бухоро	7.0	7.0	6.8	6.8	6.7
Жиззах	2.9	3.0	3.1	3.0	3.0
Қашқадарё	8.0	8.0	8.0	8.0	7.9
Навобий	4.8	4.8	5.0	4.9	4.6
Наманган	5.9	6.0	5.9	6.0	6.2
Самарқанд	9.9	9.7	9.6	9.6	9.8
Сурхондарё	6.1	6.2	5.9	6.0	6.3
Сирдарё	2.7	2.6	2.7	2.7	2.5
Тошкент	9.4	9.5	9.7	9.7	9.3
Фарғона	9.5	9.5	9.3	9.2	9.1
Хоразм	5.3	5.2	5.0	5.0	5.3
Тошкент ш.	15.6	15.2	16.0	16.7	16.6
Республика бўйича	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0

Аҳоли даромадларини изчил ошириш контекстидаги 2017 йилда амалга оширилган ислохотларда фискал инструментлар каторида давлат харажатларининг ҳиссаси солиқ тизимига нисбатан юқори бўлмоқда.

3.2-жадвалдан кўришимиз мумкинки, жами аҳолининг реал даромадларини 100% деб ҳисобланганда Тошкент шаҳрининг улуши 2013 йилда 15,6%ни ташкил қилган бўйича 2017 йилда 16,6%га ўсиб борган. 2013 йилда Самарқанд вилоятида жамига нисбатан 9,9%, Тошкент вилоятида 9,4%ни, Фарғона вилоятида 9,5%ни ташкил қилган. 2017 йилга келиб эса ушбу хуудларнинг аҳолини жами реал даромадларидаги улушида нисбатан пасайиш тененцияси кузатилмоқда. Хусусан, 2017 йилда Самарқанд вилоятида жамига нисбатан 9,8%, Тошкент вилоятида 9,3%ни, Фарғона вилоятида 9,1%ни ташкил қилган. Аҳоли реал даромадларида Сирдарё, Жиззах вилоятлари, ҚҚР улуши паст даражада қолмоқда.

Аҳоли даромадларини хуудий тақсмотидаги тафовут жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича бюджетга тушумларнинг юқори даражадаги хуудий тафовутнинг мавжудлигини тасдиқлайди.

Аҳолининг умумий даромадлари таркибида меҳнат фаолиятдан олинадиган даромадларнинг салмоғи юқори бўлмоқда. Буни қуйидаги расм маълумотларидан кўришимиз мумкин (3.1-расм).

¹¹⁸Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт



3.1-расм. Ўзбекистон Республикасида аҳоли умумий даромадларининг таркиби¹¹⁹, фонзда

3.1-расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2010-2017 йиллар мобайнида аҳоли умумий даромадларида меҳнат фаолиятдан олинадиган даромадлар 66,6-74,4 % диапазонида тебранган. Демак, асосий даромад манбаи меҳнат фаолиятдан олинадиган даромадлар ҳисобланмоқда. Лекин, иш ҳақи фондидан солиқлар ва мажбурий ажратмаларнинг 3 босқичли тизими шароитида солиқ юки 39,5 %-49,5 % диапазонида тебранади.



3.2-расм. 2018 йил ҳолатига иш ҳақи фондидан солиқлар ва мажбурий тўловлар таркиби ва тузилмаси.¹²⁰

Демак, Республика бўйича ўртача солиқ юкининг 20-25 % атрофидаги тебраниши шароитида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи юкини изчил пасайтириш контекстида ислохотларни чуқурлаштириш талаб қилинади.

¹¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

¹²⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

2. Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш тизими аҳоли кенг ижтимоий қатламини истеъмол таркиби ва сифатини яхшилашга позитив таъсир кучига эга бўлиши зарур.

Маълумки, аҳолининг шахсий тасарруфидаги даромадларининг харид қобилияти, унинг динамик ўзгариши истеъмол ва жамғаришга чегаравий мойилликни ўзгаришига таъсир этади. Амалдаги аҳоли даромадларини прогрессив солиққа тортиш тизими ҳам иш ҳақининг паст даражадаги номинал қиймати қаторида аҳолининг истеъмол харажатлари таркибига таъсир этмоқда. Хусусан, истеъмол харажатларининг таркибида ноозик-овқат маҳсулотларга харажатлар улуши 2000 йилда 25,8 %дан то 2017 йилга келиб 37,8 %гача ўсиб борган.

3.3-жадвал. Ўзбекистон Республикасида 2000-2017 йилларда аҳоли истеъмол харажатларининг таркибий ўзгариши (фоизда)¹²¹

Номи	2000	2005	2010	2016	2017
Озик-овқат маҳсулотлари	61,4	58,2	53,2	47,3	47,2
Озик овқат маҳсулотларига харажатлар улушининг мутлақ ўзгариши		-3,2	-5	-5,9	-0,1
Ноозик овқат маҳсулотлари	25,8	25,7	26,9	32,3	37,8
Ноозик-овқат маҳсулотларига харажатлар улушининг мутлақ ўзгариши		-0,1	1,2	5,4	5,5
Хизматлар	12,8	16,1	19,9	20,4	20
Хизматларга харажатлар улушининг мутлақ ўзгариши		3,3	3,8	0,5	-0,4

Ноозик-овқат маҳсулотларига харажатлар улушининг мутлақ ўзгариши динамикасида ҳам кўришимиз мумкинки, биргина 2017 йилда 2016 йилга нисбатан ўзгариш суръати 5,5 % ни ташкил қилмоқда (3.3-жадвал).

Лекин, истеъмол таркибидаги озик-овқат маҳсулотларига харажатларнинг амалдаги ҳолати ва динамик ўзгариши Энгел Қонуни мезонлари бўйича аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлаш нуктаи назардан талаб даражасида эмасдир¹²². Буни қуйидаги ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, Энгел қонунига кўра аҳоли даромадларининг ўсиш суръати истеъмолдаги озик-овқат маҳсулотларига харажатларнинг улушини пасайиши билан пропорционал нисбатда ўзгариши зарур. Биз таҳлил қилаётган 3.3-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, аҳоли

¹²¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

¹²² Словарь современной экономической теории Макмиллана. Пер с англ. яз. -М.: Инфра-М, 2003.- 608 с.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

даромадларининг ўсиш суръатига нисбатан, озиқ-овқат маҳсулотларига харажатларнинг истеъмолдаги пасайиш суръати суғ бўлган.

Иккинчидан, Энгел қонунида белгиланган мезонларга кўра, жами истеъмолдаги озиқ-овқат маҳсулотларига харажатларнинг 2017 йилга келиб 47,2 %ни ташкил қилиши турмуш фаровонлиги нуқтаи-назардан аҳоли даромадларининг барқарорлигини ифодаламайди.

Ушбу кўрсаткични ривожланган мамлакатлар ёки тез суръатларда ривожланаётган мамлакатларга солиштириш фикримизнинг яққол далили ҳисобланиши мумкин (3.4-жадвал).

3.4-жадвал. Дунёнинг айрим мамлакатлари аҳолиси истеъмоли таркибида озиқ-овқат маҳсулотларига харажатларнинг улуши

№	Давлатлар номи	Улуш, %
1.	АҚШ	6,5
2.	Германия	10,6
3.	Франция	13,6
4.	Хитой	25,5
5.	Россия	29,4
6.	Покистон	41,4

3.4-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, ривожланган мамлакатларда аҳоли истеъмоли таркибида озиқ-овқат маҳсулотларига харажатларнинг улуши 15 % га ҳам етмайди.

Хитой ва Россия каби ривожланаётган мамлакатларда ушбу кўрсаткич 25-30 % атрофида тебранмоқда.

Юқоридаги ҳолатлар яқин истиқболда республикаимиз аҳолисининг даромадларини изчил ошириш билан боғлиқ ислохотлар контекстида улар зиммасидаги солиқ юкини кескин пасайтиришга йўналтирилган ислохотларни амалга оширишни тақозо қилади.

3. Жисмоний шахслар даромадларини прогрессив солиққа тортиш тизими аҳоли ижтимоий қатламлари ўртасидаги даромадлар тенгсизлигини мувозанатлаштиришда муҳим рол ўйнаса-да, истеъмол таркиби ва жамғариш нормасига макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш нуқтаи-назардан позитив таъсир этмайди.

Маълумки, аҳоли даромадларини прогрессив ёки текис солиққа тортиш тизими 2 асосий масала негизидаги зиддият платформасида шаклланадиган танловга асосланади: биринчиси, иқтисодий самарадорлик; иккинчиси, даромадлар тенгсизлигини мувозанатлаштириш (тенглаштириш). Даромадлар тенгсизлигини мувозанатлаштириш прогрессив солиққа тортиш тизимининг пировард мақсади ҳисобланиб, ушбу солиққа тортиш режимида

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

юқори иқтисодий ўсиш ва иқтисодий самарадорликни таъминлашдан аҳоли қатламининг иштиёқи қўллаб-қувватланмаслиги ва меҳнат унумдорлигини юқори фискал босим шароитида паст бўлиши эътироф этиб ўтилади¹²³.

Текис (пропорционал) солиққа тортиш тизимида эса аксинча, жамғариш нормасининг юқори даражасида инвестицион фаолликнинг юксалиши кузатилиб, бунда меҳнат унумдорлиги рағбатлантирилади. Лекин, даромадлар ўртасидаги тенгсизликнинг кучайиш rischi кузатилади. Умуман ушбу прогрессив ва текис солиққа тортиш тизимининг позитив ва негатив жиҳатларига асосланган ҳолда иқтисодий мактаб намоёндаларининг қарашлари бўйича ҳам икки гуруҳга ажратилади.

3.5-жадвал. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига оид илмий қарашларнинг концептуал асослари¹²⁴

№	Талаб иқтисодиёти тарафдорлари	Таклиф иқтисодиёти тарафдорлари
1.	Кейнсчилик мактаби (Ж. Кейнс ва унинг издошлари)	Неоклассиклар (У. С. Жевонс ва Л. Вальрас (математик мактаб), Ж. Б. Кларк (Америка мактаби), Ирвинг Фишер, А. Маршалл ва А. Пигу (Кембриж мактаби), А. Лаффер (Таклиф назарияси) ва уларнинг издошлари)
2.	Даромадларни прогрессив шаклда солиққа тортиш тизими тарафдорлари	Даромадларни текис (ягона ставкада) солиққа тортиш тарафдорлари
3.	Даромадларни прогрессив солиққа тортиш тизими даромадлар тенгсизлигини мувофиқлаштиради	Даромадларни текис солиққа тортиш тизими иқтисодиётни инновацион ривожланиш тизимининг муҳим молиявий усули ҳисобланади
4.	Истеъмол ва жамғариш нормасига шахсий тасарруфидаги даромаднинг ўзгариши кучли таъсир этади	Истеъмол ва жамғариш нормасига фоиз ставкасининг ўзгариши кучли таъсир этади

Кўриниб турибдики, Ж. Кейнс ва унинг издошлари даромадларни прогрессив шаклда солиққа тортишнинг тарафдорлари ҳисобланиб, солиқлар аввало аҳолининг ижтимоий қатламлари ўртасидаги даромадларни мувозанатлаштириш вазифасини бажариши лозимлиги эътироф этиб ўтилади.

Неоклассиклар ёки таклиф назарияси тарафдорларининг фикрича текис солиққа тортиш тизими аҳолининг юқори даражадаги даромадга эга бўлган қатлами шахсий тасарруфидаги даромадларининг ортишини таъминлайди.

Натижада юқори даражадаги жамғариш нормасининг кузатилиши шароитида уларни инвестицияларга трансформациялашуви иқтисодиётни

¹²³ Kaldor Nicolas Alternative theories of distribution / Journal Review of economic studies,(23(2)),1956.-pp.83-100.


¹²⁴ Жадвал муаллиф томонидан тизимлаштирилган.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

инновацион ривожланиш тизимининг муҳим молиявий манбаини шакллантириб беришини эътироф этиб ўтилади.

Бизнинг фикримизча, замонавий шароитларда миллий иқтисодиёт тараққиётини ҳаракатга келтирувчи куч том маънода айтилганда “Ялпи талаб” ҳисобланиб, прогрессив солиққа тортиш тизими ялпи талабни рағбатлантиришда мултипликатив самарага эгадир. Буни 2 ҳолатда кўришимиз мумкин. Биринчидан, паст ва ўртача даражадаги аҳоли қатламини нисбатан паст даражада солиққа тортиш тизимини ўзида мужассамлаштирувчи прогрессив солиқ тизими уларнинг истеъмол талабини рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Чунки уларнинг аксарияти биринчи бобимизда кўриб ўтилган Ж. Кейнснинг психологик қонунига кўра шахсий тасарруфидаги даромадларини истеъмол товарларини харид қилишга сарфлайди. Қолаверса ушбу қатлам аҳолининг шахсий тасарруфидаги даромадларини нафлигининг нисбатан юқорилиги натижасида истеъмол талаби асосан маҳаллий товарларга қаратилади. Бу борада, А. Маршаллнинг “Бир Шиллинг камбағалга келтирадиган бахт, бойга келтирадиган бахтдан бениҳоя кўпдир”¹²⁵ - деб таъкидлаган эди. Бунда асосан камбағалга пасайтирилган солиқ сифатида қоладиган Шиллингнинг бой аҳоли қатлами ихтиёрида қоладиган Шиллингга нисбатан нафлилиги назарда тутилган.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, мустақиллик йилларида республикада амалда бўлган жисмоний шахсларни даромадларини солиққа тортиш тизими асосан даромадларни тенглаштиришга қаратилган бўлиб, натижада Жини¹²⁶ коэффиценти бўйича республикада аҳолисининг даромадлари нисбатан мувозанатли тақсимланиши таъминланди.



3.3-расм. Даромадларнинг тақсимланиш графиги.

¹²⁵ Маршалл А. Принципы экономической науки: в 3 т. – М.: Инфра-М., 1993. – 217 с.

¹²⁶ 1912 йилда италян статистиги Коррадо Жини Лоренц эгри чизигини алгебраик интерпретациясини ишлаб чиққан ва ушбу коэффицент унинг номи билан аталади.

**Жисмоний шахсларни солиққа тортиш:
назария ва амалиёт**

Даромадларнинг аҳоли ижтимоий қатламлари ўртасида тақсимланишини ифодаловчи Жини коэффиценти $0 \leq K_{ж} \leq 1$ оралиқда бўлади. Жини коэффиценти 0 га тенг бўлганда даромадлар аҳоли орасида теппа-тенг тақсимланади ёки 1 га тенг бўлганда барча даромадлар битта шахс тасарруфида бўлади. Бу ҳолатлар гипотетик тавсифга эга бўлиб, коэффицентнинг критик мезонларига асосланган тақсимланиш амалиётда кузатишмайди. Жини коэффицентини ҳисоблаш формуласи қуйидагича ифодаланади:

$$K_{ж} = S_1 / (S_1 + S_2) \quad (3.1)$$

Ушбу коэффицентнинг камайиши жон бошига тақсимланадиган аҳоли даромадларининг табақаланишини сезиларли даражада камайишидан далолатдир.

2000-2017 йиллар бўйича кенг дискрет интерваллар оралиғида Жини коэффиценти пасайиб борганлигини кузатишимиз мумкин. Хусусан, 2000 йилда -0,39, 2010 йилда -0,31, 2011-0,31, 2012-0,30, 2013-0,31, 2014-0,30, 2015-0,29, 2016-0,28, 2017 йилда эса -0,28 ни ташкил этган.

Ушбу коэффицент асосида даромадларни аҳолининг ижтимоий қатламлари ўртасида тақсимланиш чизиғининг аниқлашни кўриб чиқамиз. Даромадлар аҳоли ўртасида тақсимланиши тенг бўлганда ушбу эгри чизик биссектрица сифатида кесиб ўтади. Демак, Тўғри бурчакли учбурчакнинг юзаси S ни ташкил қилади. Биссектрица даромадларни аҳоли ижтимоий қатламлари ўртасида тенг тақсимланишини англатади. Аҳолининг ижтимоий қатламлари ўртасида даромадларни тақсимланиш тенгсизлигини ифодаловчи эгри чизик АҚШлик иқтисодчи Макс Лоренц томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унинг номига Лоренц чизиғи деб номланади.

Ушбу эгри чизик ташкил қилувчи юзани аниқ интеграллардан фойдаланиб, яъни 0 ва 1 интервални ташкил қилувчи функционал эгри чизикнинг юзасини ҳисоблаймиз:

$$S_1 = \int_0^1 (x - x^n) dx = \frac{x^2}{2} - \frac{x^{n+1}}{n+1} \Big|_0^1 = \left(\frac{1^2}{2} - \frac{1^{n+1}}{n+1} \right) - \left(\frac{0^2}{2} - \frac{0^{n+1}}{n+1} \right) = \frac{n-1}{2(n+1)} \quad (3.2)$$

Тўғри бурчакли учбурчакни кесувчи эгри чизик ташкил қиладиган иккинчи юза қуйидагича аниқланади:

$$S_2 = \frac{1}{2} - \frac{n-1}{2(n+1)} = \frac{1}{n+1} \quad (3.3)$$

Аҳоли ижтимоий қатламлари ўртасидаги даромадлар тақсимланишини ифодаловчи Жини коэффицентини ҳисоблаш учун:

$$K_{ж} = \frac{\frac{n-1}{2(n+1)}}{\frac{n-1}{2(n+1)} + \frac{1}{n+1}} = \frac{n-1}{n+1} \quad (3.4)$$

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

3.4-формула асосида 2017 йилги Жини коэффициентининг даражаси 0,28 ни ташкил қилганда, Лоренц эгри чизигининг x кесишув функциясининг даражаси қуйидагига тенг бўлади:

$$n = 1,77$$

Лоренц эгри чизигининг кесишув функцияси қуйидаги ифодани ташкил қилади:

$$y = x^{1.77}$$

Жини коэффициентидан кўриниб турибдики, аҳолининг ижтимоий қатламлари ўртасидаги тенгсизликнинг минималлаштирилиши кузатилаётган бўлиб, унда жисмоний шахслар даромадларини прогрессив солиққа тортиш тизими муҳим рол ўйнайди. Даромадларни тенглаштириш мамлакатдаги иқтисодий самарадорлик билан тескари ўзаро боғлиқлик бўлади. Лекин, шуни таъкидлаш жоизки жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишнинг амалдаги ставкаси иқтисодий самарадорлик ва ижтимоий тенглик мезонлари контекстида оптимал даражада эмас. Чунки юқори таъминланган аҳоли қатлами учун юқори солиқ ставкаси уларнинг инвестицион фаоллиги учун жамғариш нормасини юксалтиришдан манфаатдорлигини сўнишига олиб келади.

Демак, яқин истиқболда солиқ тизимини ислоҳ қилишда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғида умумий кўламда солиқ юқини пасайтириш билан бирга прогрессив солиққа тортиш тизимидан текис (пропорционал) солиққа тортиш тизимига ўтказиш бўйича ислохотларни амалга оширишни тақозо қилади.

Амалдаги жисмоний шахсларни даромадларини солиққа тортиш тизими ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш натижасида яқин ва ўрта истиқболда ислоҳ қилишнинг концептуал асослари қуйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимиз солиқ тизими тараққиётида **жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиёти тадқиқига янгича ёндашув** зарур. Ҳозирги замон талаблари ва реал ҳаётининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётининг тадқиқига *янгича ёндашувнинг фундаментал асоси* шунга таянмоғи лозимки, унда иқтисодий модернизацияси ва либераллашуви ҳамда солиқ тизими модернизацияси шароитида янги солиқ сиёсати доирасида аҳоли турмуш фаровонлигини оширишнинг истиқболдаги вазифаларини ҳисобга олган ҳолда жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиёти тизимли тарзда тадқиқ этилиши ва унинг диққат марказида “ноқонуний даромад ва солиқ тўлаш базасини яширишга интилишдек” негатив амалиётга альтернатив тарзда солиқ тўловчиларнинг даромадларини онгли тарзда легаллаштиришга эришиш, “истеъмол-жамғариш”, “реал даромад ва аҳоли турмуш фаровонлигининг ўсиши” каби мутаносибликларни ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда уйғунлаштириш орқали унинг такомиллашган механизминини ишлаб чиқиш туриши лозим.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

Жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг самарали механизмини яратиш юзасидан бой хориж тажрибаларини ижобий ўзлаштириш зарур. Жаҳон солиқ амалиётининг бой ижобий тажрибаларидан келиб чиқиб, мамлакатимизда жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг “ижтимоий йўналтирилган” моделини қўллаш мос келади. Бунинг учун солиққа тортишда ижтимоий адолат тамойили устуворлиги, ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари бирламчи аҳамиятга эгаллиги асосида солиқ муносабатлари иштирокчилари ўзаро манфаатли фаолиятини таъминлашнинг солиқ органлари фаолияти учун ҳамда жисмоний шахслар фаолияти учун аҳамиятли бўлган янги мезонлари ва кўрсаткичларини, улардан фойдаланиш услубиётини ишлаб чиқиш лозим.

Аҳоли турмуш тарзини яхшилаш истиқболларига асосланган янги солиқ сиёсати асосида жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда **“жисмоний шахсларни адолатли солиққа тортиш”** тушунчаси мазмунига тизимли ёндашувга асосланган ҳолда бу соҳадаги *мавжуд камчиликлар* ёритилиши ва *уларни бартараф этиш юзасидан тадбирлар тизими* ишлаб чиқиши лозим.

Дарҳақиқат, амалдаги солиқ қонунчилиги ва давлат солиқ сиёсатида:

- ижтимоий адолат ва ижтимоий йўналтирилганликнинг аниқ белгилари, солиқ тўловчи учун солиқ тўлаш мажбурияти юзага келмайдиган яшаш учун даромаднинг минимал даражаси расмий белгилаб қўйилмаган;

- солиққа тортишни амалга ошириш билан давлат ўзи эришадиган ижтимоий мақсадларни аниқ ифодаламаётир;

- “эришиш лозим бўлган ёки намунали турмуш тарзи”ни аниқлаш ва уни ўлчаш мезонларида аниқлик йўқ.

Бунинг оқибатида, давлат солиқ сиёсати кўпроқ давлатнинг ижтимоий функциялари бажарилишини таъминлашга ҳамда ижтимоий адолат ва ижтимоий тенгликка эришишнинг стратегик вазифаларини ҳал этишга эмас, балки жорий фискал эҳтиёжларни қондиришгагина қаратилмоқда.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётида *давлатнинг ижтимоий йўналтирилган солиқ сиёсати янгича мазмунига* мос тарзда солиққа тортиш тамойилларини такомиллаштириш лозим. Солиқ муносабатлари иштирокчилари манфаатларини бирдай ҳисобга олиш, ижтимоий йўналтирилган солиқ сиёсати вазифалари ижросини таъминланишида аҳамиятли бўлган *янги тамойиллар* – **«иктисодий самарадорлик»**, **“даромадларнинг нафлилиги”**, **«ижтимоийликнинг устуворлиги»** зарурлиги асослаб берилиши лозим.

Таклиф этилаётган жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётини такомиллаштириш Концепциясининг махсус модели, аввало, мамлакатимизда солиқ тизими модернизациясининг бош мақсадига мувофиқ келади ҳамда “солиқ тўловчиларнинг даромадларини онгли тарзда легаллаштиришга эришиш”,

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

“истеъмол-жамғариш”, “реал даромад ва аҳоли турмуш фаровонлигининг ўсиши”, “инсон капитали тараққиётига рағбатлантирувчи таъсирни кучайтириш” каби мутаносибликларни ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда уйғунлаштиришга асосланиши лозимлигини тасдиқлайди.

3.2. Солиқ тизимини ислох қилишнинг замонавий шароитида жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини такомиллаштириш йўллари.

Давлат бюджети харажатларини молиялаштиришга йўналтирилган солиқларнинг барқарор тушумини таъминлашни, солиқ юқини изчил камайтириш негизида иқтисодий ўсишга эришишга позитив таъсир этувчи ўзаро уйғунлашган солиқ тизимини шакллантириш Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсати концепциясининг бош мақсадини ташкил қилади. Юқоридаги илмий ва амалий тавсифдаги комплекс тадқиқотларимиз натижасида, фикримизча, солиқ сиёсати концепцияси бўйича жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимининг янги модели қуйидаги принциплар масалаларга йўналтирилиши мақсадга мувофиқдир:


Биринчидан, текис шкалага асосланган пропорционал солиққа тортиш тизими горизонтал ва вертикал тенглик принциплари билан уйғунлашган ҳолда янги стандарт ва ижтимоий чегирмалар киритилишини талаб қилади;

Иккинчидан, текис (пропорционал) солиқ ставкаларини жорий қилиш контекстида умумий солиқ юқини қисқартириш ва солиқларни ҳисоблашни ихчамлаштиришга йўналтирилиши мақсадга мувофиқ;

Учинчидан, текис солиққа тортиш тизимида солиққа тортилмайдиган минимумни жорий этиш ва ушбу минимум ижтимоий ва стандарт чегирмаларга асосланиши мақсадга мувофиқ. Ушбу солиққа тортилмайдиган минимумга асосланган коэффицент натижасида давлат бюджети даромад имкониятларини нисбатан йўқотса-да, истеъмол харажатларини ортиши ҳисобига ялпи талабни рағбатлантириш омили бўлиб хизмат қилади.

Юқоридаги принциплар масалаларга асосланган ҳолда ЖШ даромадларини солиққа тортишнинг қуйидаги модели таклиф этилади.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт



3.4-расм. Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишни таклиф этилаётган моделнинг ташкилий тузилмаси.¹²⁷

Ушбу моделнинг хусусиятли жиҳати, биринчидан, горизонтал тенглик принциплари асосида амалдаги солиқ имтиёзларини инвентаризация қилиш, ислохотлар шарт шароитларидан келиб чиққан ҳолда янги имтиёзларни киритиш чора тадбирларини ишлаб чиқиш кўзда тутилади (Солиқ кодексининг 179, 180-моддалари);

Иккинчидан, текис (пропорционал) солиқ шкаласи шароитида айрим тоифадаги солиқ тўловчилар учун ижтимоий ва стандарт чегирмаларни киритиш чора-тадбирлари кўзда тутилади.

Белгиланган имтиёзларнинг манзиллилигини ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги таклифлар келтирилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 172-моддасига мувофиқ¹²⁸, иш берувчи билан меҳнатга оид муносабатларда бўлган ва тузилган меҳнат шартномаси (контракти)га мувофиқ ишларни бажараётган жисмоний шахсларга ҳисобланадиган ва тўланадиган барча тўловлар меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар деб эътироф этилади. Олий таълим муассасаларининг ишлаб чиқариш билан ўзаро интеграцион алоқаларини йўлга қўйиш контекстида профессор-ўқитувчилар индивидуал хўжалик шартномалари орқали илмий-инновацион, тажриба конструкторлик ишлари натижаларини реализация қилиш воситасида олинадиган даромадлари ҳам белгиланган тартибда солиққа тортилади. Лекин, ушбу даромадларнинг

¹²⁷ Муаллиф ишланмаси.

¹²⁸ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, 172-модда.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

ҳозирги статистик маълумотларга қўра қарийб 43-49 %ини уларнинг шахсий тасарруфидаги даромадлари сифатида эътироф этилиши аксарият профессор-ўқитувчилар томонидан индивидуал хўжалик шартномалари орқали илмий-инновацион, тажриба-конструкторлик ишлари натижаларини амалиётга реализация қилишдан иштиёқларини сўнишига олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги “Илмий-инновацион ишланма ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш чоратadbирлари тўғрисида”ги 24-сонли қарори 3 банди¹²⁹ (г) пунктда белгиланган вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш мақсадида Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари профессор-ўқитувчилар индивидуал хўжалик шартномалари орқали илмий-инновацион, тажриба конструкторлик ишлари натижаларини реализация қилиш воситасида шакллантириладиган даромадларини энг кам иш ҳақининг 12 баробари (1 йиллик фаолият натижасида= 12*ЭКИХ) миқдорида солиқ ва мажбурий тўловлардан тўлиқ озод қилиш тартибини киритиш зарур.

2. Бизга маълумки, Солиқ кодексининг 179-моддаси 30 ва 31 бандларига асосан:

- ёш оила аъзолари томонидан якка тартибда уй-жойни куриш, реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун ёки кўп квартиралли уйдаги квартирани реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун олинган ипотека кредитларини ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун;

- кишлок жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой куришни ушбу мақсадлар учун кредитлар бериш қонун ҳужжатларига мувофиқ зиммасига юклатилган банкларнинг кредитлари ҳисобидан амалга ошираётган курувчи шахслар, шунингдек уларнинг мазкур кредитлар бўйича биргаликдаги қарз олувчи бўлган оила аъзолари томонидан олинган ипотека кредитларини ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун;

- Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлирида таълим олиш учун (ўзининг ўқиши ёки йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ўқиши учун) йўналтириладиган даромадлари бўйича солиқ солинадиган **иш ҳақи ва бошқа даромадлари**дан чегирилиши тарзидаги имтиёз белгиланган.

Ушбу имтиёзлар бир қатор муаммоли ҳолатларни келтириб чиқаради. Булар куйидагилардан иборат:

Биринчидан, юқорида тилга олинган имтиёзларнинг (Солиқ кодексининг 179-моддаси 30-банди) муаммоли жиҳати шундаки, амалиётда солиқ тўловчиларнинг айнан қайси турдаги даромадларига имтиёз қўлланилиши мавҳум ва тизимли тавсифга эга бўлмаган. Ҳолбуки, Солиқ

¹²⁹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий-инновацион ишланма ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш чоратadbирлари тўғрисида” қарори. Тошкент ш., 2018 йил 12 январь, 24-сон

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

кодексининг 171-моддасига биноан жами даромад тушунчаси келтирилган бўлиб, ушбу даромадлар 4 асосий тоифага ажратилган. Булар:

- 1) меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар;
- 2) мулкий даромадлар;
- 3) моддий наф тарзидаги даромадлар;
- 4) бошқа даромадлар.

Ушбу тоифаларнинг ҳеч қайси бирида иш ҳақи шаклидаги даромадлар келтирилмаган, балки ушбу даромад туркумида “меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар” тушунчаси келтирилган. Қолаверса, бошқа даромадлари (Солиқ кодексининг 178-моддаси) жами даромадларнинг 4-туркумига тегишлидир.

Бизнинг фикримизча, Солиқ кодекси 179 моддасининг 30-бандидаги “иш ҳақи ва бошқа даромадлари” жумласини “жами даромадлар” жумласига алмаштирилиши ушбу имтиёзлардан фойдаланувчи солиқ тўловчилар гуруҳининг кенгайиши таъминланади. Фикримизча, ушбу тартиб бир қатор афзалликларга эгадир:

– турли тоифадаги даромад олувчи солиқ тўловчи жисмоний шахслар учун имтиёздан фойдаланиш имкониятлари кенгайди;

– имтиёздан фойдаланувчи солиқ тўловчининг манзиллиги таъминланади.

Иккинчидан, ҳозирги шароитда олий таълим муассасалари хизматларини бозор нархлари асосида тижоратлаштириш билан боғлиқ кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Натижада 2017 йилдан бошлаб тўлов-шартнома асосидаги ўқишга қабул қилиш бўйича чегаравий балдан паст балл тўплаган абитуриентларни “Супер контракт” асосида ўқишга қабул қилиш амалиёти жорий этилди. Фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун (Супер контракт) (ўзининг ўқиши ёки йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ўқиши учун) йўналтириладиган суммалари солиқдан озод қилиниши солиқ имтиёзларининг ижтимоий-адолатлилик принципларини бузилишига олиб келади.

3. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ (30 боб, 171-модда) жисмоний шахслар жами даромадларининг таркибида мулкий даромадлар ҳам келтирилган. Мулкий даромадларнинг таркибида мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар (Солиқ кодекси, 176-модда, 3 банд) келтирилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454-сонли қарорининг 25-иловасида 1 та автотранспорт воситаси учун ижара тўловининг энг кам миқдори енгил автомобиллари учун 330,0 минг сўм ва микроавтобуслар, автобуслар ва юк автомобиллари учун 645,0 минг сўмдан кам бўлмаслиги,

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

мазкур ставкалар жисмоний шахсларнинг мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларига солиқ солиш мақсадида қўлланилиши белгиланган. Жисмоний шахслар автотранспорт воситасини ижарага бериш ҳақидаги шартномани Давлат нотариал идораларда рўйхатдан ўтказишда ижарага олувчи ижара ҳақи сифатида ижарага берувчи жисмоний шахсга ҳар ойига белгиланган суммадан кам миқдорда ижарага бериш, ижара шартномасида ижара тўловидан олинмаган даромад солиғини даромадни олаётган ижарага берувчини ўзи тўлаши, шунингдек, шартномада кўрсатилган ижара тўловларини тўланмаганлиги натижасида тўлов манбаида ушланиб, бюджетга ўтказилиши лозим бўлган даромад солиғини ўтказилмасдан қолаётганлик ҳолатлар кузатишмоқда.

Маълумки, ҳудудларда қўшимча иш ўринларини яратиш, аҳолига кўрсатиладиган маиший-транспорт хизматлари сифатини стандартлаштириш ва ошириш мақсадида автотранспорт уюшмалари томонидан жисмоний шахсларга тегишли шахсий автотранспорт воситаларини ижарага олиш бўйича шартномалар тузиш амалиёти мавжуд. Натижада ижарага берган жисмоний шахсни уюшмага ишчи сифатида қабул қилиниб, ўз шахсий автомобилни уларнинг ўзларига бириктирилмоқда. Автотранспорт воситасини ижарага олган уюшма ва автотранспорт воситаси эгаси ўртасида норасмий келишув асосида транспорт воситаси ижара суммасини амалдаги белгиланган нормативдан кам миқдорларда тузилиши ва ҳаттоки ижара тўловларини умуман тўламаслик ҳолатлари юзага келмоқда. Тўлов манбаининг бўлмаслиги натижасида даромад солиғи бўйича тўловларни ҳам амалга оширилмаслик ҳолатларини кузатилишига олиб келмоқда.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда мулкий даромадларни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш бўйича қуйидагилар таклиф қилинади:

Биринчидан, 2017, 2018 йил учун жисмоний шахслар автомобил транспортидан олинмаган ижара тўловларининг минимал миқдорларини индексация қилиш зарур.

Маълумки, қатъий белгиланадиган ставкалар асосида ундириладиган солиқларда солиқ юкини реал бозор тамойиллари асосида тақсимлаш билан боғлиқ айрим муаммолар кузатилади. Улар бўйича солиқ тўловчилар ва давлат молиявий манфаатлари муштараклигида оптимал солиқ юкини шакллантириш ва солиқ тўловларини замон ва маконда тенг мутаносиб тақсимлаш учун йиллик инфляция омилар таъсирида индексация қилиб боришни тақозо этади (3.6-жадвал).

**Жисмоний шахсларни солиққа тортиш:
назария ва амалиёт**

3.6-жадвал. Жисмоний шахслар томонидан мулкни ижарага бериш учун ўрнатилган ижара тўловларининг минимал ставкаси¹³⁰

№	Ижарага бериладиган мулкнинг тури	Ойлик ижара тўловлари ставкасининг минимал миқдори, минг сўмда				
		2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.
1.1	Енгил автомобиль	220	220	220	330	330
1.2	Микроавтобуслар, автобуслар ва юк автомобиллари	430	430	430	645	645
2.	Республикадаги ўртача нархлар индекси (Ўтган йилнинг декабр ойига нисбатан)	106,1	105,6	105,7	114,4	114,3
Инфляцияни ҳисобга олган ҳолдаги индексация натижасида ўрнатиладиган ставкалар (<i>R</i>) (<i>Таклиф этилаётган</i>)						
3.1	Енгил автомобиль	220	233	246	261	298
3.2	Микроавтобуслар, автобуслар ва юк автомобиллари	430	456	482	509	583
Кумулятив, яъни тенг тақсимланган интервал миқдорлар асосидаги индексация натижасида ўрнатиладиган ставкалар ($I_k = 1,1$ коэффициент) (<i>Таклиф этилаётган</i>)						
4.1	Енгил автомобиль	220	242	266	293	322
4.2	Микроавтобуслар, автобуслар ва юк автомобиллари	430	473	520	572	630

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, жисмоний шахслар томонидан мулкни ижарага бериш учун ўрнатилган ижара тўловларининг минимал ставкаси таҳлил қилинаётган 2014-2018 йиллар мобайнида 2017 йилдагина индексация қилинган. Бу эса инфляцион омил таъсирида солиқ тушумларининг харид қобилияти паритетини бозор омиллари даражасидан паст бўлишига олиб келмоқда. Шунга асосланган ҳолда ижара тўловларининг минимал ставкасини йиллик индексация қилиш бўйича 2 усул таклиф этилади:

1. Инфляцияни ҳисобга олган ҳолдаги индексация қилиш усули.

$$S_{n+1} = S_n * R / 100, \quad (3.5)$$

Бу ерда, S_{n+1} - келгуси йилга мўлжалланган ижара тўлови минимал ставкасининг номинал миқдори;

S_n - жорий йилдаги ижара тўлови минимал ставкасининг номинал миқдори;

R - жорий йилдаги истемол нархлари индекси.

¹³⁰Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.12.2013 йилдаги ПҚ-2099; 04.12.2014 йилдаги ПҚ-2270; 22.12.2015 йилдаги ПҚ-2455; 27.12.2016 йилдаги ПҚ-2699; 29.12.2017 йилдаги ПҚ-3454-сонли қарорлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

2. Кумулятив яъни тенг тақсимланган интервалдаги миқдорлар асосидаги индексация усули.

$$S_{n+1} = S_n * I_k / 100 \quad (3.6)$$

Бу ерда, I_k -индексация учун коэффициентнинг таянч миқдори.

Ушбу усуллар воситасида индексация қилиш натижасида минимал ставканинг ўрнатилиши қуйидаги самарани бериши мумкин:

Биринчидан, минимал ставканинг инфляцион омиллар таъсирида оптимал миқдорда ўрнатилишини таъминлайди.

Иккинчидан, минимал ставкани инфляцион омил ёки тенг тақсимланган интервал миқдорлар асосидаги индексация натижасида йиллар кесимида мувозанатли ўсиб бориши таъминланади. Бу ўз навбатида давлат бюджетига тушумларни йиллар кесимидаги тушумларнинг динамик ўсиб боришини таъминлаш билан параллел равишда солиқ тўловчи тадбиркорлик субъектлари йиллик ортиб борувчи даромадларига мос равишда солиқ тўловларини мутаносиб тақсимлаш имкониятларини яратади.

Масалан, инфляцияни ҳисобга олган ҳолдаги индексация натижасида ўрнатилиши таклиф этилаётган ставкалар таҳлилидан кўриш мумкинки, 2018 йилги ставкалар мос равишда 298 минг ва 583 минг сўмни ташкил қилишини тақозо этади. Ўрнатилган ставкаларга кузатилаётган паст даражадаги ставкалар таҳлил қилинаётган давр мобайнидаги солиқ тушумларига жиддий салбий таъсир этмайди. Чунки, 2015, 2016 йиллардаги ставкаларнинг ўзгармаслиги натижасида бюджет йўқотадиган даромад имкониятлари ўсиб борувчи ставкалар ҳисобига компенсация қилинади. Демак, ушбу жараёнда солиқ тушумларининг замон ва маконда мутаносиб тақсимланиш имкониятлари шакллантирилади.

Иккинчидан, Солиқ агентлари томонидан тўлов манбаида даромад солиғи ушлаб қолиниши ва декларация топширилиши ҳисобига базага келадиган солиқ қарзини минималлаштириш мақсадида қуйидаги таклиф этилади: Жисмоний шахсларнинг автотранспорт воситасини ижарага олган юридик шахслар ижара тўловларини тўлаш ёки тўланмаслигидан қатъий назар, ижара тўловининг энг кам ставкаларидан келиб чиқиб, белгиланган солиқ ставкасида ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғини ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасида бюджетга ўтказиб берилиши шартлигига аниқлик киритиш мақсадга мувофиқдир.

4. Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи бўйича пропорционал солиққа тортиш тизими юқоридаги параграфларимизда кўриб ўтганимиздек, вертикал тенгсизлик ва даромадлар тақсимланишидаги номутаносиблик муаммосини келтириб чиқариши асосланган. Ушбу муаммо уй хўжалиқларининг демографик ёки ижтимоий таркибининг тузилиш хусусиятларига бевосита боғлиқдир.

Жадвалдан кўриниб турибдики, 5 киши ва ундан кўп аъзоларига эга оилаларнинг жами уй хўжалиқларидаги улуши 2013 йилда 58,3 %ни, 2018 йилда эса 63,2 %ни ташкил қилмоқда. 4 кишидан кўп оила аъзоларига эга уй хўжалиқлари эса 2018 йилга келиб 83,4 %ни (20,2 % + 63,2 %) ташкил қилмоқда.

**Жисмоний шахсларни солиққа тортиш:
назария ва амалиёт**

Демак, 83,4 % оила аъзоларининг даромадлари нафақат солиқ тўловчининг индивидуал эҳтиёжлари учун, балки оила аъзоларининг эҳтиёжлари бўйича тақсимланади.

3.7-жадвал. Ўзбекистон Республикасида уй хўжалиklarининг аъзолари сони бўйича таркиби (жамига нисбатан %да)¹³¹

Кўрсаткичлар	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.
Уй хўжалиklари сони	100	100	100	100	100	100
Шу жумладан, уй хўжалиklари аъзолари сони бўйича:						
1 киши	3,2	2,4	2,2	2,5	2	1,9
2 киши	6,7	5	5,5	5,4	5,4	5,4
3 киши	12,5	9,6	9,9	10	9,5	9,3
4 киши	19,3	18,8	19,1	19,1	20	20,2
5 киши ва ундан кўп	58,3	64,2	63,3	63	63,1	63,2

Уй хўжалиklари аъзоларининг таркибида иқтисодий нофаол оила аъзоларининг салмоғи юқори бўлган шароитда текис шкалага асосланган солиққа тортиш тизими ижтимоий адолат тамойилларининг кескинлашувига таъсир этади. Ўзбекистон Республикаси мисолида буни қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

3.8-жадвал. Ўзбекистон Республикаси уй хўжалиklarининг болалар сони бўйича таркиби¹³² (уй хўжалиklари танлама кузатгувлари маълумотларига асосан),%да

Кўрсаткичлар	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.
Уй хўжалиklари сони – жами	100	100	100	100	100	100
Шу жумладан:						
16 ёшгача болаларга эга бўлмаганлар	27,7	26,5	25,8	26,2	25,5	25,4
16 ёшгача болаларга эга бўлганлар	72,3	73,5	74,2	73,8	74,5	74,6
улардан:						
1 болали	24,8	23,9	24,9	24,2	24,4	23,2
2 болали	25,6	26,5	25,8	26,6	26,1	26,0
3 болали	15,6	15,9	15,6	16	16,5	17,1
4 ва ундан кўп болали	6,3	7,2	7,9	7	7,5	8,4

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 16 ёшгача болаларга эга бўлган оилаларнинг жами оилалардаги салмоғи ўсиб бориш тенденциясига эга

¹³¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

¹³² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

бўлиб, 2018 йилда 74,6 % улушга эга бўлган. Ушбу оилалар таркибида 4 ва унда кўп болали оилалар 2018 йилда 8,4 %ни ташкил қилган бўлса-да, 2 ва 3 болали оилаларнинг улуши 43,1 %ни (23,2 % + 26,0 %) ташкил қилиб, текис шкала шароитидаги солиққа тортилмайдиган минимумни бекор қилиниши ва қуйи ставканинг ортиши солиқ тўловчи оила аъзоларининг шахсий тасарруфидаги даромадларининг ҳисобига оила аъзоларининг истеъмол таркибининг сифат ва миқдор кўрсаткичларига жиддий таъсир этиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, текис (пропорционал) солиққа тортиш тизимида солиқларнинг ижтимоий адолатлилик принципини таъминлаш учун солиққа тортиладиган жами даромадлардан ижтимоий чегирмалар тизimini амалга ошириш лозим. Ижтимоий чегирмаларни амалга оширишда ҳар бир уй хўжалигининг оила аъзолари сонига боғлиқ ҳолдаги уларнинг истеъмол саватчаси (корзинаси) ҳисобга олиниши лозим.

Оила аъзоларининг сонига боғлиқ ҳолдаги солиқ чегирмаларини амалга ошириш учун қуйидаги модел тавсия этилади:

$$T_i = [GI_i - W_{min}(K + 1)]R_B \quad (3.7)$$

Бу ерда, T_i - жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ суммаси;

GI_i - жисмоний шахсларни солиққа тортиладиган жами даромадлари;

W_{min} - йил бошига белгиланадиган минимал иш ҳақи.

K - вояга етмаган болалар сони;

R_B - солиқ ставкаси.

Ушбу формула асосида солиққа тортиш, оиладаги вояга етмаган (16 ёшгача бўлган) болаларининг сонига қараб оила аъзоларининг биттасига нисбатан жорий қилинади (Эр ва хотин бирга ишлаганида иккаласидан бирига). Ушбу механизм орқали солиққа тортиш биринчидан, солиққа тортилмайдиган минимумни жами даромаддан чегиришни назарда тутди. Иккинчидан, ҳар бир бола учун 1 минимал иш ҳақи кўринишдаги чегирма қилиниши кўзда тутилади. Шунингдек, ушбу моделдаги $(K+1)$ болалар сонининг кўпайиб боришига мутаносиб равишда ортиб боради. Агар оилада болалар мавжуд бўлмаган тақдирда $K=0$ бўлиб, бунда 1 минимал иш ҳақи чегириб ташланади.

Ушбу механизм жисмоний шахслар даромадларини ижтимоий адолат принципларига асосланган ҳолда солиққа тортиш тизimini шакллантирилишига олиб келади.

3-боб бўйича хулосалар

Кейинги йилларда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидаги ислохотларнинг концептуал асосларида қуйидаги принципиал масалалар устувор аҳамият касб этмоқда:

1. Жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг амалдаги тизими юқори даражадаги солиқ юки ва кўп босқичли тавсифга эга бўлиб, аҳоли реал даромадларининг барқарор даражасини таъминлаш нуқтаи-назардан солиқ юкини пасайтиришга йўналтирилган ислохотларни амалга оширишни талаб қилади.

2. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидаги прогрессив ставкалар, аҳоли даромадларини вертикал тенглаштириш мезонлари шароитида самарали ҳисобланади. Лекин, прогрессив ставкаларда солиққа тортиш тизими аҳоли даромадларини ортиши ҳисобига улар турмуш фаровонлиги нуқтаи-назардан истеъмоли таркибининг сифат кўрсаткичларига етарли даражада ижобий таъсир этмаётир.

3. Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишнинг амалдаги тизим шароитидаги солиқ ставкаларини табақалаштириш аҳолининг ижтимоий қатламлари даромадлари ўртасидаги тенгсизликни камайтирилиши (Жини коэффиценти) ва даромадларни барқарорлаштирилишига олиб келмоқда. Лекин иқтисодий самарадорликни ошириш контекстида самарали тизим эмаслиги исботланди.

4. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидаги жорий этилаётган текис (пропорционал) солиққа тортиш тизими аҳолининг қатламлари ўртасида даромадларни тақсимланишида ижтимоий адолатлилик принципларини бузилиши ва даромадлар тақсимланишидаги тенгсизликни кучайиш рискинни вужудга келтириш мумкин.

5. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини таклиф этилаётган модели шароитидаги такомиллаштириш йўналишлари қуйидагилардан иборатдир:

5.1. Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишни такомиллаштиришда имтиёзлар тизимини манзилли ва мақсадлилигини ошириш нуқтаи-назардан такомиллаштириш зарур. Булар қуйидагилардан иборатдир:

- олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари профессор-ўқитувчилар индивидуал хўжалик шартномалари орқали илмий-инновацион, тажриба конструкторлик ишлари натижаларини реализация қилиш воситасида шакллантириладиган даромадларини энг кам иш ҳақининг 12 баробари (1 йиллик фаолият натижасида= 12*ЭКИХ) миқдорида солиқ ва мажбурий тўловлардан тўлиқ озод қилиш тартибини киритиш зарур;

- Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 179-моддаси 30 бандидаги “иш ҳақи ва бошқа даромадлари” жумласи “жамӣ даромадлар” жумласига ўзгартирилиши мақсадга мувофиқ;

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

- жисмоний шахслар автомобиль транспортдан олинадиган ижара тўловларининг минимал миқдорларини ҳар йили индексация қилиш зарур;

- жисмоний шахсларнинг автотранспорт воситасини ижарага олган юридик шахслар ижара тўловларини тўлаш ёки тўланмаслигидан қатъий назар, ижара тўловининг энг кам ставкаларидан келиб чиқиб, белгиланган солиқ ставкасида ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғини ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасида бюджетга ўтказиб берилиши шартлигига аниқлик киритиш мақсадга мувофиқдир.

5.2. Текис (пропорционал) солиққа тортиш тизимида солиққа тортилмайдиган минимумни сақлаб қолиш зарур.

5.3. Оила даромадларини солиққа тортишда оилада вояга етмаган ҳар бир бола учун 1 минимал иш ҳақи миқдорда ижтимоий чегирмалар берилиши лозим.

ХУЛОСА

Монографик тадқиқотни амалга ошириш жараёнида жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш амалиёти бўйича қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизими миллий даромад ва миллий бойликни ижтимоий-адолат принципларига мувофиқ мувозанатли тақсимлаш тизимини шакллантиришга йўналтирилиши мақсадга мувофиқ.

2. Ягона иқтисодий маконда иқтисодиёт соҳа ва тармоқлари тараққиётнинг уйғунлигини таъминлашни мувофиқлаштирувчи фискал фактор ролини бажариши лозим.

3. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқларнинг кенг турлари солиқ тўловчиларнинг даромадлари ва мулкий ҳолатларига мувофиқ келиши лозим.

4. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизими даромад даражаси бир хил шароитда турли солиқ юкининг амал қилиши ва даромадлари ҳажми турли бўлган фуқаролар учун бир хил солиқ юкини амал қилиши горизонтал ва вертикал тенглик тамойиллари бузилишига олиб келади. Шунинг учун солиқларнинг кенг арсенали шароитида солиқ тизимини ўрта муддатда ислоҳ қилиш аҳолининг ижтимоий қатламлари ўртасида вертикал ва горизонтал ижтимоий-иқтисодий тенглик тамойилларини таъминлашга қаратилиши лозим.

5. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётини ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган ислоҳ қилиш солиқ тизимини макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги ролини ошириш билан биргаликда солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш ва солиқларни йиғилувчанлигини ошириш воситасида мамлакатда солиқ тизими модернизациялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

6. Тадқиқотнинг кўрсатишича, республикамизда аҳоли даромадлари йилдан-йилга мунтазам ошиб бормоқда, айниқса, аҳолининг мулкий даромадлари юқори ўсиш суръатларига эга бўлган. Мазкур ҳолатни мамлакатимизда олиб борилаётган хусусий мулкни ҳимоялаш ва мулкдорларни рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларнинг натижаси деб қараш мумкин. Лекин ёлланма меҳнат фаолиятидан олинадиган даромаднинг аҳоли даромадлари таркибидаги юқори салмоғи жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг фискал аҳамиятини юқори даражасини таъминланишига олиб келмоқда.

7. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидаги ислохотлар натижасида уларни белгиланган меъёрий ажратмалар орқали турли даражадаги бюджетлар даромадларини шакллантириш воситасида ялпи миллий даромадни ҳудудлар ўртасида қайта тақсимлашнинг самарали усуларидан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

8. Кейинги йилларда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидаги ислохотларнинг концептуал асосларида қуйидаги принципиал масалалар устувор аҳамият касб этмоқда:

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

– жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидаги ислохотлар натижаси ўлароқ, аҳолининг шахсий тасарруфидаги даромадларининг изчил ортиши ва уларнинг турмуш фаровонлигини оширилиши кузатилмоқда;

– жаҳонда кузатилаётган глобал молиявий-иқтисодий инкирознинг навбатдаги тўлкини шароитида истеъмол талабининг пасайиб бориши шароитида республикамизда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидаги ислохотлар аҳолининг истеъмол талабини рағбатлантиришда муҳим фискал омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бу ўз навбатида ички истеъмол талабининг юксалишига ва пировард натижада, мамлакат иқтисодиётининг ички имкониятлар ҳисобига ривожланиши учун шарт – шароит яратилиши имконият туғдирмоқда;

9. Жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг прогрессив тизими юқори даражадаги солиқ юки ва кўп босқичли тавсифга эга бўлиб, аҳоли реал даромадларининг барқарор даражасини таъминлаш нуқтаи-назардан солиқ юкини пасайтиришга йўналтирилган ислохотларни амалга оширишни талаб қилади.

10. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидаги прогрессив ставкалар, аҳоли даромадларини вертикал тенглаштириш мезонлари шароитида самарали ҳисобланади. Лекин, прогрессив ставкаларда солиққа тортиш тизими аҳоли даромадларини ортиши ҳисобига улар турмуш фаровонлиги нуқтаи-назардан истеъмоли таркибининг сифат кўрсаткичларига старли даражада ижобий таъсир этмаётир.

11. Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишнинг амалдаги тизим шароитидаги солиқ ставкаларини табақалаштириш аҳолининг ижтимоий қатламлари даромадлари ўртасидаги тенгсизликни камайтирилиши (Жини коэффиценти) ва даромадларни барқарорлаштирилишига олиб келмоқда. Лекин иқтисодий самарадорликни ошириш контекстида самарали тизим эмаслиги исботланди.

12. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидаги жорий этилаётган текис (пропорционал) солиққа тортиш тизими аҳолининг қатламлари ўртасида даромадларни тақсимланишида ижтимоий адолатлилик принципларини бузилиши ва даромадлар тақсимланишидаги тенгсизликни кучайиш рискинни вужудга келтириш мумкин.

13. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини таклиф этилаётган модели шароитидаги такомиллаштириш йўналишлари қуйидагилардан иборатдир:

13.1. Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишни такомиллаштиришда имтиёзлар тизимини манзилли ва мақсадлилигини ошириш нуқтаи-назардан такомиллаштириш зарур. Булар қуйидагилардан иборатдир:

- олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари профессор-ўқитувчилар индивидуал хўжалик шартномалари орқали илмий-инновацион, тажриба конструкторлик ишлари натижаларини реализация қилиш

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш: назария ва амалиёт

воситасида шакллантириладиган даромадларини энг кам иш ҳақининг 12 баробари (1 йиллик фаолият натижасида= $12 \cdot \text{ЭКИХ}$) миқдорида солиқ ва мажбурий тўловлардан тўлиқ озод қилиш тартибини киритиш зарур;

- Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 179-моддаси 30 бандидаги “иш ҳақи ва бошқа даромадлари” жумласи “жами даромадлар” жумласига ўзгартирилиши мақсадга мувофиқ;

- жисмоний шахслар автомобил транспортидан олинадиган ижара тўловларининг минимал миқдорларини ҳар йили индексация қилиш зарур;

- жисмоний шахсларнинг автотранспорт воситасини ижарага олган юридик шахслар ижара тўловларини тўлаш ёки тўланмаслигидан қатъий назар, ижара тўловининг энг кам ставкаларидан келиб чиқиб, белгиланган солиқ ставкасида ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғини ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасида бюджетга ўтказиб берилиши шартлигига аниқлик киритиш мақсадга мувофиқдир.

13.2. Пропорционал солиққа тортиш тизимида солиққа тортилмайдиган минимумни сақлаб қолиш зарур.

13.3. Оила даромадларини солиққа тортишда оилада вояга етмаган ҳар бир бола учун 1 минимал иш ҳақи миқдорда ижтимоий чегирмалар берилиши лозим.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – 62 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 декабрдаги “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-508-сон Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-И-сон; 2014 й., 36-сон, 452-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда).
4. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 33-сон, 439-модда, 52-сон, 645-модда; 2016 й., 1-сон, 2-модда, 17-сон, 173-модда, 39-сон, 457-модда).
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. – www.lex.uz
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида»ги ПФ-5308-сонли Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида” ги ПФ-5468-сон Фармони.
8. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2003 й. 46 б.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ-2455-сонли Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5116-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-3454-сонли Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 февралдаги “Солиқ қонунчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” Ф-5214-сонли Фармойиши.

**Жисмоний шахсларни солиққа тортиш:
назария ва амалиёт**

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги ПҚ-4086-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги “Илмий-инновацион ишланма ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 24-сонли қарори.
15. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиш керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
16. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2018. – 55 б.
17. Агзамов А.Т., Анаркулов А.Д. Фискальная оценка действующих функций и принципов налогообложения физических лиц в Республике Узбекистан. // Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техника институти Ахборотномаси. – Т., 2019. №2. 151-155-б. (08.00.00; №24)
18. Агзамов А.Т. К вопросу элементов налогообложения доходов от капитала и ее принципов // “Ўзбекистон Республикасининг Ҳаракатлар стратегияси: макроиктисодий барқарорлик, инвестицион фаоллик ва инновацияни ривожланиш истикболлари”. Конференция материаллари. – Тошкент: ТДИУ, 2019 й. 27-28 май. 200-208-б.
19. Агзамов А.Т. Бюджетно-налоговая политика и экономический рост // Тридцать вторые Международные Плехановские чтения: Материалы международной научно-практической конференции (1-2 февраля 2019 г.). – Выездная сессия в г. Ташкенте. – М.: ФГБОУ ВО «РЭУ им. Г.В. Плеханова», 2019. – с. 353-354.
20. Агзамов А.Т. Жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг фискал самарадорлиги. «Халқаро молия ва ҳисоб» электрон журнали. Тошкент, 2019. №1, январь-февраль. (08.00.00 №19)
21. Agzamov A.T. Improvement of practice taxation of physical persons in the forming of state budget // Человеческий капитал и профессиональное образование. Россия, 2018. №1 (25). – Р. 58-61. (08.00.00; №27)
22. Агзамов А.Т. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётининг илмий тадқиқига янгича ёндашувнинг зарурлиги хусусида. // “Иқтисодий стратегик ривожлантириш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш йўллари” мавзусидаги республика анъанавий илмий-амалий анжумани (1-қисм). Конференция материаллари. – Самарқанд: СамИСИ, 2018 й. 17-19 февраль. 127-129-б.
23. Agzamov A.T. Peculiarities of taxation of individuals in the Republic of Uzbekistan // Экономика и социум. Россия, 2018. №3 (46). – Р. 5-8. <http://www.iupr.ru/>.

**Жисмоний шахсларни солиққа тортиш:
назария ва амалиёт**

24. Agzamov A.T. On the issue of identifying current trends in the development of taxation of individuals in the Republic of Uzbekistan (К вопросу выявления современных тенденций развития налогообложения физических лиц в Республике Узбекистан) // Theoretical & Applied Science. Philadelphia, USA, 2018. №03 (59). – P. 24–28 (International Scientific Journal Impact Factor: 4.102; № 5 Global Impact Factor-0.546). <http://t-science.org/>).
25. Агзамов А.Т., Бауетдинов М.Ж., Эрназаров Н. Ориентация налога на доходы физических лиц на обеспечение роста дохода от сбережений // Материалы X международной научно-практической конференции «Институциональная развития социально-экономических систем: национальная экономика в глобальном среде». – Полтава: ПУЭТ, 2018 г. 15-17 мая.– С. 95-97.
26. Агзамов А.Т. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзларни такомиллаштириш масалалари. // Ўзбекистонда молия секторини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари. Конференция материаллари. – Тошкент: ТДИУ, 2017 й. 10 ноябрь. 129-132-б.
27. Агзамов А.Т. Солиқ тизимидаги ислохотлар – макроиктисодий барқарорликни таъминлашнинг муҳим фискал омили сифатида // Иктисодиёт ва инновацион технологиялар. – Т., 2015. №2, март-апрель. (08.00.00 №10)
28. Агзамов А.Т. Солиқлар орқали маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигини таъминлаш. // Иктисодиёт ва таълим. – Т., 2015. №3. 111-115-б. (08.00.00 №11)
29. Агзамов А.Т. Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ставкалари ва уларда солиқ юкни оптималлаштириш йўллари. // Biznes-Эксперт. – Т., 2016. №10. 58-62-б. (08.00.00 №3)
30. Агзамов А.Т. Аҳоли даромадларини шакллантириш ва оширишда солиқ имтиёзларини такомиллаштириш. // “Мустақиллик йилларида Ўзбекистон банк-молия тизимининг ривожланиши”. Конференция материаллари. – Тошкент: ТДИУ, 2016 й. 25 ноябрь. 25-28-б.
31. Агзамов А.Т. Маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришда жисмоний шахсларнинг мол-мулкига олинадиган солиқнинг ролини ошириш йўллари. // Biznes-Эксперт. – Т., 2017. №1. 29-34-б. (08.00.00 №3)
32. Агзамов А.Т. Хитой солиқ тизимида жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш хусусиятлари // “Development prospects of economic cooperation between Republic of Uzbekistan and people’s Republic of China”. Конференция материаллари. – Пекин, Тошкент: ТДИУ, 2016 й. 22 апрель. 282-286-б.
33. Агзамов А.Т. Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқларнинг давлат бюджети даромадларини шакллантиришда туганган ўрни. // “Таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш – соҳа тараққиётининг муҳим мезони”. Конференция материаллари. – Тошкент: ТДИУ, 2015 й. 17 март. 154-159-б.

**Жисмоний шахсларни солиққа тортиш:
назария ва амалиёт**

34. Агзамов А.Т. Жисмоний шахсларни солиққа тортишда илғор хорижий тажрибадан фойдаланиш хусусиятлари. // “Иқтисодиётнинг реал сектори самарадорлигини оширишда бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни такомиллаштириш масалалари”. Конференция материаллари. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2015 й. 10 апрель. 456-459 б.
35. Агзамов А.Т. Жисмоний шахс (шу жумладан тадбиркор)ларни солиққа тортиш методологиясини такомиллаштириш масалалари. // “Иқтисодиётни диверсификациялаш шароитида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришнинг долзарб масалалари”. Конференция материаллари. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2014 й. 5 декабрь. 201-207-б.
36. Агзамов А.Т. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш масалалари. // “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молия-кредит муассасаларининг инвестицион фаоллигини ошириш”. Конференция материаллари. – Тошкент: ТДИУ, 2013 й. 15 март. 366-369-б.
37. Awad M.H. Adjusting Tax Structure to Accommodate of Zakah. Management of Zakah in Modern Muslim Society. Islamic Development Bank, Jeddah, 2000, pp. 77–100.
38. Адамс Ч. Влияние налогов на становление цивилизации / Чарльз Адамс; пер. с англ. А. А. Столярова и А. А. Резвова. – Москва; Челябинск: Социум, Мысль, 2018.
39. Alexander Odishelidze and Arthur Laffer. Pay to the Order of Puerto Rico. Allegiance Press, USA, 2004. – 455 p.
40. Alfred G. Buehler «Taxation and the minimum of subsistence» Source: The American Economic Review, Vol. 23, No. 2 (Jun., 1933), pp. 234-244. Stable URL: <http://www.jstor.org/stable/253>
41. Блауг М. Экономическая мысль в ретроспективе. Пер. с англ., 4-е изд. – М.: «Дело» Лтд., 1994. – с.124-125.
42. Блауг М. Пигу, Артур С. // 100 великих экономистов до Кейнса = Great Economists before Keynes: An introduction to the lives & works of one hundred great economists of the past. – СПб.: Экономикс, 2008.
43. Walter A. Durham, Jr. and Grover William Ensley «Revenue possibilities of the personal income tax» Source: The Bulletin of the National Tax Association, Vol. 25, No. 8 (May, 1940), pp. 231-235. Stable URL: <http://www.jstor.org/stable/41788057>
44. Геертен Михиелсе, Рассел Крелов, Нарине Нерсесян и Жан-Франсуа Уен. Узбекистан: Обзор налоговой системы Доклад по технической помощи // Апрель 2018 г. Fiscal Affairs Department International Monetary Fund 700 19th Street NW Washington, DC 20431 USA ' <http://www.imf.org/capacitydevelopment>
45. Гончаренко Л. Налоги с физических лиц. Учебник. М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2007.

46. Дуглач Т.Б. При эпохи просвещения. Ш.Монтескьё, Волтер, Руссо (От концепции просвещенного абсолютизма к теориям гражданского общества) – Москва: 2006.
47. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. – М.: Гелиос АРВ, 2002.
48. Кравченко И.А. Налоговые реформы 80-х гг. в США: социально-экономический аспект. – М.: НИФИ, 1989. С.9.
49. Levin–Coburn Report "Senate Financial Crisis Report, 2011" (PDF). Retrieved April 22, 2011.
50. Laffer A. The LafferCurve: Past, Present, and Future. The Heritage Foundation, 1 June, No. 1765. 2004.
51. Panskov V.G. [On progressive scale of personal income taxation]. Налоги и налогообложение = Taxes and Taxation, 2009, no. 7, pp. 14–19. (In Russ.)
52. Полянская Н.М. Зарубежный опыт налогообложения. Известия, электронный журнал. 2014. № 6.
53. Пушкарёва В. История финансовой мысли и политики налогов. –М.: Финансы и статистика, 2003. – 256 с.
54. Рикардо Д. Сочинения, Т. I. Начало политический экономики и налогового обложения. Пер. с англ. – М.: «Госполитиздат», 1935. с. 360.
55. Richard W. Kopcke, Geoffrey M. B. Tootell, and Robert K. Triest Introduction: The Macroeconomics of Fiscal Policy. Armonk, NY: M.E. Sharpe.
56. C. Alan Garner. Consumption Taxes: Macroeconomic Effects and Policy Issues.
57. Saleem. Sh. Islamic Concept of Taxation Renaissance, 1992, vol. 2, iss. 10.
58. Сажина М. А., Чибриков Г. Г. Экономическая теория: учеб. для вузов. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Норма, – 672 с.: ил - 2007 год.
59. Соколов А. Теория налогов. –М.: ООО «ЮрИнфоР-Пресс», 2003. – 506 с.
60. Словарь современной экономической теории Макмиллана. Пер с англ. яз.-М.: Инфра-М, 2003. – 608 с.
61. Темур тузуклари. – Тошкент, 1996.
62. Thomas Piketty and Nancy Qian «Income Inequality and Progressive Income Taxation in China and India, 1986–2015» Source: American Economic Journal: Applied Economics, Vol. 1, No. 2 (April 2009), pp. 53-63. Stable URL: <http://www.jstor.org/stable/25760160>
63. Ўринов В. “Солиқ юки: даромадлар тенг, аммо...”. “XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси, 2018 йил 24 май, 21 (759).
64. Harley L. Lutz «The privilege of personal income taxation». Source: The Bulletin of the National Tax Association, Vol. 23, No. 1 (October, 1937), pp. 11-22. Stable URL: <http://www.jstor.org/stable/41786912>
65. Черник Д. Налоги и налогообложение. Учебник. – М.: Юнити-Дана, 2010.
66. Черник Д. Налоги с физических лиц. – М.: МГФ «Знание», 1997. – 138 с.
67. Чокаев В.В. Исламские финансы: возможности для Российской экономики./ Вопросы экономики, 2015.

**Жисмоний шахсларни солиққа тортиш:
назария ва амалиёт**

68. Шамсутдинов Ф.Ш., Шамсутдинова Ш.Ф. Чет мамлакатлар солиқ тизими. Дарслик. Т.: Фан ва технология, 2011.
69. Шлянкевич С.В. Усиление социальной функции налогов в механизме налогообложения физических лиц / автореферат на соискание ученой степени к.э.н. – М.: 2012. – 29 с.
70. Яхёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Дарслик. – Т.: Фан ва технологиялар, 2003. - 247 б.
71. Global Economic Prospects Weak Investment in Uncertain Times. A World Bank Group Flagship Report. International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank 1818 H Street NW, Washington, DC 20433.- January 2017.
72. http://mobile.studme.org/128104199879/ekonomika/sotsialnye_nalogi (мурожаат қилинган вақт-21.10.1018)
73. <http://taxfoundation.org/article/us-federal-individual-income-tax-rates-history-1913-2013-nominal-and-inflation-adjusted-brackets>
74. <http://www.irs.gov/taxtopics/tc551.html>
75. <http://www.irs.gov/taxtopics/tc551.html>
76. <http://www.japan-guide.com/e/e2206.html>.
77. <http://chinalawinfo.ru>. Закон КНР «О налоге на доходы физических лиц» Председатель КНР Ху Цзиньтао 30.06.2011.
78. <http://www.calc.ru/kurs-INTR-USD.html>
79. <http://business.mapsofindia.com/india-tax/income-tax.html>
80. Информационный интернет-ресурс «Налоги». Точка доступа URL: [http://www.netnalogu.ru/\\$](http://www.netnalogu.ru/$)
81. Nerre B. Tax Culture: A Basic Concept for Tax Politics / Economic analysis & Policy vol. 38 2008.
82. citaty.info/man/tomas-robert-dyuar
83. URL: <https://www.owuberlin.de>. (мурожаат қилинган вақт-21.10.1018)
84. Узбекская экономическая энциклопедия. – Т.: Фан, 2008. – с.314.
85. <http://www.gov.uz-> (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати расмий сайти).
86. <http://www.Lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).
87. <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти).
88. <http://www.soliq.uz> (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси расмий сати).
89. <http://www.stat.uz> (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти).



RS Global

Ph.D. Docent Agzamov Avazkhon

TAXATION OF INDIVIDUALS: THEORY AND PRACTICE

MONOGRAPH

Passed for printing 20.12.2021. Appearance 27.12.2021.

Typeface Times New Roman.

Circulation 100 copies.

RS Global Sp. z O.O., Warsaw, Poland, 2021

Numer KRS: 0000672864

REGON: 367026200

NIP: 5213776394



RS Global

Ph.D. Docent АГЗАМОВ АВАЗХОН ТАЛГАТОВИЧ

**ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ
СОЛИҚҚА ТОРТИШ:
НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ**

МОНОГРАФИЯ

Passed for printing 20.12.2021. Appearance 27.12.2021.

Typeface Times New Roman.

Circulation 100 copies.

RS Global Sp. z O.O., Warsaw, Poland, 2021

Numer KRS: 0000672864

REGON: 367026200

NIP: 5213776394

Tashkent State University of Economics
Ph.D. Docent
Agzamov Avazkhon

TAXATION OF INDIVIDUALS: THEORY AND PRACTICE



RS Global

Publisher:

RS Global

Dolna 17, Warsaw,
Poland 00-773

<https://monographs.rsglobal.pl/>

Tel: +48 226 0 227 03

Email: monographs@rsglobal.pl